



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*Ўзбекистон  
Республикасининг  
мустақиллигига*



# УСТОЗЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ ЁХУД БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАРГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНДИ

2023 йилнинг 5 август куни Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг 2022-2023 ўқув йилида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларига тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

2022-2023 ўқув йилини жами – 138 нафар тингловчи (Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 45 та, Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 47 та, Иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 23 та ва Маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 23 нафар тингловчи) муваффақиятли якунлади.

Ўқув курси давомида маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида одил судловнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган жуда кўплаб халқаро ва Республика миқёсидаги конференция, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўқув машғулотларининг савияси ва сифатини янада яхшилаш мақсадида Олий мактабининг 10 дан ортиқ ходимлари хорижий давлатлар таълим муассасаларида билим ва кўникмаларини оширган ҳолда тажриба алмашиб келишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд ҳамда Судьялар ассоциацияси раҳбарияти, таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва суд-ҳуқуқ тизими фахрийлари иштирок этишди.

## Убайдулла МИНГБОЕВ,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси:

– Судья бўламан деган улуғ мақсадни кўзлаб, яхши ният билан шу кутлуғ йўлга қадам қўйган тингловчиларга уни покиза сақлаш учун куч-қувват, сабр-тоқат тилайман. Судьяликдек шарафли ва ниҳоятда масъулиятли касбнинг этагидан тутиб, бу мартабани ҳалол-поқ сақлаш осон эмас. Бунинг учун инсондан қатъият, билим, тинимсиз изланиш талаб этилади. Биз ишлаган вақтларда фақат судьяларни тайёрлайдиган, судьялар ва судлар аппаратлари ходимларининг малакасини оширишга ихтисослашган Олий мактаб бўлмасди. Суд тизимидаги бундай таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг ташкил этилиши Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган суд ислохотларининг амалий натижасидир.

Шу ўринда Олий мактабнинг магистратура босқичи битирувчиларининг кейинги фаолиятларида қоқилмасликлари учун қуйидаги фикрларимни билдириб ўтсам. Судьяда дангасалик, эътиборсизлик, тартибсизлик умуман бўлмаслиги лозим. Мазкур нуқсонлар бизда бўлса биз ҳақиқий адолат ишини амалга ошира олмаймиз. Натижада фуқароларнинг оғзидан нохуш хабарларни эшитишимиз мумкин. Ҳозир ҳам айрим судьяларимизнинг хатолари, эътиборсизлик қилиб фуқароларни сарсон қилишгани онда-сонда қулоққа чалиниб туради. Судьялик қасамёдини қабул қилиш ҳамма битирувчиларга насиб қилсин. Лекин, шу қасамёдга содиқ қолиш, эътиборли бўлиш, қонунчиликда кўрсатилган ваколатлардан тўғри фойдаланиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қатъиятли бўлиш, адолатли қарор чиқариш бу судьяларнинг нуфузига тўғри келадиган фазилатлардир. Ишнинг ичига



ўзимиз киришимиз, ўзимиз эътибор беришимиз, фақатгина инкор этиб бўлмайдиган далилларгагина асосланишимиз керак. Суднинг обрўйини, нуфузини сақлаш ҳар бир судьянинг муқаддас бурчига айланиши шарт. Шундагина адолат қарор топади. Инсонлар суд биносига келганда, адолат борлигига ишонади. Акс ҳолда Янги Ўзбекистоннинг энг устувор мақсадига айланган адолатни қарор топтириш шубҳа остида қолиши мумкин. Кўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ҳақиқий судья бўламан, одамлар орасида обрў-эътибор қозонаман, деган инсон нафсини жилловлаб олиши керак. Инсон нафсига эрк берадиган бўлса, нафсининг қулига айланса, шарманда бўлади. Ҳаётда шундай нафсини тия олмаган судьяларни ҳам кўрганмиз. Ва уларнинг кўпчилик олдида юзи шувит бўлганлигига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Алломаларимизнинг китобларида ибратли ҳикоятлар жуда кўп. Фақат биз уларни ўқиб, хулоса чиқаришимиз лозим. Бўлажак судьяларимизга ниятим ҳар қандай ҳолатда ҳам қалбига қулоқ тутиб, виждонини пок қилиб, адолат томонда туришга ўзида куч топа олсин.





**Мирзо-Улуғбек Абдусаломов,**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси:*

– Аввало битирувчиларга омад тиламан. Эртанги судьялик лавозимлари учун бўладиган имтиҳонларни ҳам аъло баҳоларга топшириш насиб қилсин. Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг ўрни кундан-кунга юксалиб борапти. Мен биринчи марта судьялик лавозимига 1981 йил тайинланганман. Ўшанда бундай курслар ва тайёргарликлар йўқ эди. Суддаги иш фаолиятимни суд биносига бориб устозлардан суд жараёнини олиб бориш тартиби ва қоидаларини сўраб-суриштириб, уларнинг айтганларини қўлда дафтарга ёзиб олишдан бошлаганман. Мана бугун битириб кетаётган тингловчиларнинг ўзи тайёр судьялардир. Улар ўқиш давомида назарий жиҳатдан таълим олишди, амалиёт ўташди, хорижий тажрибани ҳам ўрганишди. Демак, бундай имкониятлардан кейин ҳозирги тингловчилар суд тизимининг энг ишончли, энг олдинги ўрнида турадиган судьялари бўлишлари керак. Судьялик жуда оғир касблардан биридир. Чунки, доимий меҳнат, мунтазам олдинга интилиш, ҳалоллик, поклик, кўп нарсалардан ўзини чегаралаш, нафс деган балони жиловлаш керак бўлади. Лекин мана шу машаққатли меҳнат уларга катта обрў ва ҳурмат олиб келади. Мавлоно Румийнинг яхши бир гапи бор эди: сабр-тоқат, меҳнат интилишни ҳаётингизга шior қилиб олсангиз Сизнинг мартабангиз умрингизни охирига борганда Арши аълода бўлади. Шундай экан, битирган тингловчиларга инсоф, адолат, поклик доим ёр бўлишни тилаб қоламан. Ҳали тингловчиларнинг ҳаётида қийинчиликлар кўп бўлади. Асосийси шу қийинчиликлардан матонат билан ўтиш насиб қилсин. Агар битирувчилар бугун дипломни олдик, бўлди бизнинг мартабамиз ҳам, билимимиз ҳам, ҳурматимиз ҳам етади деса улар ўша куниеқ ҳаётдан орқада қолган бўлишади. Дипломни олгандан кейин ҳам ҳар кунни ўзларининг устида ишлашлари керак бўлади. Ўқишни, изланишни тўхтатган судьялар ишидан бироз вақт ўтиб ажраганини ҳаётда кўп кўрганмиз.

**Робахон МАҲМУДОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари*

– Судьялар кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби очилгандан буён 345 нафар битирувчи ушбу даргоҳда таҳсил олди ва судьялар сафига кўшилди. Бугун битирган тингловчилар бундан кейин ҳам ўқишни давом этиришади. Фақат у бошқа шаклда, бошқа усулда бўлади. Шундай масъулиятли ишда омад ва зафарлар тилаб қоламан.



Битирувчилар бевосита иш билан шуғулланади, бевосита одамлар тақдирини ҳал қилишади. Уларнинг олдига келган инсон албатта нажот билан, умид билан келади. Муаммосини ечиш учун бошқа усул тополмаганидан судга мурожаат қилади. Ишонаманки, бу битирувчилар овозсиз келган одамга овоз беришади, умидсиз келган одамга умид чироғи бўлишади. Ва ҳар сафар ишни ҳал қилишганда биринчи галда судланувчининг тақдирини, оиласини, фарзандларини кўз олдига келтиришади. Чунки, жазо бир одамга тайинланмайди. Бу жазо бутун оилага тайинланади. Унинг оқибати бутун оиланинг тақдирига таъсир қилади. Айбланувчининг оиласини бошқа боқувчиси борми, бўлмаса кейин қандай кун кўради, оиладаги фарзандларнинг тарбияси қандай бўлади, шу томонларини ҳам судья ўйлаб қарор қабул қилиши керак.

Бу йил 29 нафар синглимиз Олий мактабни битирди, бундан жудаям хурсанд бўлдик. Бу рақам ўтган йилги битирувчилар сонидан 2 баробар кўпдир. Уларнинг бизнинг сафимизга тез орада кўшилишига умид қилиб қоламан. Улар ўқишлари давомида оилани ҳам, ишни ҳам, ўқишни ҳам биргаликда уддалашади, деб ишонаман. Улар иш кўраётганда албатта, ҳам аёллик шафқати, ҳам ўзларининг қатъияти, донолиги ила ҳар томонлама ўйлаб қонуний қарор қабул қиладилар, деб умид қиламан.

Биз судьялар шуни унутмаслигимиз керакки, ҳеч қайси ташкилот давлат номидан қарор чиқармайди. Шундай экан биз хато ва камчиликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ!



Таълим жараёнига бевосита юқори малакали судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда халқаро экспертлар жалб қилинмоқда. Тажриба алмашиш мақсадида хорижий давлатларнинг судьяларни тайёрлаш бўйича махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам ўрнатилган. Мисол учун, бир қатор хорижий давлатлардаги судьяларни тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасалари, хусусан, Испания Судьялар олий мактаби, Болгария Судьялар миллий институти, Руминия Миллий магистратура институти, шу билан бирга мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Франция Миллий магистратура мактаби, Италия Одил судлов мактаби ҳамда Канада Миллий судьялар институти билан ҳамкорликда мунтазам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу ўринда Судьялар олий мактабида инсон ҳуқуқларига оид нормалар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши бўйича ўқув машғулоти шакллантирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу таълим ва илмий тадқиқот даргоҳининг битирувчилари келажакда давлат ва жамиятда адолат ўрнатилишига амалий ҳиссаларини қўшадилар.

**Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.**

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 28.08.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 12. Адади 1900.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“GOLD PRINT PRESS” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 054,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

Чўпон ота кўчаси, 28<sup>а</sup>-уй**МУНДАРИЖА****ЖАРАЁН****6****УЛУФ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ...****8****ЭЪТИРОФ****БИЗ УЧУН ҲАҚИҚИЙ МАКТАБ БЎЛГАН****КУН МАВЗУСИ****9****СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУДЬЯ  
МАСЪУЛИЯТИ****10****ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА СУД ҲОКИМИЯТИ****МУНОСАБАТ****11****“ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ СУД  
ҲИМОЯСИДА” – МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА****13****ЯНГИ БОСҚИЧ****РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ —  
ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ГАРОВИ****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****16****СЕРВИТУТ – БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ  
МУЛКИДАН ЧЕКЛАНГАН ҲОЛДА  
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ (МИ?)****19****ГЛОБАЛЛАШУВ****ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИГА ОИД  
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ  
ХАЛҚАРО АРБИТРАЖДА  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ****МУЛОҲАЗА****23****ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**27**

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

**КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ  
ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ  
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАГА КИРИТИШ  
ЖИНОЯТИ**

**МУШОҲАДА**

**31**

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА  
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

**33**

**РАҚАМЛИ ДУНЁ**

**АДЛИЯ ОРГАНЛАРИДА  
РАҚАМЛАШТИРИШНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ**

**НУҚТАИ НАЗАР**

**37**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ РАМЗИЙ  
БЕЛГИЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**40**

**ТАДҚИҚОТ**

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ  
ТАРАФЛАРНИНГ HOҲИШ-ИРОДАСИГА  
БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАРГА  
КЎРА БЕКОР ҚИЛИШ**

**42**

**ЖИНОЯТ ИШИГА  
ЖАЛБ ЭТИЛМАГАН  
ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ**

**44**

**КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ  
МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШНИ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**48**

**МЕНИНГ ФИКРИМ**

**ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ  
ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА  
РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ БИЛАН  
БОҒЛИҚ НОМУВОФИҚЛИКЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**ИБРАТ**

**50**

**МАҲБУСНИНГ САДОҚАТИ**

**51**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ  
ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
АСОСЛАРИНИНГ  
КЕНГАЙТИРИЛИШИ**

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

**53**

**ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ  
КАФОЛАТЛАРИ**

**МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШ ЖОЙИ ВА  
УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

**54**

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

**ПОНЯТИЕ ВИНЫ СВЯЗАННОЕ  
С ПРЕСТУПЛЕНИЕМ И СОСТАВОМ  
ПРЕСТУПЛЕНИЯ**

**МНЕНИЯ ЭКСПЕРТА**

**58**

**ФЕНОМЕН ИНСТИТУТА  
КОНСТИТУЦИОННОГО КОНТРОЛЯ:  
ИСТОРИЧЕСКАЯ  
РЕТРОСПЕКТИВА**

**61**

**ANALYSIS**

**CONSTITUTIONAL AND LEGAL  
GUARANTEES OF  
INDEPENDENCE OF JUDICIARY  
IN UZBEKISTAN**

## УЛУФ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ...

Юксак поғоналарга илм нарвони билан чиқилганидек судья бўламан, адолат тарозисини маҳкам тутаман деган ниятда бир йил аввал Судьялар олий мактабига ўқишга кирган талабалар бугун ушбу даргоҳдаги таълимни якунлаб ҳаётларидаги мақсадлари томон яна бир поғона кўтарилдилар. Қуйида эътиборингизга битирувчилардан айримларининг таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини ҳавола қиламиз.

### Дилмурот ЖЎРАЕВ:

— Устозларимизнинг айтишича, судьялар иш бошлаганидан сўнг улар билан доимий мулоқотда бўлувчилар доираси вақт ўтгани сари қисқариб бораркан. Чунки, судьяларга нисбатан нафақат иш пайти, балки бошқа вақтларда ҳам муайян чекловлар қўйилади, улар ҳатто дўст танлашда ҳам ўта эҳтиёткор бўлишлари лозим. Бундан ташқари, кўпчилик ушбу касб эгаларини совуққон, ҳис-туйғулардан бегона шахс сифатида тасаввур қилади. Фуқаролар учун судья ишдан ташқари вақтда ҳам судья бўлиб қолаверади, шу сабабли улар хоҳ хизмат пайтида бўлсин ёки бошқа вақт — доимо ушбу “вазифа”ларини муваффақиятли уддалашга мажбурлар. Бу каби жиҳатларни ўзлаштиришда эса бизларга устозимиз Хулкар Маҳмудовадан психология бўйича олган таҳсилимиз жуда кўп асқотади, деб ўйлайман.

Хусусан, биз келгусида эътибор берадиган ва тайёр бўладиган яна бир нозик жиҳат — доимий равишда ортиб бораётган иш юкларидир. Ўзбекистонда кейинги ўн йил ичида қонунчиликдаги сезиларли ўзгаришлар туфайли ишларни кўриб чиқиш бўйича иш ҳажми амалда ўзгармаган штат жадвали билан бажариб келинмоқда. Бундан ташқари қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, суд амалиётининг беқарорлиги судьянинг қарор қабул қилишида психологик ноқулайликни келтириб чиқаради.

Шуни ёдда тутиш керакки, тўхтовсиз ривожланаётган ижтимоий муносабатлар қонун ижодкорлиги фаолиятини олдинда бўлиб, бундай ҳолатлар муайян ишларда юзага келадиган ҳуқуқий бўшлиқ судлар ёрдамида тўлдирилади. Бу эса қонун нормаларидаги номувофиқликлар ёки зиддиятларни судья ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ички ишончига суянган ҳолда бартараф этиши лозимлигини англатади.



### Гулрух МАМАРАИМОВА:

— Биз ўқиш даврида нафақат суд-ҳуқуқ йўналиши бўйича таҳсил олдик, балки, ўтган бир йил давомида ҳафтанинг бир кунини “Маънавият бўлмаган жойда адолат бўлмайди” сингари мавзулар остида маърифий кечаларда ҳам иштирок этдик. Ушбу тадбирларда Шойим Бўтаев, Хумоюн Акбаров сингари бир қатор қисса, ҳикоялари ва романлари билан танилган адиблар, моҳир публицистлар, шоир ва таржимонлар маърузалар қилишди, бизга инсон ҳаёти ва фаолиятида маънавиятнинг ўрни, китоб ва китобхонликнинг аҳамияти ҳақида гапириб беришди.

Шунингдек, ёдимизда қолган тадбирлардан бири бу Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтган “Уч авлод учрашуви”дир. Ушбу учрашувда тизимда узоқ вақт самарали фаолият кўрсатган суд фахрийлари, бугунги кунда ишлаётган судьялар бизга ўзларининг ҳаётий тажрибаларини, билим ва кўникмаларини улашган. Улардан оғир-босиқликни, ҳар қандай катта мавқе ва натижаларга эришсада ўзликни, камтарликни йўқотмасликни ўрганганмиз.

Биз тингловчилар ҳам кеча университетни тугатган битирувчи эмасмиз албатта, барчамиз 35 ёшдан ошган ҳаёт тажрибамиз оз бўлсада бор. Бироқ, шундай ҳолатда ҳам “Уч авлод учрашуви” ўзимизга сезилмаган камчиликларимиздан холос бўлишимизда катта ўрин тутган.



**Нураддин ТАЙРОВ:**

— Олий мактабда ўқув йили давомида назарияни етарли даражада ўрганганимиздан сўнг олган билимларимизни амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида 2 босқичдан иборат амалиётга чиқдик. Дастлаб биринчи инстанция судлари (туманлараро, туман, шаҳар судлари)да назарий билимларимизни синовдан ўтказган бўлсак, сўнгра иккинчи босқичда юқори инстанция судлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари)да амалиётда бўлдик.

Амалиёт давомида жуда кўплаб суд жараёнларида иштирок этиб, бевосита юридик шахслар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш билан боғлиқ кўникмаларни ҳосил қилдик. Судья мансабдор шахснинг ноқонуний қарорини бекор қилиб фуқаро ва тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тиклаганини ўзимиз кўрдик, жараёнда бевосита иштирок этдик. Экспертиза тайинлаш, адвокат ва прокурор билан муносабатни ўргандик. Амалиёт бизга суд жараёнида бўлиши мумкин бўлган ҳаяжонимизни йўқотишга, ўзимизга бўлган ишончимиз ортишига катта ёрдам берди.



**Ансатбай КАРАЖАНОВ:**

— Мен ўтган бир йил давомида ўз мақсадим сари яна бир қадам яқинлашдим. Ва бунда менга ёрдам берган устозларимдан жуда миннатдорман. Ушбу миннатдорчилигимни ўзимнинг қуйидаги шеърий сатрларим орқали изҳор қилсам:

*Сиз туфайли устозлар,  
Ҳаёт боғларим сўлим,  
Сиз билан ўтган куним,  
Эсласам яйрар дилим.*

*Сизлар берган илмингиз,  
Ёритди бутун умрим,  
Олий мактаб даргоҳи,  
Белгилар ҳаёт йўлим.*

*Хизматга шай туришга,  
Ҳалол йўлдан юришга,  
Олий мактаб ўргатар,  
Одил қози бўлишга.*

*Насиб қилса бизлар ҳам,  
Одил қози бўламиз,  
Магистрдан кейин ҳам,  
Фан доктори бўламиз.*

*Қарақалпоқ ўғлони,  
Миннатдор бугун сизга,  
Аллоҳим умр бериб,  
Киринглар тўқсон, юзга.*

**Алишер ЮЛДАШЕВ:**

— Бир йил олдин қанча ҳаяжон ва орзу-ният, қийинчиликлар билан ана шу ўқув даргоҳига ўқишга киришни ният қилиб юрган эдик. Бугун мана магистрлик дипломини олиб, меҳнатлар самарасига эришиб турибмиз. Бу йўлда бизга таълим берган ва бунинг учун шароит яратиб берган барча устозларимизга раҳмат айтамиз. Курсдошларимизга эса ҳалол бўлишларини айтиб, кейинги фаолиятларида муваффақиятлар тилайман:

*Умр ўтиб борар, фурсат бешафқат,  
Бир йил ўқишни ҳам тугатдик дўстим.  
Бизни яқин қилди ўтган бу муддат,  
Бир-биримизни қирқда учратдик дўстим.*

*Бир йил болаликка қайтгандек бўлиб,  
«Ака»-деб, «ука»-деб, самимий кулиб,  
Қалбимиз орзу-ю ҳавасга тўлиб,  
Билимга пойдевор яратдик дўстим.*

*Билим барчасига ёлғиз нажотда,  
Устозлар ўғитин олиб, ҳаётда,  
Камини тўлдириб амалиётда,  
Тарафларни роса «сайратдик» дўстим.*

*Одиллик, ҳалоллик сувини ичдик,  
Аҳил-иноқ бўлиб, кибрдан кечдик.  
Бир мақсад йўлида биз бирга эдик,  
Бирлигимиз бугун кўрсатдик дўстим.*

*Адолат отини минишга ҳужжат,  
Берилди, энди бор ўзингни кўрсат.  
Оиланг, дўстларинг унутма фақат,  
Саодат саройин банд этдик дўстим.*

*Бу кунларга кимлар етган-етмаган,  
Биздан эмас поклик тугин тутмаган.  
Унутма, кун йўқдир бирор ўтмаган,  
Энди бошқачамиз юр кетдик дўстим,  
Судьялик... Ниятга биз етдик дўстим.*



## БИЗ УЧУН ҲАҚИҚИЙ МАКТАБ БЎЛГАН

*Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби мамлакатимиз одил судлови тизимида ягона таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.*

Биз ҳам ушбу даргоҳнинг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курси (магистратура босқичи)да таҳсил олганмиз ва бундан ҳамisha фахрланамиз. Айни пайтда Тошкент туманлараро иқтисодий судида судья сифатида ишлаб келяпмиз. Судьялар олий мактабидаги бир йиллик таълим ва тарбия бизнинг касбий жиҳатдан ўсишимизга жуда катта ёрдам берди. Рамзий қилиб айтганда, ҳақиқий мактаб вазифасини ўтади. Ўқув машғулоти жараёнида фақатгина назарий билим ва кўникмалар эмас, балки судья учун энг муҳим бўлган амалий кўникмалар ўргатилди. Масалан, суд имитация залида судья сифатида суд мажлисини олиб боришни амалда ўрганганмиз. Бу бугунги судьялик фаолиятимизда жуда қўл келмоқда. Сабаби, бизда судьялик лавозимига тайинланганимизга қадар суд процессини олиб бориш кўникмаси пайдо бўлган эди. Бундан ташқари, дарс машғулотида таниқли ҳуқуқшунос олимлар, малакали ва тажрибали судьялар ёки соҳа мутахассислари томонидан одил судлов билан боғлиқ муаммо ва уларнинг ечими таҳлил этиларди. Албатта бу каби соҳа билимдонларининг дарс ўтиши бизнинг дарсга нисбатан қизиқишимизни ва масъулиятимизни оширарди. Ўзингиз сезмаган ҳолда бутун вужудингиз билан дарсларни тинглайсиз. Шунингдек, биз ўқув курси давомида кўплаб хорижий экспертлардан халқаро тажриба билан боғлиқ маълумотларни олардик. Улардан таҳсил олиш ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлардик. Яъни, баъзи пайтлари хорижлик мутахассисларнинг ўзлари бевосита Судьялар олий мактабига келиб дарс ўтса, айрим вақтлари масофадан туриб (онлайн) семинар-тренинглари ва бошқа турли тадбирлар бўлиб турарди. Бу ҳолат бир томондан билим ва дунёқарашимизни кенгайтиришга хизмат қилса бошқа томондан тил ўрганиш истагимизнинг ошишига ҳам туртки бўларди. Шу сабабдан айрим курсдошларимиз инглиз тилини чуқур ўзлаштириб олишганди.

Маърифий дарслар бу бизнинг руҳиятимизга, одамларни тушунишимизга, уларнинг кечинмаларини ҳис қилишимизга кўмаклашган. Чунки, шу соҳанинг етук олимлари билан юзма-юз ўтириб уларни тинглаганмиз. Бундай инсонлар кучли

педагог бўлишади ва сизга керак бўлган билимни аниқ, лўнда тарзда тушунишигизга ёрдам беради. Маърифий дарслар ва маънавий тадбирлардан сўнг биз қонун ва кодексларнинг мазмунини англашга, моҳиятини тушунишга ҳаракат қила бошладик. Аниқроқ қилиб айтганда маънавий дунёқарашимиз шаклланишига ижобий таъсирини кўрсатарди. Бошқа курсдошларимиз қатори биз ҳам имкон қадар дарсларни ўзлаштиришга ҳаракат қилганмиз. Кейинчалик ҳам фаолиятимиз давомида ушбу мактабда малакамизни ошириб ўз соҳамиздаги сўнги янгиликлардан хабардор бўлиб келаяпмиз. Чунки, Олий мактабда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш йўналишидан ташқари судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакаси оширилади ҳамда раҳбарлик лавозимлари захирасида турган судьялар учун қайта тайёрлаш курслари ҳам йўлга қўйилган.

Статистик рақамларни таҳлил қилдиган бўлсак, Олий мактабда ўтган давр мобайнида жами **345 нафар** судьялик лавозимларини эгаллаш учун кадрлар тайёрланган. Жумладан, 2019-2020 ўқув йилида жами **59 нафар** тингловчи таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунга қадар шулардан **52 нафари** судьялик лавозимларига тайинланган. 2020/2021 ўқув йилида **73 нафар** тингловчи тугатган бўлса бугун уларнинг **68 нафари** судья сифатида фаолиятларини давом эттирмоқда. 2021/2022 ўқув йилида битирган **75 нафар** тингловчидан ҳозирга келиб **59 нафари** судьялик лавозимларида ишлаб келмоқда. Бу йилги 2022/2023 ўқув йилида эса **138 нафар** тингловчи Олий мактабда ўқиб чиқди.

Бу йилги битирув тадбирида қатнашиб амин бўлдикки, Судьялар олий мактабининг фаолияти йилдан-йилга такомиллаштирилиб, жумладан чет элда фаолият юритувчи судьяларни кўпроқ жалб этиш, хорижий давлатларнинг шундай муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ўқув жараёнида жаҳоннинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланишга катта урғу берилар экан.

**Сардорбек ТЎЛҚИНОВ,**  
**Бехзод АБДУРАҲИМОВ,**

*Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялари.*

# СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУДЬЯ МАСЪУЛИЯТИ

**“Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди”.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

**Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида юқоридаги фикрларини қуйидагича давом эттирганлар:**

“Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттирамиз.”

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиядан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши ва судьяларнинг мустақиллиги, улар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги Конституциямизда қайд этилган.

**Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, судьяларнинг мустақиллиги қуйидаги омиллар орқали таъминланади:**

*уларни қонунчилигимизда белгиланган тартибда лавозимга сайлаш, тайинлаш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш;*

*одил судловни амалга оширишдаги қатъий тартиб-таомил;*

*қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ҳамда уни ошқор қилишни талаб этишининг қатъий тақиқланиши;*

*судьяга ҳурматсизлик қилган, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига аралашган ва судьянинг дахлсизлигини бузган фуқаролар учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик;*

*судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш. Бундан ташқари, судьянинг мустақиллигини чеклайдиган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишга йўл қўйилмайди ҳамда судья, унинг оила аъзолари ва уларнинг мол-мулки давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлади.*



Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг янги босқичида бошланган кенг кўламли суд ислохотлари натижасида ташкил этилган Судьялар олий кенгаши бугунги кунда нафақат судьяларни лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, балки уларнинг судьялик фаолиятига ташқи аралашувларнинг, хусусан судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини бирон-бир тарзда аралашувдан самарали ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Судьялар олий кенгаши институтининг вужудга келиши мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик, ошқора ва муқобил тизими яратилишига омил бўлди.

Бугун мамлакатимизда нафақат судьяларнинг, балки оила аъзоларининг ҳам дахлсизлиги таъминланган ва мустақиллиги кафолатланган, муносиб ҳаёт кечириши учун моддий шароит яратилган. Биз юқорида уларнинг маълум қисминигина келтириб ўтдик, холос. Ҳўш, биз судьялар бунга қандай жавоб беришимиз керак?

Мен ўйлайманки, ҳар бир судья аввало мана шу саволга ўз фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жавоб бериши керак. Бугунги кунда жамиятнинг ўзи, унда кечаётган кенг кўламли демократик ислохотлар давлат хизматчиларининг олдида жуда катта масъулиятли вазифаларни кўймоқда. Бундай улкан масъулиятни бажариш учун адолатни қарор топтиришга бўлган судья нафс балосидан қутулиб, фақат қонунга қуроқ солиб, уни тўғри қўллаган ҳолда суд ҳужжатларини чиқариши лозим. Бунда албатта, малака, билим, тажриба ва изланиш талаб этилади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, биз ишимиз давомида жабр кўрганга адолатли суянчиқ, ҳуқуқи поймол этилган тадбиркорга ёрдамчи, халқимизга ва қонунларимизга вафодор, барчага тенг яхшилик қилувчи бўлишимиз даркор.

**Шаҳноза МУХАММАТКУЛОВА,**

*фуқаролик ишлари бўйича*

*Сирдарё туманлараро судининг судьяси.*

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА СУД ҲОКИМИЯТИ

**Янгиланган Конституциядаги муҳим жиҳатлардан бири – одил судловга эришишни таъминлаш мақсадида фуқаролар ва юридик шахслар, азгар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг мустаҳкамланганидир.**

Мазкур нормага кўра бирор фуқаро ёки юридик шахснинг фикрича, уларнинг иши маъмурий, жиноий, иқтисодий ёки фуқаролик судларда кўрилиб, ишни судда кўришда, биринчидан, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилаётган бўлса, иккинчидан, Конституцияга мувофиқ келмаса, учинчидан, судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, тўртинчидан, судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланган бўлса, қўлланилган амалдаги қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти яратилади. “Суд ҳокимияти” бобида акс эттирилган ўзгартиришлар суд ҳокимияти мустақиллигини самарали таъминлаш, судьялар корпусини шакллантириш, одил судлов самарадорлигини оширишга асосланган бўлиб, бунинг туб моҳиятида “Инсон қадрлари учун” гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ётади.

Янги таҳрирдаги Асосий Қонунимизнинг 136-моддаси 1-қисмида “Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашига йўл қўйилмайди ва бундай аралашини қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. “Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди”, деб, 3-қисмида эса “Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди”, деб белгилаб қўйилди. Бу шуни англатадики, судьяларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлиги конституция даражасига кўтарилди. Эндиликда, давлат нафақат судья, балки унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашни ҳам кафолатлайди. Ўз навбатида, ушбу кафолат судьянинг ҳар қандай ҳолатда ўз вазифасига виждонан ёндашиши ва ҳолисона иш олиб боришини, энг муҳими оиласидан кўнгли хотиржамлигини таъминлайди. Шу ўринда судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги каби меъёرنинг акс эттирилиши унинг мустақиллигини янада кучайтиради. Давлатнинг судья ва унинг оила аъзолари хавф-

сизлигини таъминлашга масъул эканлигининг белгиланиши эса унинг дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлаш билан бирга, фуқароларнинг одил судловга ишончини ҳам орттиради.

Эътиборни тортадиган жиҳатлардан яна бири - энг юқори раҳбар судьялик лавозимларида бўлиш муддатининг қатъий белгиланганлигидир. Энди айна бир шахс Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари этиб сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Шу билан бирга, Конституциявий суд судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз 10 йиллик муддатга сайланиши ҳамда Конституциявий суд раиси ва ўринбосарининг ваколат муддати 5 йил эканлиги ҳақидаги қонунимизда ўз аксини топди.

Янгиланган Конституцияда Судьялар олий кенгашининг мақоми аниқлаштирилиб, Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи сифатида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий тамойилига риоя этилишини таъминлаш билан бирга, судьялар корпусини шакллантиришга ҳам масъул экани кўзда тутилган. Шу билан бирга Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилиб, Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари Президент тақдимида биноан Олий Мажлис Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланиши белгиланган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, суд ҳокимиятининг мустақил иш юритиши – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ягона йўли. Шу сабабли Асосий қонуннинг янги таҳририда судьялар мустақиллиги кафолатларига алоҳида урғу берилган. Жумладан, судьялар фақатгина қонунга эмас, балки Конституцияга бўйсунishi ҳам тўғридан-тўғри белгиланган.

**Ориф Қўлдошев,**

*Ғиждувон туманлараро иқтисодий суди раиси,*

**Азизбек АСАДОВ,**

*судья ёрдамчиси.*

# “ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ СУД ҲИМОЯСИДА” – МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

**“Тадбиркорлик жуда оғир. Улар билан гаплашсангиз, экспорт қилиш, бозор топиш азоб дейди. Улар кўп ўз устида ишлайди. Дунёни кезиб, ўрганиб келади. Уларга таъзим қилиб, раҳмат дейман.”**

Президентимиз ушбу фикрларини 2023 йилнинг 18 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот ўтказганда билдирганди. Уларнинг шундай оғир ва мураккаб меҳнатлари эвазига мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти юксалади. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шароит яратиш бугунги кунда мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан “Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида” амалий қўлланмаси нашр этилди. Мазкур қўлланмада тадбиркорларнинг судларга даъво аризаси ёки ариза билан мурожаат қилиш, турли илтимосномалар киритиш, низоларни ҳал этишда иштирок этиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби сингари ҳақ-ҳуқуқлари баён қилинган.

Хусусан, китобнинг 1-бобида **Судларга мурожаат қилишга оид умумий тартиб-қоидалар** ўрин олган. Бу бўлимда муайян низо ёки иш билан боғлиқ аризаларни бериш тартиби қайси қонунчилик билан тартибга солинганлиги, судларга кимлар ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилишлари мумкинлиги ва уларнинг қандай тартибда берилиши бўйича батафсил маълумотларни олишингиз мумкин.

**2-боб Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби**, деб номланиб унда даъво аризасида ёки аризада нималар кўрсатилиши ва унга қандай ҳужжатлар илова қилиниши керак, уни имзолаш ёки суд мажлисида қатнашиш вакил орқали амалга оширилиши мумкинми, ишончномада қайси ваколатлар махсус кўрсатилиши лозим, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш тартиби қандай, давлат божи ва бошқа суд харажатлари қандай тартибда тўланади сингари саволларингизга жавоб топасиз. Агар жавоблар сизни бироз чалкаштирса у ерда мисоллар ҳам келтирилган.


**3-боб суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби**, дея номланган. Маълумки, апелляция шикояти (протести) деганда, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан берилган шикоят (протест) тушунилади. Бу бўлимда эса ана шу апелляция шикояти, уни кимлар бериши мумкинлиги, шикоятлар қайси судда кўриб чиқилиши, шикоятнинг бериш муддати, унда нималар кўрсатили-

ши ҳамда қандай ҳужжатлар илова қилинишига батафсил ёритилган.

Кассация шикояти (протести) деганда эса, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан берилган шикоят (протест) тушунилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Прокурор, юқори турувчи прокурор биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанцияси судининг қарори устидан, агар шу қарорлар чиқарилган ишлар бўйича прокурор иштирок этган бўлса, шунингдек тарафларнинг протест киритиш ҳақида мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести келтиришга ҳақли.



Боб давомида кассация шикоятни қайси судда кўрилиши, шикоятни бериш муддати, нималар кўрсатилиши ва қандай ҳужжатлар илова қилиниши бўйича тартиб-қоидалардан хабардор бўлишингиз мумкин.

**Суд қарорларининг ижроси номли 4-бобда ижро варақаси бўйича тўлиқ маълумот келтирилган.**

Суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади. Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчининг илтимосига кўра ижро этиш жойини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаси беради. Агар жавобгардан бир нечта ундирувчи фойдасига ундирув амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчиларга ҳар бир ундирувчи фойдасига ижро этилиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда ижро варақаларини беради. Агар суд ҳужжатини ижро этиш ундирувчи фойдасига бир нечта жавобгарлардан амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчи фойдасига ҳар бир жавобгардан ижро этилиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаларини беради.

Ижро варақаси суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан берилади. Суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг 5 кун ичида ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади. Ижро варақаси электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан суд ҳужжатининг ижроси кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб ижро этилиши кўрсатилган тақдирда, бундай муддат тугаган кундан эътиборан 3 йил ичида ижрога тақдим этилиши мумкин.

Агар суд ҳужжатининг ижроси тўхтатиб қўйилган бўлса, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи ижро варақасини берган судга ёки у ижро этиладиган жойдаги судга ушбу ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ижро варақасининг (суд буйруғининг) нусхасини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунига қадар берилиши мумкин, бундан ижро варақаси давлат ижрочиси ёки ижрони амалга оширувчи бошқа шахс томонидан йўқотилган ва бу ҳақда ундирувчига ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг маълум бўлган ҳоллар мустасно. Ушбу ҳолларда ижро варақасининг нусхасини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақаси йўқотилганлиги ундирувчига маълум бўлган кундан эътиборан 1 ой ичида берилиши мумкин.

Суд берган ижро варақаси асосида давлат ижрочиси томонидан қўзғатилган ижро ишини юритишни суд қонунда назарда тутилган ҳолларда, ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига кўра тўхтатиб туриши ёки тугатиши мумкин.

Иқтисодий суд томонидан берилган ижро варақаси асосида қўзғатилган ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша суд ёки давлат ижрочиси жойлашган ердаги суд томонидан амалга оширилади.

Ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ариза у судга келиб тушган кундан эътиборан 20 кунлик муддатда, тарафлар чақиртирилмасдан ва суд мажлиси ўтказилмасдан кўриб чиқилади.

Суд ёзувдаги хатолар, имловий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишлар билан берилган, шунингдек ўзгартирилган (бекор қилинган) суд ҳужжати асосида берилган ижро варақасини ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан тарафларни чақиртирмасдан ҳамда суд мажлиси ўтказилмасдан чақириб олишга ва унинг ўрнига янги ижро варақасини беришга ҳақли.

Шунингдек, қўлланмада тартиб-қоидаларни ўзлаштиришда зерикмаслигингиз ёки безиб қолмаслигингиз учун Ҳадис, мақол ва афоризмлар ҳам берилган.

Қўлланма сўнгида эса Иқтисодий судларга мурожаат қилишга оид ҳужжатлардан намуналар келтирилган.

**Муҳиддин СУЛТАНОВ,**

*Тошкент туманлараро иқтисодий суди раиси  
ўринбосари,*

**Назокат БАЙЗАКОВА,**

*Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.*

*Танга тушунмайдиган китмага бир гапни уқтиришдан қоя тошни шойидан қилпирлатиш осонроқдир.*

**Луқмони ҲАКИМ**

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ГАРОВИ

*Яқин ўтмишимизда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этарди. Фуқароларнинг мулки „шахсий“ мулк ва алоҳида шаклдан иборат дейилса-да, лекин ушбу мулк давлат корхоналарида, жамоат ташкилотларида меҳнат қилиш натижасида олинган даромадлар ҳисобига ташкил топиши, истеъмол характерида эга бўлиши ва фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим эди. Шахсий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйилмасди. Қолаверса, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг фақат давлатга тегишли бўлганлиги, умумхалқ мулки дейилсада, лекин мулкнинг эгаси шахсан ким эканлиги, ким унга жавобгар бўлиши ноаниқ бўлганлиги мулкка нисбатан хўжасизлик, бепарволик, жамиятда умумий дангасалик ва беғамлик кайфиятларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Фуқароларда меҳнатга нисбатан қизиқиш, тадбиркорлик фаолияти учун керак бўлган ташаббускорлик ҳиссиётлари ривожланишига имкон бермади. Ачинарли томони шундаки, маъмурий-бўйруқбозлик даврида бозор иқтисодиётининг объектив қонуниятлари инкор этилди. Оқибатда тадбиркорлик фаолияти ўта салбий маънода қораланиб келинди. Шу боис, унинг асо-  
ратлари давлат ва жамият тараққиёти учун зов-тўсиқ бўлди.*

Эндиликда тадбиркорларга нисбатан ўтмишдан мерос бўлиб қолган салбий қарашлар том маънода асосиз эканлиги исботланди. Тадбиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда улар ҳуқуқларининг қонуний ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг стратегик мақсадига айланди. Бу эса иқтисодиётимизни ривожлантириш, инсон манфаатларини улуғлаш ва уларга муносиб ҳаёт шароити яратишнинг ғоятда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда тадбиркорлик фаолиятининг роли бекиёс. Шу боис мулкчиликнинг хилма-хил шакллари иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг ривожлантириш учун шароит яратилди. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг учинчи бўлими “Жамият ва шахс” деб аталиб унинг XII боби “Жамиятнинг иқтисодий негизлари”га бағишланган. Унга кўра фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш

атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади. Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик бўлиб улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари жамиятда шахс омилини улуғлаш баробарида мустақил давлат тараққиёт стратегиясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш учун хизмат қилади. Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган самарали ва ҳаётбахш ислохотлар фуқароларнинг эркин мулк ҳуқуқини амалга оширишга айниқса, камбағалликни қисқартиришга ва ўзини-ўзи банд қилишга замин яратади десак, асло муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, халқ манфаатларини кўзлаб собитқадамлик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг бардавомлигини таъминлашга ва фуқароларда мулкка нисбатан эркин эгалик туйғусини янада ривожлантириш ва ҳар

томонлама қўллаб-қувватлашининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади. Жамиятнинг иқтисодий негизида мулкнинг ижтимоий роли ва функциясини янада такомиллаштириш зарурияти вужудга келмоқда. Бинобарин, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Мулк ҳуқуқи презумпциясининг кафолатланиши унинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Яъни, кўчар ашёнинг эгаси унинг мулкдор эмаслиги исботланмагунча ушбу ашёнинг мулкдори ҳисобланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки ҳисобга олиниши лозим бўлган кўчар ашё номига рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга қўйилган шахс мазкур ашёнинг мулкдори ҳисобланади. Дарҳақиқат, мулк ҳуқуқининг иқтисодий моҳияти унинг юридик мазмунига нисбатан кенг маънода тушунилади. Мулкдорнинг мулк ҳуқуқи анъанавий равишда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатларидан иборат. Бизга маълумки, шаклланган илғор иқтисодий ва ҳуқуқий назариялар мулкдорнинг мулк ҳуқуқларини янада кенгайтирган тарзда талқин этади. Хусусан, мулкни бошқариш, давлат-хусусий шериклик, мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш, мулкни ижарага бериш, ундан қонуний асосларда даромадлар олиш ва ҳ.к. Мулкдорнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича барча ваколатларининг рақамли трансформациялашган давлат томонидан устувор қонунчилик нормалари асосида кафолатланиши ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг “Тадбиркорлик – таваққуф локомотиви, юрт таянчи” деган сўзлари за-

мирида жуда катта маъно мужассам. Демак, шу маънода, мустақиллик берган кенг имкониятлардан ва шаклланган миллий тажрибадан янада кенг ва оқилана фойдаланиб тадбиркорлик соҳасида билим ва амалий кўникмаларни янада ривожлантириш зарур. Ислохотларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида бу борадаги таваққулимизни ривожланган давлатларнинг энг яхши тажрибаларини қўллаш айниқса, тадбиркорлик соҳасига рақамли технологияларни, жумладан смарт технологиялар ва сунъий интеллектни тадбиқ этишга йўналтиришни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, тадбиркорлик мустақил тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик кафолатидир.

Хорижий тажриба таҳлили рақамлаштириш шароитида миллий тадбиркорлик фаолиятини янги тарихий босқичда янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Тадбиркорлик фаолияти диалектик жараён эканлигини ва уни тизимли ўрганиш зарурияти мавжудлигини қайд этиш жоиз. Рақамли замон ва макон қонуниятлари асосида тадбиркорлик фаолиятидаги объектив реаллик ва истиқболли мўлжаллар нуқтаи назардан унга баҳо бериб мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш мустақил тараққиётимиз гаровидир.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш тадбиркорлик соҳасида янги-янги муаммоларни ҳал қилишни олдимизга қўймоқда. Қонунчиликда IT компанияларининг ҳуқуқий мақомини назарда тутиш; рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг Европа комиссияси томонидан баҳоланадиган I-DESI индекси базаси талабларини тадбиркорлик қонунчилигини кодификациялаштиришда инobatга олиш лозим. Рақамли бизнесни ривожлантиришда энг муҳим муаммолар, хусусан, кўплаб бизнес корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга тайёр эмаслиги; бизнес субъектларининг стратегик мақсад ва вазифаларининг моҳиятини тўлиқ тушунмаётганлиги, амалдаги бизнес моделлар рақамли технологиялари билан уйғунлашмаганлиги, рақамли услубларни баҳолаш ва уни ўзлаштириб олишга бизнес субъектларининг тайёр эмаслиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шунингдек, бизнесга рақамли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, юқори технологик стартап мақомининг қонунчиликда назарда тутилмаганлиги, анъанавий бизнес субъектларининг янги ва глобал рақамли моделга трансформациялашувида жуда катта қийинчиликка дуч келинаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, рақамли бизнес стратегиясининг узоқ муддатли истиқболлари ва Индустрия 4.0 технологик контентни бизнес соҳасига жорий этишнинг йўл харитаси ишлаб чиқилмаганлиги, “рақамли ишлаб чиқаришдан” “рақамли компанияга” ўтиш Концепцияси яратилмаганлиги, янги маҳсулот (ишлар, хизматлар) рақамли бозорини лойиҳалаштириш ва “товар-рақамли технология – мижоз” яхлит занжирининг мавжуд эмаслиги уни истиқболда ривожлантиришга ижобий ёрдам бермайди.



Тадбиркорлик фаолиятида ечимини кутаётган муаммолардан бири рақамлаштириш шароитида унинг илмий ва ахборот таъминоти ҳисобланади. Бу муаммони ҳал қилмасдан тадбиркорлик фаолиятида ютуқларга эришиш жуда мушкул. Тадбиркорлик фаолиятининг замонавий ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб махсус ихтисослашган илмий – тадқиқот ва ўқув муассасаларни ташкил этиш ва улар мақомини қонунчиликда белгилаш, рақамли бизнесни ривожлантириш мақсадида рақамли технологияларни амалиётда жорий этиш билан боғлиқ ихтирочилик, кашфиётчилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва улар муаллифларини кафолатланган рағбатлантириш чораларини кўриш жуда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши билан боғлиқ амалий муаммоларни ҳал қилиш аввало, уни илмий-инновацион таъминлаш чораларини кўришни талаб этади. Айниқса, рақамли тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни давлат грантлари орқали қўллаб-қувватлашга эришиш лозим.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, тегишли бизнес субъектларида тадбиркорлик фаолиятини ил-

мий-рақамли таъминлаш бўйича махсус бўлимлар ёки улар штат жадвалида махсус лавозимларни назарда тутиш ҳар томонлама фойдали. Замонавий тадбиркорлик рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишни тақозо этади. Рақамли технологиялар бизнес юритишнинг келажагидир. Шу боис, бизнес соҳасига юксак малакали кадрларни, шу жумладан ҳақиқий менежерларни (англ. manager, от manage — “бошқариш”) тайёрлаш объектив заруриятдир. Бизнесни малакали раҳбар ва мутахассис кадрлар корпуси билан таъминламасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Дунё амалиётида бизнесни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил дастурлар мавжуд бўлиб унда маҳаллий тадбиркорлик субъектлари фаол иштирокининг таъминланиши халқаро ва хорижий тажрибани қўллаш имкониятларини янада кенгайтиради. Масалан, “Tempus” дастури ўқиш ва малака оширишга йўналтирилган бўлиб тадбиркорларнинг билими ва амалий кўникмаларини оширишда муҳим ўрин тутди. “Erasmus Mundus” дастурининг Европа Иттифоқи давлатларида ўқиш ва амалиёт учун молиявий кўмак олиш борасида аҳамияти жуда катта бўлиб тадбиркорлик субъектлари унинг имкониятларидан кенг фойдаланиши бизнес юритишнинг самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, “Еерopen Enterprise Network “ дастури ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун континентал тармоқ деб юритилади. Бу текин ахборот портали бўлиб бу орқали тадбиркор ўз таваккалчилиги, услуги, ривожланиш имкониятларига тез мослашиш шароитига эга бўлади. Шу ва шунга ўхшаш дастурларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик муваффақиятининг гарови — вазиятга мослашиш, рақамли технологик янгиликлардан хабардор бўлиш, замонавий билимларни пухта эгаллаш, молиявий ва бошқа қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларида фойдаланиш имконига эга бўлишдир. Таҳлиллар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, рақамли давлат ва жамиятни барпо этишнинг ҳаётбахш эҳтиёжларини, замонавий чақириклар ва объектив рақамли реаллик тенденцияларини ва мавжуд маммоларни ҳал қилиш йўлларини инобатга олиб эркин тадбиркорлик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг такомиллаштирилиши тараққиёт стратегиясида назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалий рўёбга чиқаришнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли глобаллашув шароитида Янги Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва яратилган кафолатлар тизими нафақат мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг, балки уларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳам гаровидир.

**Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ,**

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси профессори,  
юрidik фанлар доктори.

## “ФИКРЛАШ -ЖИНОЯТГА АЙЛАНДИ”

*Қади мши юнон ларда  
тафаккур (фикр лаш)  
қилит лаёқати буюк  
инъол ҳисобланган.*


*Кейин бу қобилият  
бахт тилеолуға ай-  
ланди.*

*Кейинчалик эса —  
касалликка.*

*Бугунга келиб бу  
лаёқат — жиноят  
ҳисобланади.*

*Маданият тарихи  
— бу унинг яратувчи-  
лари чеккан азоб-уқу-  
батлар тарихидир.*

**Рус тилидан Жалолиддин  
САФОЕВ таржимаси**



## СЕРВИТУТ – БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИДАН ЧЕКЛАНГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ (МИ?)

*Ўзга шахсларнинг мол-мулкига нисбатан ашёвий ҳуқуқлар жумласига сервитут (бошқа шахсларнинг эгалигидан (мулкидан) маълум бир мақсадда ва белгиланган шартларда чекланган ҳолда фойдаланиш) ҳуқуқлари ҳам киради. Замонавий фуқаролик ҳуқуқида Рим хусусий ҳуқуқида бўлгани каби у икки турга бўлинади – ерга нисбатан ва шахсий. Шахсий сервитутни ўрнатишнинг кенг тарқалган ҳолати бу уй-жой мулкдори томонидан оила аъзоларининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилашдир. Кўрсатилган сервитут ҳуқуқи қонун билан белгиланади ва иккита ҳолат билан боғлиқ: 1) уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи уй-жой мулкдорининг оила аъзоси бўлган шахсга тегишли; 2) уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдор билан доимий яшайдиган оила аъзосига тегишли.*

Сервитутнинг мақсади субъектига сервитут ўрнатилган нарсанинг табиий хусусиятларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришдир.

Сервитут ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари нарсанинг мулкдори ёки қонуний эгаси ва унга бўлган сервитут ҳуқуқининг субъекти – сервитуарийдир. Бундай ҳолда мулк эгаси сифатида мулкдор ёки мол-мулки мулкдор томонидан берилган шахс билан тузилган шартнома асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларда, агар мулкдордан тегишли ваколатлар мавжуд бўлса, эгалик ҳуқуқи вужудга келган шахс деб тан олинади.

Шахсий (персонал) сервитутнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у:

1) нафақат маълум бир мол-мулк билан боғлиқ, балки маълум бир шахсга тегишлидир;

2) муддат билан чекланганлик: агар сервитутнинг ўзи қисқа муддатни белгиламаса, умрбод маълум бир шахсга тегишли бўлади ва унинг ўлими билан тугайди;

3) мажбурият-ҳуқуқий хусусиятга эга эмас, чунки сервитут бошқа шахснинг мол-мулкига нисбатан, гарчи у билан оилавий-ҳуқуқий алоқадорликка эга бўлсада ҳуқуқларни сақлаб қолади ва мол-мулк учинчи шахсга ўтган тақдирда, сервитут ўзгармайди, яъни сервитут ашёларга “эргашади”.

Замонавий фуқаролик ҳуқуқи ва доктринаси, айниқса француз моделида яратилганлар, “шахсий сервитут” тушунчасини қўллашдан астойдил қочишга ҳаракат қилишади. Рим ҳуқуқида узифрукт, фойдаланиш ва яшаш ҳуқуқлари бошқа шахсларнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқ сифатида сервитутлар деб таснифланган.

Бироқ, шахсий сервитут тушунчаси Франция фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқий нормаларидан чиқариб ташланди, бу модел ва амалиёт кейинчалик кўплаб қитъа ҳуқуқи амал қиладиган давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида қўлланилди ва мустақил ашёвий ҳуқуқ

сифатида фойдаланиш, фойдаланиш ва яшаш ҳуқуқлари кўринишида талқин этилди. Франция фуқаролик кодекси муаллифлари шахс фойдасига сервитут ўрнатишни амалий эмас деб ҳисоблаб, Рим стандартидан четга чиқишди. Франция инқилоби тамойиллари таъсири остида ва эски режимнинг ижтимоий қонунбузарликлари ва одамларнинг бир-бирига қарамлигини эслатадиган ҳамма нарсага нафратни мерос қилиб олган Наполеон кодекси муаллифлари “шахсий қуллик” терминини қўллашни инкор этишди, зеро бу термин қироллик франциясидаги эски қоидаларни эслатган бўлиши мумкин.

Ашёнинг мулкдори (rei serventis) ўз мол-мулкдан бошқаларнинг фойдаланиши ва таъсир кўрсатишини тан олиши керак эди. Ҳуқуқий билимга эга бўлмаган шахслар шахсий сервитут тушунчасини феодал ҳуқуқларини тиклаш деб чалкаштириши ёки кўриб чиқиши мумкин. Шунинг учун бу термин фақат француз инқилоби томонидан вайрон қилинган феодал ҳуқуқларининг тикланиши кўринишини яратмаслик учун тарк этилди. Ҳатто, Франция фуқаролик кодексида ер сервитутлари тушунчаси учун ҳам “service foncier” ибораси ишлатилган, бу тартиб одамларнинг қулликка (сервитутга) нафратидан келиб чиққан.

Шу билан бирга, ушбу ашёвий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий моҳиятини ифодалаш учун француз доктринаси мулк ҳуқуқини қисмларга ажратиш концепциясини шакллантирди. “Ўзганинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлар нафақат бировнинг мулкий ҳуқуқи объекти бўлган мол-мулкка нисбатан, балки тегишли мулкий ҳуқуқлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ҳам кўриб чиқиладиган бошланди”.

Бироқ, немис қонунчилигида, француз қонунчилиги формулаларидан фарқли ўлароқ, мулк шундай юкланиши мумкинки, унинг фойдасига ўрнатилган шахс ўз мулкидан (узифрукт) фойдаланишдан фойда олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Узифрукт ҳуқуқи Германия фуқаролик

кодексининг тўртинчи қисми билан тартибга солинадиган сервитутлар тоифасига киритилган, ер ва чекланган шахсий сервитутлар ҳам айнан шу бўлимга киритилган. Австрия, Швейцария, Голландия, Греция ва бошқа Европа давлатларининг фуқаролик қонунчилиги бошқа одамларнинг мулкига бўлган ҳуқуқларини тартибга солишнинг бир хил моделини қабул қилди.

“Шахсий қуллик” тушунчасидан фойдаланишга қарши сиёсий, мафкуравий ва назарий вазлар келтирилди. Е.Барбо 1855 йилда эълон қилинган *Die Theorie Der Servituten Des Franzosischen Rechts* номли асарида Франция фуқаролик кодекси узурфрукт ва олдиндан мўлжалланган сервитут тушунчаларини ажратиб, фақат шахсий сервитутлар ҳақиқий ашёвий ҳуқуқи эканлигини қайд этади.

Немис муаллифи Фридрих Людвиг фон Келлер 1861 йилдаги ўзинг *“Pandekten: Vorlesungen”* номли асарида узурфрукт ҳуқуқининг шахсий сервитутлар тоифасига киритилиши ва “шахсий сервитут” иборасини ишлатиш тасодифий эканлигини эслатиб ўтади. У бир вақтнинг ўзиде шахсий сервитутлар ва ер сервитутлари бир бутун, ягона тушунча эканлигини ва умумий мақсадга хизмат қилишини таъкидлайди. Иккала тоифа ҳам ўзганинг мол-мулкидан чекланган фойдаланишга оид ашёвий ҳуқуқлар бўлиб улар ажралмас, яъни ўрнатиш, тугатиш ҳамда ҳимоя қилиш учун умумий ва деярли бир хил қоидаларга эга.


Инқилобдан олдинги рус доктринасида тадқиқотчи Н. Варадиновга кўра “гарчи узурфрукт ҳуқуқи римликлар ва немислар орасида сервитутлар тоифасида жой эгаллаган бўлса-да, мустақил фойдаланиш ҳуқуқи (*usufructus*) бошқа жойни эгаллаши кераклигини ҳисобга олиш керак; учинчи йирик ашёвий ҳуқуқ мулк ва эгалик қилгандан сўнг, у сервитутлардан кўра мулкка яқинроқ. Узурфрукт ҳуқуқини сервитут деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки иккинчиси мулк ҳуқуқини чеклаш, узурфрукт эса алоҳида ва мустақил ҳуқуқдир... Гарчи узурфрукт, мулкка мустақил эгалик қилиш каби, мулк ҳуқуқини чекласа-да, бу сервитутлар билан жуда кам умумийликка эга бўлган ҳуқуқдир”. Муаллифнинг сўзларига кўра, Руминия, Франция ва Германия қонунчилиги билан тартибга солинадиган узурфрукт ҳуқуқи фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланади ва ўз табиатига кўра мулк ҳуқуқини чеклашни ифодаловчи сервитутлар тоифасига эмас, балки мулкый ҳуқуқлар тоифасига киради. Муаллифнинг таъкидлашича, фарқ жуда аниқ ва фойдаланиш ҳуқуқини сервитут деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Бироқ, биз ушбу ишда кўриб чиқилган фойдаланиш ҳуқуқини аниқлаш ва узурфрукт ҳуқуқи билан бирлаштириш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу тушунча инқилобдан олдинги Россия

қонунчилигида мавжуд бўлмаган ва бошқа бировнинг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи нормалари ўзига хос хусусиятларига эга ва кўп жиҳатдан Рим, Франция ва Германия ҳуқуқларида мавжуд бўлган ҳуқуқлардан фарқ қилган. Бундан ташқари, худди шу позиция Россия ҳуқуқий доктринаси томонидан қўллаб-қувватланади. “Узурфрукт тоифасига маҳаллий қонунчилик билан тартибга солинадиган фойдаланиш ҳуқуқларининг айрим тоифаларини таснифлаш ёки тенглаштириш нотўғри, ҳатто улар қонун билан белгиланган ва шартномадан келиб чиқмаса ҳам”.

Замонавий рус тадқиқотчиси И.В.Сиваракша бошқача фикр билдиради, у узурфрукт ҳуқуқининг табиати тўғрисида қатъий баёнот бериб, унинг шахсий сервитут эмаслигини таъкидлайди. Далил сифатида муаллиф Франция фуқаролик кодексида узурфрукт институти сервитут ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи кичик бўлимдан олдин алоҳида бўлимга ажратилганлигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, бу факт ҳеч қандай тарзда фойдаланиш ҳуқуқининг хусусиятига таъсир қилмайди ва ҳал қилувчи баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Бу борада энг ишончли далиллар француз олими Александр Дюрантон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у бу муаммо ҳақида “узурфрукт ҳуқуқи римликлар томонидан “шахсий қуллик” деб аталган, чунки бу инсон қулига айланган нарса, чунки реал сервитутлар ҳолатида “битта шахс бошқа шахс томонидан қулга айланади. Агар “шахсий сервитутлар” малакасидадан воз кечилган бўлса ҳам, масаланинг моҳияти ўзгармаган бўлар эди ва фуқаролик кодексини яратганлар уни тақиқламасдан бундай ҳуқуқни ўрнатолмасдилар. Чунки, аслида шахснинг қуллиги реал сервитутларда бўлгани каби, ташкил этилган, аммо одамнинг манфаати ва фойдаси учун римликлар “шахсий қуллик”ни тушунганларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Улар, эҳтимол, баъзан сервитутларни феодал ҳуқуқлар билан аралаштириб юборишдан кўрқишган, бунинг аслида узурфрукт, фойдаланиш ва яшаш ҳуқуқига ҳеч қандай алоқаси йўқ”.



Рим ҳуқуқидаги сервитут (servitus) тушунчаси “ашёнинг қуллигини” назарда тутган, яъни ашё нафақат эгасига хизмат қилган, балки бошқасининг иқтисодий фойдаси учун ҳам эксплуатация қилинган. Шахсий сервитутлар ёки эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари алоҳида белгиланган шахсларга тегишли бўлган бошқа бировнинг мулкига бўлган ашёвий ҳуқуқлар сифатида белгиланади.

Француз муаллифи Ж.Кранс, Глюкдан иқтибос келтириб қуйидагиларни таъкидлайди: “сервитут – бу бошқа бировнинг мол-мулкидан маълум чегаралар доирасида фойдаланишга имкон берадиган ашёвий ҳуқуқ, шахсий сервитут-бу жисмоний ёки юридик шахс фойдасига ўрнатиладиган ва унинг ўлими ёки белгиланган муддат тугаши билан бекор бўладиган мулкӣ ҳуқуқидир”.

В.Эргашевнинг фикрича, “мулкдор ўзига қарашли бўлган, сервитут белгиланган кўчмас мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан четлатилмайди, шу туфайли ҳам мазкур ашёни лозим даражада сақлаш мажбурияти унинг зиммасида қолади. Бундан ташқари, сервитут реал хусусиятга эга бўлади, узуфрукт эса шахсий хусусият касб этади, яъни “шахсий сервитут” ҳисобланади”.

Узуфрукт ҳуқуқи, замонавий концепцияга кўра, мулк ҳуқуқининг қисмларга бўлиниши, унинг эгасига мулк ҳуқуқи учта белгисидан икитасини, яъни эгалик қилиш ва фойдаланишни бериш сифатида қаралади. Бироқ, мулкдор учун бу ҳуқуқ ҳар доим чеклаш ёки масъулият юклаш кўринишига эга бўлишини инкор этиб бўлмайди, қолаверса, бу мулкдорга узуфруктуарийга берилган имтиёзларнинг бажарилишига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиш вазифасини юклайди.

Мулк ҳуқуқининг қисмларга ажратилиши бошқа шахсларнинг неъматларига қарши бўлган асосий ҳосила ашёвий ҳуқуқ сифатида erga omnesга, шу жумладан мулкдорга қарама-қарши қўйилади, бинобарин мулк ҳуқуқининг мазмунидан баъзи белгиларни ажратиш ёки чеклаш йўли билан ўрнатиладиган ёки қўлга киритиладиган ҳуқуқ сифатида талқин этилади. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқининг қисмларга ажратилиши – бу фактик ва ҳуқуқий ҳолат бўлиб, бунда масъулият бўлинишдан наф кўрувчи мулкдор зиммасига юклатилади.

Шахсий сервитут тушунчасидан фойдаланишни асословчи яна бир далил шундаки, сервитут ҳуқуқининг доктринал таснифи ҳар доим уларнинг ер ва шахсий сервитутларга бўлиниши билан боғлиқдир.

Шакланганидан буён ҳанузгача узуфрукт ҳуқуқ тушунчаси хилма-хил мунозаралар, баҳсларни ва ҳал этилмаган масалаларни келтириб чиқаради.

“Шахсий сервитут” тушунчасини рад этиш фақат ўша даврнинг мафкуравий ва ижти-

мой-тартибли сабаблари билан, ҳеч қандай ишончли илмий асосларсиз содир бўлган. Замонавий шароитда биз “шахсий сервитут бўйсунуви” иборасини юридик тилдан чиқариб ташлаш учун ҳеч қандай асос йўқ деб ҳисоблаймиз, зеро бу ибора кўриб чиқилаётган ашёвий ҳуқуқлар механизмини ва эгаларининг ҳуқуқий мақомини жуда аниқ акс эттиради. Шахсий сервитут тушунчасидан фойдаланиш маъқул ва тавсия этилади, чунки у ушбу институтларнинг характери, моҳияти ва мақсадини аниқ кўрсатиб беради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексини “ўзганинг мол-мулкига эгалик қилиш” ва “ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш” номли алоҳида боблар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди. Таклиф этилаётган ушбу бобларда ўзганинг мол-мулкига эгалик қилиш субъектлари, эгаликнинг вужудга келиш асослари, эгаликнинг бекор бўлиши, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш тушунчаси, сервитутнинг ўрнатилиши, сервитутнинг мазмуни, ўзганинг ер участкаси ёки бошқа кўчмас мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи, турар жой мулкдори оила аъзоларининг ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутнинг бекор бўлиши каби қоидаларни ўзида ифода этиши лозим.

**Озода ШАМСИДДИНОВА,**

*Судьялар олий мактаби таянч докторанти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Duranton A., Cours de droit civil: suivant le Code français, vol. 2, Société Belge de Librairie, Bruxelles: 1841, p. 387
2. Krans Jules, Traité des droits d'usufruit d'usage et d'habitation et de leur accroissement entre colégataires en droit romain, L. Grandmont-Donders Liège, A. Durand et Pedone Lauriel, Paris, 1869, p. 4.
3. Дорн Л., Об узуфрукте по римскому праву, т. 1, Типография Императорской Академии Наук, СПб., 1871, с. 34-35.
4. Римское частное право: Учебник, под ред. проф. И.Б. Новицкого и проф. И.С. Перетерского, Юриспруденция, Москва, 2000, с. 109.
5. Емелькина И. А. Вещные права на жилые и нежилые помещения: приобретение и защита: учебное пособие. М.: Юрист, 2003. С.26.
6. Stoica V., Tratat. Drept civil. Drepturi reale principale, Humanitas, București, 2004, p. 466.
7. Meier S. in: Historisch-kritischer Kommentar zum BGB / M. Schmoeckel, J. Ruckert, R. Zimmermann (Hgs.). Bd. II. § 241–432. 2. Teilband. § 305–432. Tubingen, 2007. S. 2410–2411.
8. Гражданское уложение Германии. Вводный закон к Гражданскому уложению, пер. с нем. Германские и европейские законы, осн. и сост. В. Бергманн, ed. Wolters Kluwer Russia, 2008, с. 381.
9. Jallamion C. Tradition et modernité de l'arbitrage et de la médiation au regard de l'histoire // Gazette du Palais 16–17 janv. 2009. P. 3.
10. Рахмонкулов Х., Эргашев В.Э. Ўзбекистон Республикаси ашёвий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 194 б.
11. Hamangiu C., Rosetti-Balanescu I., Baicioianu Al., op.cit., p. 191-192.
12. Васьковский Е.В., Учебник гражданского права, sursa electronica, <http://civil.consultant.ru/elib/books/24/>.



**Холмурод ИСАНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби докторан-  
ти, юридик фанлар  
номзоди, доцент

## ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИГА ОИД ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### АННОТАЦИЯ:

мақолада форс-мажор ҳолатларининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган. Форс-мажор ҳолатига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро арбитражда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий ҳулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** форс-мажор ҳолатлари, халқаро арбитраж, халқаро шартнома (конвенция), УНИДРУА тамойиллари, Ландо тамойиллари, Европа хусусий ҳуқуқининг модель қоидалари (DCFR), Халқаро Савдо Ташкилоту (ICC) писандалари.

**Ташқи иқтисодий муносабатларни, жумладан халқаро хусусий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда умумэтироф этилган халқаро шартномалар (конвенциялар) ва халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб, ўз аҳамияти туфайли халқаро муносабатлар иштирокчилари томонидан қўлланиладиган халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир хиллаштирилган (унификация қилинган) қоидалари муҳим ўрин эгаллайди.**

Ана шундай универсал халқаро шартномалардан бири бу – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Конвенцияси (Вена, 11 апрель 1980 йил) бўлиб, мазкур ҳужжатда товарларни халқаро олди-сотди қилиш шартномаларига оид моддий-ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий ва муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда “енгиб бўлмайдиган куч” ёки “форс-мажор ҳолати” тушунчалари ўз аксини топмаган бўлсада, лекин у сотувчи тарафни форс-мажор ҳолати туфайли ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиши мумкин. Лекин, у сотувчи тарафни шартномани натура шаклда бажариш (товарни етказиб бериш) мажбуриятдан озод қилишни назарда тутмайди. Масалан, мазкур Конвенциянинг IV бўлими “Жавобгарликдан озод қилиш” деб номланган бўлиб, унинг 79-моддасига мувофиқ, агар тарафлар ўзига боғлиқ бўлмаган тўсиқ юзага келганлиги ва ушбу тўсиқни кутиш шартномани тузиш вақтида ҳисобга олиниши асосли равишда мумкин эмаслиги ҳамда бу тўсиқнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш мумкин эмаслигини исботласа, ўз мажбуриятларидан бирортасини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди. Шунингдек, агар тарафнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги, унинг контрагенти бўлган учинчи шахс билан боғлиқ шартномани тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги сабабли юзага келган бўлса, фақат учинчи шахсга нисбатан 79-модда талаблари қўлланилган ва шу асосда у жавобгарликдан озод қилинган бўлса, тараф ҳам жавобгарликдан озод қилинади. Ушбу модда асосида жавобгарликдан озод қилиш, фақат мажбуриятни бажаришга тўсиқ мавжуд бўлган даврга нисбатан қўлланилади ва ўз мажбуриятини бажармаган тараф бошқа тарафни юзага келган тўсиқ ҳақида ва тўсиқни ўзининг бажариш қобилиятига таъсири ҳақида хабардор қилиши шарт. Агар, тўсиққа учраган тараф ушбу тўсиқ маълум бўлган ёки маълум бўлиши керак бўлганидан кейин бошқа тарафдан тегишли вақт ичида ушбу

хабарни олмаган бўлса, хабарни олмаслик натижасида етказилган зарар учун хабарни етказмаган тараф жавобгар бўлади. Мазкур Конвенциянинг 80-моддасида эса, “тараф, агар иккинчи тарафнинг мажбуриятни бажармаганлиги, бу ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли юзага келган бўлса, даъво қила олмайди” деб кўрсатиб ўтилганлиги, форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади, яъни тарафларга нисбатан “айблилик презумпцияси” тамойилини татбиқ этади. Айрим амалиётчи мутахассисларнинг таъкидлашича, БМТнинг “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Конвенцияси халқаро савдо амалиётига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ва унда кўрсатиб ўтилган тарафлар “назоратидан ташқари” ҳолатлар тўғрисидаги эслатма халқаро тижорат шартномаларининг форс-мажор ҳолатларига оид бандларида учрайди. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, Вена Конвенциясига мувофиқ мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш, мажбуриятнинг бажарилмаслиги уни бажармаган тарафнинг назорати остида бўлмаган тўсиқ туфайли содир бўлганлиги ва ушбу тўсиқ бевосита форс-мажор ҳолати натижасида юзага келганлиги исботланган тақдирда таъминланади. Бундан кўринадики, Конвенцияда кўрсатиб ўтилган “тарафлар назоратидан ташқари тўсиқ” тушунчаси халқаро арбитражда қўлланишида жуда кенг маънода талқин қилинади ва ушбу тушунча форс-мажор ҳолатини ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли, мазкур Конвенция ўз мажбуриятини бажармаган тарафнинг жавобгарлик презумпциясидан келиб чиққан ҳолда, фақат тараф мажбуриятни бажара олмаганлиги “ўз назорати остида бўлмаган тўсиқ” туфайли бўлганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бу эса, товарлар халқаро олди-сотди муносабатларида форс-мажор ҳолатларининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши ва халқаро арбитражда қўлланишида Вена Конвенцияси муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилаётганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш керак, форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги қоидалар Вена Конвенцияси билан бир қаторда “Коносаментга оид айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисида”ги Конвенция (4-модда, Брюссель, 25 август 1924 йил), “Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўлланган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисида”ги Конвенция (41-модда, Женева, 14 ноябрь 1975 йил), “Вақтинчалик олиб кириш тўғрисида”ги Конвенция (14-модда, Истамбул, 26 июнь 1990 йил), “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

денгиз ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенция (Монтего-Бей, 10 декабрь 1982 йил), “Халқаро кўламда йўловчи ва юкларни автомобилларда ташиш тўғрисида”ги Конвенция (8-модда, Бишкек, 9 октябрь 1997 йил), “Қитъа ичкарисидаги давлатларнинг транзит савдоси тўғрисида”ги Конвенция (7-модда, Нью-Йорк, 8 июль 1965 йил), “Халқаро денгизда ҳаёт хавфсизлиги тўғрисида”ги Конвенция (IV-модда, Лондон, 1 ноябрь 1974 йил) каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, форс-мажор ҳолатларида шартнома мажбуриятини бажармаганлик учун тарафларни жавобгарликдан озод қилишни халқаро ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ичида Халқаро тижорат шартномаларининг тамойиллари – УНИДРУА муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, УНИДРУА тамойилларининг 2016 йилдаги таҳририда халқаро тижорат шартномалари учун умумий меъёрлар белгилаб берилган бўлиб, ушбу меъёрлар бевосита шартнома тарафларининг ўзаро келишуви асосида қўлланилиши мумкин. Жумладан, уларда тарафлар шартномани тузишда унинг мазмуни, шакли ва усулини танлашда эркин эканликлари ҳамда уни ҳалол ва виждонан бажаришлари лозимлиги белгилаб берилган бўлиб, шартнома тарафлари учун тавсия характерига эга. Шу сабабли, улар миллий ва халқаро қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда модель сифатида хизмат қилиши билан бирга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан халқаро тижорат шартномалари умумий тамойилларининг муҳим манбаи сифатида тан олинганлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, форс-мажор ҳолатларига оид УНИДРУА тамойилларининг 7.1.7-моддасида белгилаб берилган меъёрларга кўра, “агар тараф, бажармаслик унинг назорати остида бўлмаган тўсиқ туфайли юзага келганлиги, ушбу тўсиқни кутиш шартнома тузишда ҳисобга олиниши асосли равишда мумкин эмаслиги ва ундан қочиш ёки унинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш мумкин эмаслигини исботласа, бажармаслик учун жавобгарликдан озод қилинади. Агар тўсиқ вақтинча бўлса, жавобгарликдан озод қилиш шартномани бажаришга тўсқинлик қилиш таъсирини оқилона ҳисобга олган ҳолда, тўсиқ мавжуд бўлган вақт учун амал қилади. Бажармаган тараф бошқа тарафни юзага келган тўсиқ ва ушбу тўсиқ ўзининг бажариш қобилиятига таъсири ҳақида хабардор қилиши шарт. Агар, тўсиққа учраган тарафдан тўсиқ маълум бўлган ёки маълум бўлиши керак бўлганидан кейин, бошқа тараф тегишли вақт ичида хабарни олмаган бўлса, хабарни олмаслик натижасида етказилган зарар учун хабарни етказмаган тараф жавобгар бўлади. Мазкур модда қоидалари тарафларга шартномани бекор қилиш ёки ижрони тўхтатиб туриш ёки йиллик фоидаларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланишига тўсқинлик қилмайди”. Кўриниб турибдики, УНИДРУА тамойилларига мувофиқ юзага келган вазиятни форс-мажор ҳолати деб топиш учун, “у мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилиши, мажбуриятни бажармаган тарафнинг назорати остида бўлмаслиги ва тарафлар шартномани тузиш вақтида бундай ҳолатнинг юзага келишини билмаган ёки билиши мумкин эмаслиги” каби мезонларга жавоб бериши керак. Бундай мезонларга жавоб берадиган форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, УНИДРУА тамойиллари тарафларни

шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ёки йиллик фоидалар тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, лекин форс-мажор ҳолати даврида етказилган зарар ва жаримани талаб қилишни тақиқлайди.

Форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги қоидаларни бирхиллаштирувчи яна бир халқаро-ҳуқуқий ҳужжат сифатида “Европа шартнома ҳуқуқининг тамойиллари ёки Ландо тамойиллари”ни кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳужжат даниялик профессор О.Ландо номи билан аталган бўлиб, ўзининг мазмуни жиҳатидан УНИДРУА тамойилларига ўхшаш ҳисобланади. Масалан, Ландо тамойилларининг 8:108-моддасида кўрсатилган қоидалар фақат биргина истисно билан УНИДРУА тамойиллари қоидаларини айнан такрорлайди. Яъни, Ландо тамойилларининг 8:108-моддасида тарафлар шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ёки йиллик фоидалар тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги банд мавжуд эмас. Лекин, 8:101-моддаси 2-бандида “агар, мажбуриятнинг бажарилмаслиги 8:108-моддада назарда тутилган форс-мажор ҳолатлари туфайли келиб чиққан бўлса, жабрланувчи тараф, ижро қилиш ва зарарларни қоплаш талабларидан ташқари, 9-бобда кўрсатилган исталган ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши мумкин”, деб кўрсатилган. Бу эса Ландо тамойилларининг УНИДРУА тамойилларига ўхшашлигидан далолат беради. Айтиш мумкинки, Ландо тамойилларининг 9 та бобдан иборат бўлган 131 та моддасида батафсил шарҳлар ва амалий мисоллар берилганлиги улардан форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Шу ўринда Ландо тамойиллари бевосита Европа Иттифоқи мамлакатлари – Германия, Польша, Литва, Эстония, Венгрия каби мамлакатларнинг шартнома ҳуқуқини модернизация қилишда таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида ўзининг мазмуни жиҳатидан анча йирик бўлган ва нодавлат ҳуқуқий тартибда солишнинг ҳужжати сифатида эътироф этилган “Европа хусусий ҳуқуқининг модель қоидалари” (DCFR) тўсиқлар таъсирида жавобгарликдан озод қилиш қоидаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, ушбу қоидалар бевосита форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, Модель қоидалари бир неча китобдан иборат бўлиб, унинг учинчи китобидан ўрин олган 3:104-модданинг 5 та бандида тўсиқлар таъсирида юзага келган ҳолатларда жавобгарликдан озод қилиш қоидалари ёритиб берилган. Ушбу Модель қоидалари УНИДРУА тамойиллари ва Ландо тамойилларига мазмун жиҳатдан жуда акс эттирганлиги билан фарқ қилади, жумладан: биринчидан, агар тарафни жавобгарликдан озод қиладиган тўсиқ доимий характерга эга бўлса, мажбурият тугатилади. Шу билан бирга қарши мажбурият ҳам тугатилади; иккинчидан, кредитор томонидан юзага келган тўсиқ ҳақида хабар оқилона муддатда олинганлигига қарздор ишонч ҳосил қилиши керак. Бундай хабарномани олмаган кредитор етказилган зарарларни қоплаш талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан кўринадики, “Европа хусусий ҳуқуқининг модель

қоидалари"да белгилаб берилган меъёрлардан халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчилари бевосита шартноманинг форс-мажорга оид шартларини келишиб олишда фойдаланишлари мумкин. Жумладан, мажбуриятни бажаришга доимий характерга эга бўлган тўсиқ форс-мажор ҳолатлари туфайли юзага келганда, уни тугатиш учун асос сифатида қабул қилиниши ва бу қарши тарафнинг ҳам мажбурияти тугатилишига олиб келиши, шунингдек юзага келган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида қарздор оқилона муддатда кредиторни хабардор қилиши шартлиги кабилар ана шундай меъёрлар жумласига киради.

Халқаро савдо фаолияти иштирокчилари учун шартномаларни тузиш бўйича БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан 1990 йилда ишлаб чиқилган ECE/TRADE/169-сонли "Қарама-қарши савдо тўғрисида халқаро шартномалар тузиш бўйича қўлланма" жавобгарликдан озод этиш шартларини ўзаро келишиб олиш ва форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ушбу қўлланманинг "Жавобгарликдан озод этиш" деб номланган 15-"а" бандида юзага келган вазиятни аниқлаш бўйича қуйидагилар белгилаб берилган: "Қарама-қарши савдо шартномаси бўйича тарафлар ўз келишувида шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари учун жавобгарликдан озод қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатишни хоҳлашлари мумкин. Тарафлар бундай шартларни назарда тутмаган ҳолларда, шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари учун жавобгарликдан озод қилишга олиб келадиган ҳолатлар улар тузган шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ қоидаларидан келиб чиқади. Тарафлар шартномада ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмасликни кўрсатишни хоҳлашлари мумкин, агар тараф мажбуриятни бажармаслиги қарама-қарши савдо шартномасини имзолагандан кейин пайдо бўлганлиги, мажбуриятни бажармаслик унинг назорати остида бўлмаган тўсиқ туфайли юзага келганлиги, ушбу тўсиқни кутиш шартномани тузишда ҳисобга олинishi мумкин эмаслиги ва ундан қочиш ёки унинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш мумкин эмаслигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолатларга уруш, оммавий тартибсизликлар, ҳукумат аралашуви, табиий офатлар ва бошқалар мисол бўла олади. Агар тараф, бошқа тарафнинг мажбуриятни бажармаганлиги, бундай ҳолатда ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли юзага келган бўлса, даъво қила олмайди". Кўриниб турибдики, ушбу қўлланмадаги тавсиялар ўз мажбуриятини бажармаган тарафнинг "айблилик презумпцияси"га асосланган бўлиб, тарафнинг ўз мажбуриятини бажара олмаганлиги унинг "назорати остида бўлмаган тўсиқ" туфайли келиб чиққан, шунингдек ушбу тўсиқнинг пайдо бўлиши билан тарафнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ўртасида боғлиқлик бўлмаган тақдирда, яъни у айбсиз бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Шунга кўра, ушбу қўлланма халқаро қарама-қарши савдо муносабатларида форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

Форс-мажор ҳолатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда Халқаро Савдо Палатаси (ИСС) томонидан халқаро

тижорат амалиёти бўйича 2020 йилда янги таҳрирда ишлаб чиқилган ва "Форс-мажор ҳолатлари ва вазиятларнинг жиддий ўзгариши тўғрисида писандалар" муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур ҳужжатда форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги шартлар (писандалар)нинг батафсил ва қисқа вариантлари баён қилинган бўлиб, уларнинг бири иккинчисини бевосита мантиқан ва мазмунан тўлдириб туради. Ушбу ҳужжатнинг форс-мажор концепцияси барча ҳуқуқий тизимларда яхши маълум бўлиб, миллий қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган форс-мажорга оид тамойиллар бир-биридан фарқ қилгани боис, мазкур писандалар халқаро тижорат шартномаларида кенг тарзда фойдаланилади. Жумладан, ушбу писандалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида шартнома тарафлари томонидан уларга бевосита ҳавола қилиш орқали ёки шартномаларда уларни янада аниқлаштирилган ҳолда кенгроқ баён этиш орқали қўлланилиб келинади. Жумладан, Халқаро Савдо Палатасининг форс-мажор ҳолатлари бўйича писандаларида мажбуриятни бажаришдан озод этиш учун асос сифатида уни бажармаслик тарафлар назоратидан ташқарида бўлган тўсқинликлар натижаси бўлиши, тарафлар шартнома тузаётганда бундай тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдиндан кўра олмаганликлари оқилоналик талаби асосида белгиланиши, қарздор инсофли асосда ҳаракат қилгани ҳолда ушбу тўсқинликлар ва унинг оқибатларининг олдини олиш ёки бартараф этиш имконияти бўлмаслиги кабилар белгилаб қўйилган бўлиб, унда тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатларнинг очиқ рўйхати ҳам берилган. Айниқса, шартномада қарздор тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатлар бўйича таваккалчилик хавф-хатарини ўз зиммасига олмаганлиги, писандани қўллашнинг муҳим асосларидан бири сифатида қаралади. Яъни, агар қарздор шартнома бўйича кредиторни ишонтириш учун муайян ҳолатлар бўйича таваккалчилик ҳолатини ўз зиммасига олган бўлса, форс-мажор ҳолати тўғрисидаги писандалар қўлланишини талаб эта олмайди, яъни ушбу писандаларни қўллаш диспозитив норма асосида белгиланади. Демак, Халқаро Савдо Палатаси томонидан берилган форс-мажор ҳолатлари бўйича писандаларга кўра, юзага келган вазият форс-мажор ҳолати деб топилishi учун қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак, жумладан: ташқи характерга эга бўлиши; энгиб бўлмайдиган ва муқаррар бўлиши; олдиндан кўриб бўлмайдиган бўлиши, шунингдек юзага келган ҳолат оқибатлари ва шартнома мажбуриятини бажара олмаслик ўртасида сабабий боғлиқлик бўлиши керак. Шу ўринда форс-мажор ҳолатлари мажбуриятни бажармаганлик учун тарафлар учун жавобгарликдан ҳимояланиш воситаси бўлганлиги сабабли, халқаро арбитражда уни исботлаш ҳар доим ҳам мажбуриятни бажармаган тарафга юклатилишини таъкидлаш жоиз. Масалан, Эронга нисбатан "Sylvania Technical Systems, Incorporation" иши бўйича Эрон ва АҚШ (IUSCT) томонидан билдирилган эътирозларни кўриб чиққан Халқаро арбитраж суди "форс-мажор ҳолатининг мавжудлиги тарафни жавобгарликдан озод қилувчи ҳолат ҳисоблагани боис, унинг мавжудлигини унга ҳавола қилган тараф исботлаши керак" деб таъкидлаб ўтган.

Форс-мажор ҳолатига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро арбитражда қўллаш амалиёти шуни

кўрсатадики, форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда, халқаро арбитраж судлари асосан шартнома шартлари билан бир қаторда, халқаро шартномалар ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги бирхиллаштирилган қоидаларига таянадилар. Жумладан, агар жавобгарликдан озод қилиш учун асослар тарафлар томонидан муайян шартномада кўрсатилган муддатдан кўпроқ давом этганда ёки шартномада бундай қоида бўлмасдан, оқилона муддатдан (120 кундан) ортиқ муддатга давом этганда, тарафлардан бири бошқа тарафни огоҳлантириш орқали шартномадан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги, яъни, форс-мажор ҳолатлари бошланиши натижасида тарафларда шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш, мажбуриятларни бажарилмасдан шартномани бекор қилиш имконияти мавжудлиги эътиборга олинади. Шунингдек, агар форс-мажор ҳолати узок давом этиши натижасида шартноманинг тегишли тарафи унинг бажарилишидан ўз манфаатдорлигини йўқотган бўлса, шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эгаллиги, яъни форс-мажор ҳолати туфайли ўз зиммасига олган мажбуриятни лозим даражада бажара олмайдиган исталган тараф шартномани бажаришдан бош тортиши мумкинлиги каби қоидаларга таянилади. Хусусан, форс-мажор ҳолатида шартномани бажаришдан бош тортиш учун бир тарафнинг иккинчи тарафга белгиланган муддатда хабар берган ёки бермаганлиги муҳим асос сифатида қабул қилинади. Масалан, “Етказиб берувчи” шартномада кўрсатилган ускуналарни “Харидор”га етказиб беришни кечиктириб, у кечикиш сабабларини форс-мажор ҳолати оқибати эканлигини кўрсатиб, жавобгарликдан озод қилишни сўраган. Халқаро арбитраж суди форс-мажор ҳолатлари мавжудлигини тан олмасдан, қабул қилинган қарорни етказиб берувчи харидорни форс-мажор ҳолати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги билан асосланган. Бундан кўринадики, халқаро арбитраж судлари амалиётида форс-мажор ҳолатига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар шартнома мажбуриятларини бажаришнинг имконсизлиги жиддий бўлган ва мутлақ рад қилиб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади. Шу ўринда халқаро арбитраж ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сифатида давлат томонидан яратилган ёки у томонидан вужудга келтирилган вазият ҳам форс-мажор ҳолати деб тан олмаслигини таъкидлаш жоиз. Масалан, даъвогар Ливия хорижий компаниясининг жавобгар Бурунди Республикасига нисбатан даъво иши бўйича халқаро арбитраж суди жавобгарнинг форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги важларини тан олмасдан, у таъкидлаган мажбуриятни бажариш имконсизлиги “форс-мажор ҳолати ёки Бурунди Республикаси назорати остида бўлмаган кутилмаган ташқи ҳодиса натижаси эмас, балки бундай имконсизлик Бурунди давлатининг бир томонлама қарори натижаси”, деган асосда рад этган.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро арбитраж судлари бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва Халқаро Савдо Палатасининг “Форс-мажор ҳолатлари ва вазиятларнинг жиддий ўзгариши тўғрисида писандалар”га таянган ҳолда ва қуйидаги асослар мавжуд бўлганда;

биринчидан, агар шартнома мажбуриятини бажармаган тараф, уни бажармаслиги ўз назоратидан ташқари тўсиқ

натижаси эканлиги, шартномани тузишда бундай тўсиқлик ва унинг оқибатларини кўра олмаганлиги, шунингдек тўсиқнинг олдини олиш ёки уни бартараф этишнинг имкони бўлмаганлигини исботлаган бўлса;

иккинчидан, агар тарафнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги, учинчи шахс билан тузилган шартнома тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги сабабли юзага келганлиги ва учинчи шахсга нисбатан суд томонидан форс-мажор ҳолатига оид ҳуқуқий асослар қўлланилиб, жавобгарликдан озод қилинган бўлса;

учинчидан, агар шартнома мажбуриятини бажарилишига тўсиқлик қилган воқеа-ҳодисалар форс-мажор ҳолати мезонларига тўлиқ жавоб бериши исботланган бўлса;

тўртинчидан, агар шартнома мажбуриятини ўз назоратидан ташқари тўсиқ туфайли бажармаган тараф, ушбу тўсиқ тўғрисида бошқа тарафга ўз вақтида хабар юборган бўлса;

бешинчидан, агар шартнома мажбуриятини бажармаган тараф, юзага келган тўсиқнинг салбий оқибатларини камайтириш ва мажбуриятларни бажариш бўйича ўзининг ҳозирги замон имкониятлари даражасида барча чораларни кўрганлиги исботланган бўлса шартнома мажбуриятлари бажарилишига тўсиқлик қилган вазиятларни форс-мажор ҳолати деб топиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sylvania Technical Systems, Inc v Iran, IUSCT Case No. 64 (1985) at para 52.
2. Руководство по составлению международных договоров о встречной торговле. Европейская Экономическая Комиссия ООН ECE/TRADE/169 1990 г. <https://docs.cntd.ru/document/8308550>.
3. ILR. Vol. 96. 1994. –P. 317-318.
4. Решение Международного Арбитражного суда при ТПП Республики Беларусь от 29.10.2002г по делу № 313/08-02. <https://ilex.by/fors-mazhor-v-mezhdunarodnyh-normah/>
5. Ерпылева Н. Ю. Международное частное право. –М.: ТК «Велби»; Изд-во «Проспект», 2004. –С. 211.
6. Власова Н.В. Тенденции развития унификации в международном частном праве: деятельность УНИДРУА// Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2012. №4. С.132-132.
7. Конвенция ООН “О договорах международной купли-продажи товаров”. <https://lex.uz/docs/2630897>
8. [https://nrm.uz/contentf?doc=164612\\_mejdunarodnaya\\_konvenciya\\_ob\\_unifikacii\\_nekotoryh\\_pravil\\_o\\_konosament](https://nrm.uz/contentf?doc=164612_mejdunarodnaya_konvenciya_ob_unifikacii_nekotoryh_pravil_o_konosament)
9. <https://lex.uz/docs/2747605>.
10. <https://lex.uz/docs/4858789>.
11. [https://doc.mil.ru/documents/quick\\_search/more.htm?id=12093641@egNPA](https://doc.mil.ru/documents/quick_search/more.htm?id=12093641@egNPA)
12. <https://lex.uz/docs/2687936>.
13. <https://lex.uz/docs/2688696>.
14. <https://base.garant.ru/71353064/>
14. Принципы международных коммерческих договоров УНИДРУА. <https://www.unidroit.org/wp-content/uploads/2021/06/Unidroit-Principles-2016-Russian-bl.pdf>
16. Текст Принципов Европейского договорного права доступен на английском языке. [https://www.trans-lex.org/400200/\\_pecl/](https://www.trans-lex.org/400200/_pecl/)
17. [https://studref.com/637992/pravo/evropeyskie\\_printsipy\\_dogovorogo\\_prava\\_printsipy\\_lando](https://studref.com/637992/pravo/evropeyskie_printsipy_dogovorogo_prava_printsipy_lando).
18. [https://www.belykrolik.ru/catalog/modelnye\\_pravila\\_evropejskogo\\_chastnogo\\_prava-g12924011/](https://www.belykrolik.ru/catalog/modelnye_pravila_evropejskogo_chastnogo_prava-g12924011/). Модельные правила Европейского частного права. Рассказова Н.Ю.
19. Оговорки Международной торговой палаты о форс-мажоре и существенном изменении обстоятельств. URL: [http://www.iccwbo.ru/news/2020/ICC\\_mezhdunarodnaya-torgovaya-palata-icc-obnovila-ogov/](http://www.iccwbo.ru/news/2020/ICC_mezhdunarodnaya-torgovaya-palata-icc-obnovila-ogov/)

## ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини юрисдикциявий усуллардан бири - суд орқали ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатлари ёритиб берилиб, корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва аҳамияти, судларнинг корпоратив муносабатларнинг барқарор ривожланишида тутган ўрни борасида фикр мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида суд амалиёти ўрганиб чиқилиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив муносабат, иштирокчи, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш.

### АННОТАЦИЯ:

*in this article, some aspects of one of the jurisdictional methods of protecting the rights of the shareholders of the company - through the court - are highlighted, the specific features, advantages and importance of the legal protection of the rights of the subjects of corporate relations are expressed. Moreover expressed opinions about the role of the courts in the sustainable development of corporate relations. Furthermore, given some suggestions based on studying judicial practice regarding the protection of rights for improving the current legislation.*

**Key words:** corporate relations, shareholder, exercising of the right, protection of the right.

**Қонунчилик ҳужжатларида фуқаролик ҳуқуқий муносабати иштирокчиларига субъектив ҳуқуқларини эркин амалга ошириш имконияти таъминланганлиги баробарида, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида муайян тўсиқларни бартараф этиш, улар бузилишининг олдини олиш, шунингдек, бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари ҳам белгилаб берилган. Зеро, ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг пухта ишлаб чиқилган қонунчилик базаси ва қулай механизми мамлакатда барча соҳаларга, шу жумладан, тадбиркорликнинг ривожланишига, қулай инвестициявий муҳитнинг шаклланишига, натижада фаровон турмуш тарзининг вужудга келишига хизмат қилади. Ва аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш асослари ҳамда чораларининг етарлича таъминланмаганлиги, бу борада мураккаб тўсиқларнинг мавжуд бўлиши турмуш тарзининг пасайишига, мулкдорлар (инвесторлар)нинг мол-мулкларини бошқа давлатларга чиқаришига, рейдерлик фаолиятининг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли “ҳуқуқни ҳимоя қилиш” тушунчаси барча ҳуқуқ тизимларида ва давлатларда муҳим институт сифатида ўрганилади. Европа Иттифоқи адолат судининг (Court of Justice of the European Union) бир нечта қарорларида иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилган. World Justice Project халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексида (Rule of Law Index) ҳам “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш” алоҳида индикатор сифатида баҳоланади.**

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки хил - юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий шакллари корпоратив муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

нинг юрисдикциявий усуллари асосий ва энг кенг тарқалган шакли бу - ҳуқуқларни суд тартибиде ҳимоя қилишдир. Шу сабабли, корпоратив ҳуқуқларни суд тартибиде ҳимоя қилиш назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалаларни кўриб чиқишни талаб қилади. Иштирокчиларнинг ҳуқуқлари тааллуқлилигига кўра ишлар иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий судларда кўриб келинмоқда. Шунингдек, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари сифатида ҳакамлик ва арбитраж судларига ҳам мурожаат қилинаётганини тез-тез кузатиш мумкин.

Корпоратив низоларнинг қайси суд томонидан ва қандай тартибда ҳал этилиши, процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган. ИПК 25-моддасига мувофиқ корпоратив низолар бўйича ишлар иқтисодий судга тааллуқли ҳисобланади. Гарчи ушбу туркумдаги низоларда аксарият ҳолларда бир тараф фуқаро бўлишига қарамадан, низо юридик шахснинг иқтисодий фаолияти бўйича, яъни иқтисодиёт соҳасида вужудга келади. Шу боис, иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар фуқаролик судларида кўриб чиқилмайди. Айнан шу сабаб, дастлаб фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этиб келинган ушбу туркумдаги низолар босқичма-босқич иқтисодий судлар тааллуқлилигига ўтказилган. Шунга қарамадан, бугунги кунга қадар у ёки бу низонинг корпоратив низо ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги, қайси суд томонидан ҳал этилиши ҳамда муайян ҳолатларда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасида бир қатор муаммолар мавжуд.

Корпоратив низоларнинг судловга тааллуқлилиги борасида зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири корпоратив ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий низоларнинг тааллуқлилиқ масаласидир. Корпоратив низолар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келса-да, баъзида уларнинг оқибати оммавий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бўлади. МЧЖ иштирокчиларининг

умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаб бунга мисол бўла олади. Яъни, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши маъмурий ҳуқуқий муносабат бўлиб, ушбу ҳолатда низо вужудга келган тақдирда, аксарият ҳолларда у бевосита корпоратив низолардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс (матнда МСИЮТК деб юритилади)нинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан “давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш”, ... давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар ҳал қилиниши белгиланган. Амалиётда умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар иқтисодий суд томонидан қаноатлантирилганидан кейин, агар ушбу қарор асосида таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилган бўлса, корпоратив муносабат субъектлари (ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин) ушбу қарорга асосан таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун маъмурий судларга мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда. Чунки, Низомнинг 9-банди талабларидан келиб чиқиб ДХМ идоралари иқтисодий суднинг қарорига асосан реестрдаги ёзувга ўзгартириш киритишни рад этишмоқда. Иштирокчиларнинг бу борада ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатлари бир қатор давлат идораларида муҳокама қилиниб келинаётган бўлса-да, бугунги кунга қадар ўз ечимини топгани йўқ.

МСИЮТК 26-моддасининг мазмунига қараганда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ва ундан келиб чиқадиган барча низолар, шу жумладан умумий йиғилиш қарори оқибатида вужудга келадиган давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши керак. Чунки ушбу нормада маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик, иқтисодий ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустаснолиги белгиланган.

Фикримизча, амалдаги қонун ҳужжатлари бунга имкон берса-да, муайян ҳолларда судларда амалиёт нотўғри шаклланган. Агар, мавжуд нормалар бундай низолар иқтисодий судлар томонидан кўрилишига йўл

қўйилмайди деган фикр мавжуд бўлса, унда процесуал кодексларга ўзгартириш киритиш орқали мазкур тоифадаги ишларнинг иқтисодий судга тааллуқлилигини назарда тутувчи нормалар киритиш зарур. Корпоратив муносабатлардан вужудга келадиган низоларнинг тааллуқлилигини аниқлаштириш ва бошқа бир судга (иқтисодий судга) ўтказиш, иштирокчилар овозгарчилигининг олдини олишга хизмат қилади ва корпоратив бошқарувга асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиш механизмини яратишга замин яратади.

Жиноят судлари томонидан иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маъмурий ёки жиноий жазо чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Маълумки, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига кўра, жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда облигацияларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174<sup>1</sup>-моддасида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, мазкур норма қонунда белгиланган талабларга риоя қилинмаган тақдирда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора сифатида иштирокчининг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Иштирокчи ҳуқуқларининг жиноий хатти-ҳаракатлар оқибатида бузилганлик ҳолатлари асосан Жиноят кодексининг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда), ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (228-модда) каби моддаларида назарда тутилган жиноятлар оқибатида содир этилади. Жиноят ишлари бўйича Янгихаёт туман судининг фуқаро Л.И. ва бошқаларга нисбатан 2022 йил 20 июндаги ҳукмини жиноят содир этилиши орқали бузилган иштирокчининг ҳуқуқлари тикланганлигига яққол мисол сифатида келтирилиши мумкин.

Иштирокчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ даъволарнинг альтернатив ҳал этилиши бўйича бир-бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазалар мавжуд. Айрим ҳуқуқшунослар бундай тоифадаги ишлар фақатгина давлат судларида кўриб чиқилишини таъкидлашса, бошқалари ҳакамлик судларида ҳал этилиши мумкинлигини билдиришади. Хусусан, О.Кутафин, Ч.Джарроссон каби олимлар арбитраж (ҳакамлик суди)ни одатда тижорат фаолияти билан боғлиқ ва тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун ваколатли орган ёки муассаса сифатида белгилайдилар. Германия қонунчилигида ҳам корпоратив низолар бўйича низолашиш борасида арбитраж судларининг ваколатлари белгиланмаганлиги сабабли бу борада турли ёндашувлар бўлган. Бирок, Германия Олий судининг 2009 йил 6 апрелдаги қарори (Schiedsfähigkeit II) билан умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низо

арбитраж судининг предмети бўлиши мумкинлиги белгилаб берилганидан кейин корпоратив низоларнинг муқобил усулларда ҳал этилишига оид баҳсли мунозараларга чек қўйилган. Юридик адабиётларда АҚШда йигирмага яқин альтернатив усуллар мавжудлиги таъкидланади. Низоларни муқобил усуллар ёрдамида ҳал қилиш барча корпоратив низоларнинг чорак қисмидан ярмигача бўлган миқдорни ташкил этади.

Корпоратив низоларнинг ҳал этилиши масаласида судларда ҳам амалиёт бир хил эмас. Аммо аксарият ҳолларда, судьялар корпоратив низолар альтернатив усулда ҳал этилиши мумкин эмас деган тўхтамга келишган. Масалан, “Maksinur export” МЧЖ таъсисчиси С.Ф. Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳузуридаги Ҳакамлик судининг 2019 йил 26 мартдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Аниқланишича, Ҳакамлик судининг 2019 йил 26 мартдаги 01/18-02-009-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ф.С.Ф. “Maksinur export” МЧЖ иштирокчиси сафидан чиқарилган. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарори билан Ҳакамлик судининг 2019 йил 26 мартдаги 01/18-02-009-сонли ҳал қилув қарори бекор қилинган. Суд ҳужжатида иштирокчини жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво бўйича низо корпоратив низо бўлсада, ҳакамлик суди томонидан ўз ваколатига кирмаган тоифадаги низо кўриб чиқилиб, даъво асоссиз қаноатлантирилган, деб эътироз билдирилган.

Фикримизча, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари сифатида ҳакамлик ва арбитраж судлари ҳам иштирокчилар ўртасидаги айрим низоларни кўриб чиқиш орқали иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ваколатли институт ҳисобланади. Чунки, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига кўра, “ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди”. Иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳакамлик судида низолашишда қонунчиликда чеклов ўрнатилмаган. Иштирокчилар ўртасидаги низоларни ҳакамлик судларида ҳал этиш орқали уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, биринчидан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан низо келиб чиққанда, низонинг ҳал этилиши муайян ҳакамлик судида кўриб чиқилиши белгиланиши, иккинчидан, альтернатив суд доимий фаолият юритиши лозим. Бундан ташқари, иштирокчилар ўртасида низо вужудга келган тақдирда, иштирокчилар ўзлари низо ни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида келишув тузишлари ҳам мумкин.

“Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳам иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда таъқиқ мавжуд эмас. Бундай низоларнинг ҳакамлик судларида кўриб чиқилишининг афзалликлари сифатида жамият ҳамда ишти-

рокчилар ўртасидаги тижорат сирларининг қатъий сир сақланиши кафолатланишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Амалиётдаги қарама-қарши фикрларни бартараф этиш мақсадида, ИПКнинг корпоратив низолар бўйича иш юритиш бобида муқобил усулда ҳал этилишига йўл қўйиладиган ва қўйилмайдиган ишлар бўйича мезонларни белгилаб олиш зарур.

Ҳуқуқшунос олим А.Павлов фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган моддий чоралар сифатида тавсифлаб, улар орқали субъектив ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқлар бузилган тақдирда уларни тиклаш ва амалга оширилишини таъкидлайди. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда, қоида тариқасида, қонунда назарда тутилган ҳаракатлар кетма-кетлиги тушунилади, улар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш мумкин. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларида муайян мақсадга йўналтирилганлик, ҳақиқийлик ва қонунда белгиланганлик каби учта муҳим белги мавжуд. Баён этилганлардан келиб чиқиб, иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тушунчасига – қонунчиликда назарда тутилган ва белгиланган тартибда иштирокчиларнинг (шу жумладан, айрим ҳолларда улуш эгасининг) бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган моддий-ҳуқуқий чоралар, деб таъриф берамиз.

Корпоратив ҳуқуқдаги ҳимоя усуллари бўйича тадқиқот ўтказган М.Гелтер (Martin Gelter) ҳимоя воситалари тўплами ва муайян ҳимоя воситаларининг тарқалиши ҳар бир аниқ юрисдикция учун ўзига хос эканлигини таъкидлайди. Миллий қонунчилигимизда ҳуқуқни ҳимоя қилиш қонунда назарда тутилган усуллар орқали амалга оширилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларининг рўйхати ФКнинг 11-моддасида белгиланган. Аммо, ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди, чунки мазкур нормада фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлиги белгиланган. Қонунчиликда мавжуд бўлмаган ҳимоя усулларида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, ўз навбатида, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари қамрови ва шартларини аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

Адабиётларда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари уларнинг қўлланилишига кўра, умумий ва махсус турларга бўлиб ўрганган. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда, корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг бир йўналиши ҳисобланганлиги сабабли ФКнинг 11-моддасида назарда тутилган ҳимоя усулларини иштирокчилар ҳуқуқларининг умумий ҳимоя усули сифатида қараб чиқиш мумкин. Масалан, жамиятдаги улуш эгасининг иштирокчи сифатида ҳуқуқини тан олиш, жамият иштирокчиларининг юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, фидуциар мажбуриятнинг бузилганлиги учун зарарни

ундириш, улушга битимни ҳақиқий эмас деб топиш каби ҳимоя усуллари шулар жумласидандир.

Махсус ҳимоя усуллари ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб, умумий ҳимоя усулларида фарқли равишда муайян ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ёки муайян ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланилади. Шунингдек, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолатларда махсус ҳимоя усулларида фойдаланиб бўлмайди. Масалан, улушни сотиб олишга оид имтиёзли ҳуқуқнинг бузилиши, сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳуқуқи бузилган шахсга ўтказиб бериш ҳақидаги махсус ҳимоя усули орқали тикланади. Мазкур ҳолатда қонунда улушни “имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи” юрисдикциявий махсус ҳимоя усули сифатида иштирокчининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бундай ҳолатларда ҳуқуқни тиклашнинг бошқа усулларида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Яъни, иштирокчи сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказиш тўғрисидаги талаб ўрнига улушнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилганда, қонунда махсус ҳимоя ҳуқуқи назарда тутилганлиги сабабли бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши лозим. Айнан шу мазмунга яқин тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарорининг 21-бандида ҳам берилган. **Суд амалиётдан яна бир мисол:** жамият аъзолигидан чиқиб кетаётган иштирокчининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда, агар жамиятнинг ижро этувчи органи иштирокчининг аризасига асосан жамият иштирокчиларининг йиғилишини чақирмаса, чиқиб кетаётган иштирокчи жамият ижро этувчи органи зиммасига жамият иштирокчиларининг йиғилишини чақириб вазифасини юклаш тўғрисидаги талаб билан эмас, балки жамиятдан ўз улушининг ҳақиқий қийматини тўлаб бериш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин. Р.Бевзенко таъбири билан айтганда, ҳар бир ҳуқуқнинг ўзига хос ҳимоя қилиш усули бўлиши шарт. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, қонунчиликда ҳуқуқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унинг ҳимоя қилиш усулининг тўғридан-тўғри белгиланиши ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш билан бир қаторда, корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини тиклаш гарови бўлиб ҳисобланади. Бироқ, қонунда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари белгиланган бўлса-да, судлар амалиётида унинг ўрнига бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари орқали ҳуқуқни тиклаш ҳолатлари ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан, “Yellow Brick” масъулияти чекланган жамияти иштирокчилари А.Э, Б.Р, А.Г ва Б.С жавобгарлар А.Х ва С.В нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Yellow Brick” МЧЖнинг улушлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларини бекор қилишни сўраш-

ган. Биринчи инстанция суди томонидан даъво талаби қаноатлантирилган. Кассация инстанция суди қуйи инстанция судлари ҳужжатларини бекор қилар экан, мазкур ҳолатда даъвогарлар жавобгарлар томонидан олди-сотди шартномалари бўйича улуш қиймати тўланмаганлиги учун унинг қийматини ундиришни талаб қилишга ҳақли бўлса-да, бундай талаб билан мурожаат қилмасдан, шартномаларни бекор қилишни сўраганлигини, ваҳоланки, ФК 419-моддасининг учинчи қисмига асосан агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ топширилган товар ҳақини ўз вақтида тўламаса, сотувчи товар ҳақини ва ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлашни талаб қилишга ҳақли эканлиги қарорда асос сифатида келтирилган.

Амалдаги қонунчиликда иштирокчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари аниқ белгиланмаганлиги, судларга кўплаб асоссиз даъволарнинг киритилишига, бунинг оқибатида корпоратив низолар узоқ вақт мобайнида ечимини топмасдан охир оқибат МЧЖ фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли, Қонун корпоратив ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан умумий йиғилишни чақириб, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини ўтказиш, иштирокчилар сафидан чиқариш, корпоратив назоратни тиклаш каби махсус усуллари назарда тутувчи “Иштирокчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш усуллари” тўғрисидаги 81-модда билан тўлдирилиши лозим.

Бу билан иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари жамланиб, корпоратив муносабат иштирокчиларига қулайликлар яратади, шунингдек, улар томонидан судга қонунда назарда тутилмаган асоссиз даъволар киритилишининг олди олинишига эришилади.

**Мақсудбек САИДОВ,**

*юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Arnold T. Why ADR? // Alternative Dispute Resolution How to Use it Yout Advantage ALI – ABA course of study. 1996. P. 19
2. Павлов А.А. Присуждение к исполнению обязанности в натуре как способ защиты гражданских прав в обязательственных правоотношениях. СПб, 2001. С. 19.
3. Бевзенко Р.С. Проблемы защиты корпоративных прав.//Корпоративное право: Актуальные вопросы теории и практики/Под ред. В.А.Белова. М., 2009. С. 636-637.
4. Gelter M. Why do Shareholder Derivative Suits Remain Rare in Continental Europe? // Brooklyn Journal of International Law. 2012. Vol. 37. Iss. 3. P. 843-892; Gelter M. Mapping Types of Shareholder Lawsuits Across Jurisdictions. Fordham Law Legal Studies Research Paper No. 3011444, 2018. P. 1-43.
5. Bork/Schäfer (Hrsg.). GmbHG. Kommentar. 4., neu bearb. Aufl. 2019. S. 1060-1061.
6. [https://www.researchgate.net/publication/228774966\\_Shareholder\\_protection\\_in\\_the\\_case\\_law\\_of\\_the\\_Court\\_of\\_Justice\\_of\\_the\\_European\\_Union](https://www.researchgate.net/publication/228774966_Shareholder_protection_in_the_case_law_of_the_Court_of_Justice_of_the_European_Union)
7. Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт судининг 1-1012-2201/101-сонли иши.
8. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2205/6448-сонли иши.

## КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ЖИНОЯТИ

### АННОТАЦИЯ:

мақолада кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг предмети билан боғлиқ назарий қарашлар, қонунчилик ҳужжатларида мавжуд муаммолар кўриб чиқилади. Муаллиф томонидан жиноят қонунчилигига ушбу турдаги жиноятнинг предмети билан боғлиқ нормаларни такомиллаштиришга қаратилган айрим таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** жиноят объекти, жиноят предмети, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар ва уларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар, аҳоли саломатлиги, жиноий жавобгарлик.

### АННОТАЦИЯ:

в статье рассматриваются теоретические взгляды касательно предмета преступления, связанного с незаконным оборотом сильнодействующих или ядовитых веществ, а также существующие с ним проблемы в актах законодательства. По итогам проведенного анализа автором выдвигаются предложения, направленные на совершенствование норм уголовного законодательства, связанных с предметом указанного преступления.

**Ключевые слова:** объект преступления, предмет преступления, сильнодействующие и ядовитые вещества, оборудования для изготовления либо переработки сильнодействующих и ядовитых веществ, здоровье населения, уголовная ответственность.

**Бугунги кунда инсон ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар сирасига кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси ҳам киради. Чунки, уларнинг ноқонуний муомаласининг ижтимоий хавфи юқори ҳисобланади ҳамда айрим кишиларнинг улардан гиёҳвандлик мақсадида фойдаланиши давлатдаги криминоген вазиятга, жамоат хавфсизлигини таъминлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.**

Ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш борасида жиноят қонунчилигида бир қатор нормалар мавжуд. Шулардан бири Жиноят кодексининг 251<sup>1</sup>-моддасида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда муомалага киритиш учун жавобгарлик белгиланган.

### ЖК 251<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг предмети:

- гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддалар;
- гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган заҳарли моддалар;
- кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар ҳисобланади.

Бугунги кунда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун

асбоб-ускуналарга айнан нималар кириши қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланмаган. Назаримизда, қонунчиликдаги бу каби бўшлиқнинг мавжуд бўлиши ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш имконини бермайди ва амалиётда ҳуқуқни қўлловчилар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатлари содир этилишига замин яратади. Тасаввур қилайлик, асбоб-ускуналар рўйхати мавжуд бўлмаган ҳолда ҳуқуқни қўлловчилар томонидан оддий маиший жиҳозлар ҳам кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар сифатида тан олиниши мумкин. Зотан, бу каби жиҳозларда, масалан тоғора, ошхона идишларида ҳам моддаларни бир-бирига аралаштириш йўли билан қайта ишлаш мумкин бўлади. Шу сабабли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарнинг рўйхатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик адабиётларда ЖК 251<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят предметларининг тушунчаси бўйича ягона тўхтамга келинмаган. Яқин-яқингача қонунчилик ҳужжатларида ҳам кучли таъсир қилувчи моддаларга таъриф берилмаган эди. Фақатгина 2023 йилга келиб, ушбу моддаларнинг таърифи Ҳукумат қарори билан тасдиқланган низомда кўзда тутилди. Мазкур Низомнинг 2-бандида кучли таъсир қилувчи моддалар деганда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистонда реализация қилиниши қатъий тартибга солинган дори воситалари тушунилиши белгиланди.

Назаримизда, мазкур таъриф умумий бўлиб, моддаларнинг мазмуни ва улар нима сабабдан кучли таъсир қилувчи эканлигини тўлиқ ёритиб бермайди. Юридик адабиётларда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчасига турлича таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ҳуқуқшунос олим М.Ҳ.Рустамбаев кучли таъсир этувчи моддалар деганда кўп миқдорда истеъмол қилганда ёки уларни тиббий фойдаланиш қоидаларига риоя қилмасдан истеъмол қилганда инсон ҳаёти ва соғлиғига хавfli таъсир кўрсатадиган моддалар тушунилишини, юридик нуқтаи назардан улар гиёҳвандлик воситаси ёки уларнинг аналоглари психотроп модда ҳисобланмаслигини ва Ўзбекистонда назорат қилиниши лозим бўлган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатига киритилмаганлигини, заҳарли моддалар деганда эса, одам организмга заҳарловчи таъсир ўтказадиган моддалар тушунилишини, ушбу моддаларни кам миқдорда истеъмол қилганда ҳам инсон оғир заҳарланиши ёки ўлими келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайди.

М.Г.Ермаковнинг фикрига кўра, кучли таъсир қилувчи моддалар деганда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган ҳамда улардан ноқонуний фойдаланиш ёхуд уларни суиистеъмол қилиш одам организмга жиддий зиён етказиши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, заҳарли моддалар деганда эса, одам организмга кам миқдорда тушганда ҳам юқори токсик таъсирга эга, оғир заҳарланишга ёки ўлимга олиб келадиган келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар тушунилади.

Е.Г.Шмелева эса, ушбу моддаларга таъриф берганда кучли таъсир қилувчи моддаларга келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар бўлган, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган ҳамда кенг қамровли шахслар томонидан гангитиш мақсадида фойдаланиладиган, ўзига тобеликни юзага келтирадиган, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлашда фойдаланиши мумкин бўлган моддалар кириши ҳақида фикр юритган.

**Юридик адабиётларда ушбу моддаларнинг жиноий-ҳуқуқий моҳияти уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёрдамида ёритилганлигини кўришимиз мумкин. Одатда уларга:**

1) жисмоний – кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар моддий дунёнинг ашёлари ҳисобланиб, ўз кимёвий таркибига эгалиги;

2) тиббий (биологик) – моддалардан ўрнатилган тартиб ва қоидаларга зид равишда ҳамда нотиббий мақсадларда фойдаланилиши оқибатида уларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши, шунингдек, уларга нисбатан тобелик пайдо бўлиши мумкинлиги;

3) ижтимоий – моддаларнинг қонунга хилоф равишда кенг тарқалиши ижтимоий хавfli оқибатларни келтириб чиқариб, улар ёрдамида

бошқа турдаги жиноятларнинг содир этилиши мумкинлиги;

4) ҳуқуқий (юридик, норматив) – моддалар қонунчиликда белгиланган рўйхатга киритилганидан сўнгина кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли модда ҳисобланиши ва уларнинг муомаласи қонунчилик ҳужжатлари билан чекланганлиги билан боғлиқ хусусиятлар киритилади.

Кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган тушунчаларда, масалан, Ҳукумат қароридаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг таърифида моддаларнинг тиббий (биологик) ҳамда ижтимоий хусусиятлари назарда тутилмаган. М.Ҳ.Рустамбаев ва М.Г.Ермаков томонидан берилган таърифда ҳам моддаларнинг тиббий (биологик) хусусиятлари (моддалар кишида ўзига тобеликни уйғотиши қисмида) тўлиқ ёритилмаган. Е.Г.Шмелева эса, ушбу моддалар тушунчасига таъриф беришда уларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиши мумкинлигини ҳисобга олмаган.

**Шунга кўра, мазкур хусусиятларни инобатга олган ҳолда, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчасига қуйидаги таърифни бериш таклиф этилади:**

– кучли таъсир қилувчи моддалар деганда қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган, улардан ҳаддан ташқари кўп миқдорда ёки белгиланган тартибга риоя қилмасдан туриб фойдаланилган тақдирда ўзига тобеликни юзага келтирадиган, одам соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган синтетик ёки табиий моддалар тушунилади;

– заҳарли моддалар деганда эса қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган, кам бўлган миқдорда ҳам одам соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган синтетик ёки табиий моддалар тушунилади.

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, рўйхатга 78 та модда киритилган. Рўйхатнинг 22, 55, 67 ва 73 тартиб рақами остида жойлашган “Залеплон”, “Прегабалин”, “Тропикамид” ва “Циклопентолат” номли моддаларнинг чакана реализацияси (сотилиши) фақат гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ва ижтимоий дорихоналар орқали амалга оширилиши қайд этилган. Рўйхатнинг изоҳ қисмига кўра, қуйидагилар кучли таъсир қилувчи моддаларга киради:

– ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг барча ҳолатдаги тузлари;

– ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг барча ҳолатдаги изомерлари;

– ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг оддий ва мураккаб эфирлари.

Бундай тузлар, изомерлар ва эфирларга жиноий ҳаракатни таснифлаш учун кўп миқдор кўрсаткичлари худди кучли таъсир қилувчи моддаларга қўлланиладиган кўрсаткичларга мос равишда белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатнинг ўзида жиноий ҳаракатни таснифлашда кўп миқдор кўрсаткичлари белгилаб берилган. Рўйхатга кўра, модда миқдори назарда тутилган граммдан юқори бўлиши керак. Масалан, кўп миқдордаги "Тропикамид" кучли таъсир қилувчи моддасининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик 1 (бир) граммдан юқори бўлгандагина юзага келади.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили моддаларнинг миқдоридан келиб чиқиб қилмишни квалификация қилишда муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2023 йил 16 мартдаги 1-1119-2301/32-сонли жиноят иши бўйича ҳукми билан судланувчи "А.А.Ф." 2022 йил 28 июнда таркибида "Прегабалин" моддаси мавжуд бўлган 38 дона "Regapen 300mg" дори воситасини таниши "И.Ю."га сотаётганда ушланган. Экспертиза хулосасида судланувчида ашёвий далил сифатида олинган 38 дона дори воситасининг таркибида мавжуд бўлган "Прегабалин" моддасининг соф оғирлиги 11,4 граммни ташкил этиши кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатга кўра, 10 граммдан ошган "Прегабалин" кучли таъсир қилувчи моддасининг миқдори кўп миқдорни ташкил этса-да, судланувчининг ҳаракатлари ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан нотўғри малакаланган.

Ёки бўлмаса жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг 2022 йил 14 февралдаги 1-1905-2202/13-сонли жиноят иши бўйича ҳукмига кўра, судланувчи "М.К.С." 2021 йил 5 октябрда 77,2 грамм кўп миқдордаги "опий" гиёҳвандлик воситасини ҳамда 1 грамм миқдордаги 10 дона "тропикамид" кучли таъсир қилувчи моддасини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаб келганлиги аниқланган. Дастлабки тергов органи томонидан судланувчининг ҳаракатлари ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисми билан малакаланган. Бироқ, модда миқдори кўп миқдорни ташкил этмаганлиги сабабли суд жиноятни ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисмига қайта малакалаган.

Заҳарли моддаларнинг рўйхати 2018 йилга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган "Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият лицензияланиши керак бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари рўйхати"да назарда тутилган. Ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги "Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 782-сон қарори билан

ўз кучини йўқотган. Шундан сўнг, заҳарли моддаларнинг рўйхати 2022 йилга қадар бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилмасдан, қонунчиликда ўзига хос бўшлиқ пайдо бўлди.

Ушбу рўйхат 2022 йилга келибгина Ҳукуматнинг шу йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомнинг 30-иловасида (Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш паспорти) белгиланди. Ҳукуматнинг ҳар иккала қарорида ҳам заҳарли моддаларнинг рўйхатига бир хил моддалар киритилган бўлиб, уларга акрилонитрил (вентокс), метил спирти, мишьякли ангидрид, мишьяксимон ангидрид, дихлорид симоблар (сулема) ва бошқа симоб тузлари, никель тетракарбонили, сариқ фосфор, цианидди водород ва унинг тузлари (натрий цианид, калий цианид, кадмий цианид, кумуш цианид, симоб цианид ва оксидцианид, кўрғошин цианид, мис цианид, рух цианид, кальций цианид), циан қотишма, циклон ҳамда этилмеркурхлорид киритилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг ҳар иккала қарори билан тасдиқланган рўйхатда заҳарли моддаларнинг миқдори, шу жумладан кўп миқдори белгиланмаган. ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида эса, ҳам кучли таъсир қилувчи ҳам заҳарли моддаларнинг кўп миқдордаги қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик назарда тутилган. Кўриниб турибдики, қонунчилик ҳужжатларида заҳарли моддаларнинг кўп миқдори учун жавобгарликни ташкил этувчи нормаларда ўзаро қарама-қаршилик мавжуд. "Кўп миқдордаги" заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ушбу моддаларни "оз миқдорда" ноқонуний муомалага киритишдан кўра хавфи юқорироқ эканлигини инобатга олиб ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорида заҳарли моддаларнинг миқдорини белгилаш зарурдир.

Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг миқдори ҳақида гап кетганда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу масала шундан иборатки, бир-биридан кескин фарқ қиладиган даражадаги моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалага киритган шахсларга бир хил турдаги ва меъёрдаги жазо чораларининг қўлланилаётганлигидир.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2022 йил 20 декабрдаги 1-1010-2202/480-сон жиноят иши бўйича ҳукмига кўра, судланувчи "А.Ф.Х." 143 грамм мидордаги 1430 дона "Тропикамид" кучли таъсир қилувчи моддасини ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш ва ташишда айбдор деб топилган. Ёки, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 8 июлдаги 1-1501-2202/1095-сон жиноят иши бўйича ҳукмида судланувчи "Х.Х.Х." 178,6 граммга тенг 1787 дона

“Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи модда билан қайд этилган ҳаракатларни содир этганликда айбдор деб топилган.

Кўриниб турибдики, ушбу ишларда “анча кўп миқдордаги” кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф равишдаги қилмишлар содир этилган. Судланувчиларнинг ҳар иккаласига ҳам бир хил, яъни 7 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Бошқа суд ҳукмларининг таҳлили эса юқорида кўрсатилган миқдоридан анча қамроқ бўлган миқдорда содир этилган қилмишлар учун ҳам деярли бир хил муддатга жазо тайинланаётганлигини кўрсатади.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман судининг 2022 йил 8 июлдаги 1-1007-2201/293-сон жиноят иши бўйича ҳукми билан судланувчи “Х.А.У.” 2,6 грамм 26 дона “Тропикамид” ҳамда 0,15 грамм 15 дона “Залеплон” номли кучли таъсир қилувчи моддаларини сақлаш ва ўтказишда, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2022 йил 15 мартдаги 1-1006-2103/80-сон жиноят иши бўйича ҳукми билан судланувчилар “М.С.Б.” ва “М.И.М.” 8,5 грамм 85 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказишда ҳамда 18,3 грамм 183 дона шу каби моддаларини ўтказиш мақсадида сақлашда айбдор деб топилди, уларга ушбу қилмишлар учун 7 йилдан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юридик адабиётларда ҳам бу сингари муаммолар кўтарилган бўлиб, олимлар томонидан кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг миқдорини қайта кўриб чиқиш таклиф этилган. Хусусан, М.Г.Ермаков томонидан кучли таъсир қилувчи моддаларнинг жуда кўп миқдорини, заҳарли моддаларнинг кўп ва жуда кўп миқдорини, И.В.Лазенкова томонидан эса, заҳарли моддаларнинг кўп миқдорини белгилаш таклиф этилган.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалага киритишга ўхшаш жиноят таркибида (гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш) восита ва моддаларнинг миқдори 4 тоифага: оз, кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга ажратилганлигини кўришимиз мумкин.

Назаримизда, муомаласи (тақиқланган) чекланган жавобгарлик меъёрини белгилашда айнан шунга ўхшаш ёндашув айбдор шахсларга адолатли жазо тайинланишига хизмат қилади. Шу сабабли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг миқдор тоифаларини қайта кўриб чиқиб, уларни оз, кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жинояти таркибининг объектини кўриб чиқиш натижалари асосида қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин:

– жиноятнинг предметига кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар, уларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар киради. Қонунчилик ҳужжатларида ушбу асбоб-ускуналарга айнан нималар кириши аниқ белгиланмаган бўлиб, мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф қилиш ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришга хизмат қилади;

– қонунчиликда заҳарли моддаларнинг миқдори назарда тутилмаган бўлса-да, ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида уларнинг кўп миқдори учун оғирроқ жазо чоралари белгиланган. Шу боис, қонунчиликдаги ушбу қарама-қаршиликларни бартараф этиш зарурати мавжуд;

– кучли таъсир қилувчи моддаларнинг оз ва кўп миқдорга ажратилиши ушбу моддалар билан турли миқдорларда ноқонуний ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан қилмишига яраша адолатли жазо тайинлаш имконини бермайди.

**Сардор ТОШНИЁЗОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги “Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 109-сон қарори. <http://lex.adm.uz/uz/docs/110883>
2. Ё.Г.Шмелёва. Незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дисс. ... канд. юрид. наук. - Казань, 2008. - с. 89.
3. М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув yurtлари учун дарслик. Т.: “Янги аср авлоди”. 2010. - 164 б.
4. М.Г.Ермаков. Уголовно-правовая характеристика незаконного оборота сильнодействующих и ядовитых веществ: дисс. ... канд. юрид. наук. - Омск, 2014. - с. 106.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сон қарори. <http://lex.adm.uz/docs/2815340>
6. И.В.Лазенкова. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2015. - с. 12.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 782-сон қарори. <http://lex.adm.uz/uz/docs/3924353>
8. М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М.Рустамбаев. - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. - 401 б.
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон қарори. <http://lex.adm.uz/uz/docs/5870213>
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори билан тасдиқланган Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом. <http://lex.adm.uz/docs/6348545>
11. <https://public.sud.uz>

# МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноятни фош қилиш жараёнида ишни судга қадар юритишнинг шакли бўлган терговга қадар текширувнинг Миллий гвардия томонидан олиб борилиши ва унинг ижтимоий зарурлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган айрим муаммолар юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** терговга қадар текширув, Миллий гвардия, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қўриқлаш фаолияти, терговга қадар текширув органлари, маъмурий-ҳуқуқбузарлик, ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, тезкор-қидирув фаолияти.

**Бугунги кунда “Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан янги тузилма, яъни, Миллий гвардия ташкил этилди ҳамда бундан буён ҳар бир шаҳар, туман ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия тузилмалари ҳам масъул ва жавобгар этиб белгиланди.**

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бошқарув органлари, кўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари – Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари таркибига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 июлдаги ЎРҚ-548-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига мувофиқ, Миллий гвардиянинг терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Жумладан:

– ЖПКнинг 381<sup>2</sup>-моддаси 1-қисмига киритилган қўшимчага кўра Миллий гвардия ва унинг жойлардаги бўлинмалари Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида ва 259<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширадиган бўлди.

Шу билан бир қаторда, Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, мазкур модданинг 5-бандида, жиноят ишлари бўйича суриштирув бошқа органлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Жиноят-процессуал кодекси 39<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми 13-банд билан тўлдирилиб, терговга қадар текширув бошқа органлар билан бир қаторда қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Миллий гвардия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уни ижтимоий зарур тузилмага айлантиришда бир қатор ишлар амалга оширилиб, 2020 йил 18 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Миллий гвардия органлари фаолияти ҳуқуқий тартибга солиниб, унинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, функциялари, тамойиллари, хизмат ўташ тартиби ва бошқалар белгиланди.

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон асосида “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши ҳамда жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича қонун лойиҳасини киритиш белгиланди.

Шу билан бир қаторда, Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, суриштирув, терговга қадар текширув ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишдаги ваколатлари кенгайди.

Миллий гвардия органлари томонидан терговга қадар текширув фаолиятини ташкил этиш статистикасига тўхталадиган бўлсак, 2023 йилнинг 6 ойи давомида Миллий гвардия органлари иш юритишида бўлган терговга қадар текширув ҳужжатлари **жами 321 тани** ташкил этган.

Ишни судга қадар юритиш босқичида **терговга қадар текширув** муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, дастлабки далилларни тўплаш, шахсларнинг тушунтиришлари ва бошқа маълумотларга тўғри ва холисона баҳо бериш жиноят ишини тергов қилиш босқичи ва суд процессида исбот қилиш шартларини тўлиқ бажарилиши ва адолатли қарор қабул қилинишига олиб келади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>1</sup>-моддасида “**Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар**” кўрсатилган бўлиб, мазкур модданинг 13-бандида, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширишлари белгиланган.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасида терговга қадар текширувга алоҳида таъриф берилган бўлиб, унга кўра терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб

чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган органлар томонидан Кодекснинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Терговга қадар текширув ҳақида ҳуқуқшунос олимлар ўз фикрларини баён этганлар. Жумладан, Д.М.Миразовнинг фикрича, “Терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини кўзгайтиш ёки кўзгатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жиний қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади.”

Шунингдек, рус олими Г.П.Химичева шундай дейди: – “Терговга қадар текширув-жиноят иши кўзгайтиш босқичида жиноят-процессуал фаолиятнинг мажбурий қисми бўлиб, процессуал хусусиятга эга.”

Жиноят-процессуал кодексининг 381<sup>2</sup>-моддаси 5-банди талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари-Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва 259<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув олиб бориши белгиланган бўлиб, шу тоифадаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ҳам Миллий гвардия томонидан ўтказилмоқда. Шунингдек, ЖПКнинг 345-моддаси талабларига кўра, Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳамда ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилиши кўрсатилган. Бироқ, Миллий гвардияда (ходимлар билан бир қаторда) ҳарбий хизматчилар хизмат қилишини инobatга олиб, шу тоифадаги айрим жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув Миллий гвардия органлари томонидан ўтказиб келинмоқда.

Шу сабабли, Миллий гвардия органларида терговга қадар текширув деганда, Миллий гвардия ваколатига кирувчи Жиноят кодекси моддалари билан бир қаторда ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар билан боғлиқ терговга қадар текширувни ҳам тушуниш лозим. Рус олими С.М.Мальков “ҳарбий хизматни ўташ тартибини – ҳуқуқий нормалар таъсири натижасида шаклландиган, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ ўзаро муносабатларнинг ҳолати” сифатида таърифлаган.

Шунинг учун Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг фаолияти ҳамда улар билан боғлиқ жиноят ҳақидаги аризаларни текширишда алоҳида ёндашув талаб этилади.

ЖПКнинг 345-моддаси 3-қисмида “Жиноят кодексининг 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади” – деб кўрсатилган бўлса, ЖПКнинг 381<sup>2</sup>-моддаси 5-бандида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг

жойлардаги бўлинмалари — Жиноят кодексининг 250<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва 259<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув олиб борилиши белгиланган.

Гарчи, Ўзбекистон Республикасида Миллий гвардия органларига кенг ваколатлар берилган бўлсада Миллий гвардия органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш қонун йўли билан тартибга солилмагани амалиётда жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг тез, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқилишига, адолатли қарор қабул қилинишига монелик қилмоқда.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисмида “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли”, – деб кўрсатилиб, бошқа органларга тезкор-қидирув фаолиятини олиб боришга рухсат берилган.

Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисмига ҳамда 2012 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сонли қонунининг 2-боб, 10-моддаси (Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар)га ўзгартиш ва қўшимча киритиб, Миллий гвардияга Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга рухсат беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Шахзод АЛИМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти бўйича бошқармаси Юридик хизмат бошлиғи.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Химичева Г.П. “Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности.” Монография. Москва. 2003 г.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.- 2012 й.
3. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари. Ўқув қўлланма.-Тошкент ИИВ Академияси, 2016.-Б.4.
4. Мальков С.М. Содержание объекта преступления против военной службы и его значение для систематизации главы 33 Уголовного кодекса РФ// Современное право.2017.№8.С.79.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси.
6. Ўзбекистон Республикаси “Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни.-2020 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.-2022й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли Фармони.
9. <https://president.uz/uz/lists/view/1419>
10. <https://lex.uz/uz/docs/3495885>
11. [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

# АДЛИЯ ОРГАНЛАРИДА РАҚАМЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада адлия органларида жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш соҳасида ахборот технологияларининг жорий этилиши, электрон ҳужжат айланиш тизими, махсус платформалар орқали фуқароларга хизматлар кўрсатиш бўйича тизимда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтилган. Нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари фаолиятини рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда таҳлил қилинган ҳамда соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар илғари сурилган.

**Калит сўзлар:** “виртуал адлия”, рақамлаштириш, СМС хабарнома, [project.gov.uz](http://project.gov.uz), [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz), [vacancy.adliya.uz](http://vacancy.adliya.uz), [hr.adliya.uz](http://hr.adliya.uz), e-notarius, “E-qaror” ягона электрон тизими.

**Давлат органларини рақамлаштириш уларнинг самарали хизмат қилиши ва ўзгаришларга тез мослашишига имкон яратади. Рақамлаштириш, айниқса, адлия органлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.**

Бу асосан давлат хизматларини кўрсатиш тизими, электрон ҳужжат айланиши, ижро интизоми, нотариат ва бошқаларга тегишли. Сўнгги йилларда адлия органлари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлили уларнинг фаолиятида рақамлаштиришнинг куйидаги йўналишларини аниқлаш имконини беради.

**Биринчидан**, давлат хизматларини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ва рақамлаштирилди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди ва агентликка жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш юклатилди.

2018 йил апрель ойида фаолият бошлаганида агентлик томонидан 37 та хизмат кўрсатилган. Айни пайтда Давлат хизматлари марказлари орқали 172 та, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([tu.gov.uz](http://tu.gov.uz)) орқали эса 333 та давлат хизмати ишга туширилди.

Агар 2017 йилда Давлат хизматлари марказлари орқали 2 555 та, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([tu.gov.uz](http://tu.gov.uz)) орқали 2 983 та хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунда мурожаатлар сони мос равишда 6,8 ва 7,1 миллионни ташкил этади. Фуқароларга ҳар куни ўртача 57 минг хизмат кўрсатилади.

Ҳозирги вақтда жисмоний ва юридик шахсларга энг оммабоп давлат хизматлари “ягона дарча” тамойили асосида санокли дақиқаларда кўрсатилмоқда. Бу эса **“фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади”** тамойилининг самарадорлигини исботламоқда.

**Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам бу соҳанинг муҳимлигини тасдиқлайди.** Хусусан,

АҚШ Адлия вазирлиги ҳам Рақамли ривожланиш стратегиясини қабул қилган бўлиб, унинг учта асосий мақсади куйидагилардан иборат:

- ҳаммага исталган жойда, исталган вақтда ва исталган қурилмада юқори сифатли рақамли давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- янги рақамли дунёга ақлли, хавфсиз ва қулай тарзда мослашишни таъминлаш;
- бутун мамлакат бўйлаб инновацияларни рағбатлантириш ва Америка халқи учун давлат хизматларини яхшилаш.

Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси Европа адлия вазирлари ташаббуси билан суд вақтини бошқаришни оптималлаштириш ва суд жараёни сифатини оширишга ҳисса қўшиш мақсадида суд жараёнларини рақамлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва воситаларни ишлаб чиқмоқда.

Пандемия туфайли рақамлаштиришнинг аҳамияти ошди. Масалан, Руминия Адлия вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан биргаликда COVID-19 дан жабрланган яқка тартибдаги ишчиларга тўғридан-тўғри тўловларни тақсимлаш учун роботлаштирилган жараёнларни автоматлаштиришдан (РЖА) фойдаланган. Кўриб чиқилган 285 минг даъвонинг 96 фоизи автоматлаштирилган бўлиб, ҳар бир даъвога 36 сония вақт ажратилган, ушбу даъволарни қўлда кўриб чиқиш учун эса энг камида 20 дақиқа вақт талаб этилган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда 70 дан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш соддалаштирилди. Талаб қилинадиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага қисқартирилди. Худудларда давлат хизматлари марказларининг 145 та янги биноси қурилди. Агентликнинг 115 та филиали бориш қийин ва чекка худудларда очилди. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивида (ФХДЁ) 60 миллион қовоз маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши умуман электрон ҳукумат ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Агар 2014 йил якунлари бўйича БМТнинг

электрон ҳукуматни ривожлантириш даражаси бўйича рейтингда Ўзбекистон 0,4695 кўрсаткич билан 193 давлат орасида 100-ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йилги янги рейтингда (UN E-Government Survey) 69-ўринни эгаллади. Янги рейтингда Ўзбекистон — Бруней (68) ва Колумбия (70). Эски рейтинг (2020 йил) да Ўзбекистон 87-ўринда эди. Дания электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат мақомини сақлаб қолди. Кейинги ўринларда — Финляндия ва Жанубий Корея давлатлари жойлашди.

Икки йилда бир марта эълон қилинадиган рейтинг натижаларига кўра, инфратузилма султ ривожланаётганига қарамай Ўзбекистонда электрон хизматлар кўрсатиш яхшиланган. Ўзбекистоннинг электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (E-Government development index, EGDl) 0,66 ни ташкил этди (2018 йилда – 0,62), бу жаҳон ўртача кўрсаткичидан 0,60 га юқоридир.

EGDI учта кичик кўрсаткичдан иборат: телеком инфратузилмаси кўрсаткичи, инсон капитали кўрсаткичи ва электрон хизматлар кўрсаткичи. Ўзбекистонда бу кўрсаткичлар мос равишда 0,47, 0,74 ва 0,78 ни ташкил этди. Ушбу рейтингнинг дунёдаги етакчиси Дания – 0,97, Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Корея — 0,95. Марказий Осиё минтақасида эса Қозоғистон – 0,83 (2018 йилда – 0,75) етакчилик қилмоқда. Давлат хизматлари кўрсатишининг рақамлаштирилгани мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини яхшилашга ўз таъсирини кўрсатди. Агар 2017 йилда “Doing Business” глобал рейтингда Ўзбекистон 63,03 кўрсаткич билан 190 давлат орасида 87-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил якуни бўйича 69,9 кўрсаткич билан мамлакат 69-ўринни эгаллади. Шу билан бирга, бизнесни рўйхатдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Европа ва Американинг кўплаб давлатларини ортда қолдириб, 8-ўринни эгаллаб турибди. Бу давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасида эришилган ютуқларни яққол кўрсатиб турибди.

Адлия вазирлиги ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва қулайлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради ҳамда бу борада бюрократия ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олиш учун доимий мониторингни амалга оширади.

**Иккинчидан**, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда қайта алоқа воситаларидан самарали фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилди.

**Вазирликда “Ишонч телефони” (1008) фаолияти йўлга қўйилган. 2022 йил 1-чорагида жами 17 797 нафар жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу рақамга қўнғироқ қилинган бўлиб, шундан 16 453 та мурожаатларга малакали мутахассислар томонидан тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, 1 344 та мурожаатлар ўрганиш талаб қилганлиги сабабли ижрога қаратилган.**

Таркибий бўлинмаларга ижро интизомига қатъий риоя этиш, мурожаатларга жавобларни имкон қадар қисқа муддатларда юбориш талаби қўйилган. Бундан

ташқари бошқармаларнинг ишчи телефонларига иш вақтида неча марта қўнғироқ бўлгани ва шулардан қанчасига жавоб берилмаганлиги юзасидан автоматик статистика юритилади ҳамда вақти-вақти билан ахборот учун вазирлик раҳбариятига киритиб турилади ва ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинади.

**Учинчидан**, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлашда янги электрон тизим жорий этилди.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “УЗИНФОКОМ” МЧЖ билан биргаликда 2019 йил 1 январдан тест режимида глобал ахборот Интернет тармоқ тизимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича пилот лойиҳа тизими сифатида ишга туширилди (<https://project.gov.uz/>).

Мазкур тизим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини электрон шаклда келишиш (тасдиқлаш)ни таъминлайди, бу эса норма ижодкорлиги жараёнини осонлаштиради. Шунингдек, ушбу тизим орқали идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказишининг “Е- qaror” ягона электрон тизими яратилганлиги алоҳида эътиборга молик. Ушбу тизим 2021 йил 1 январдан бошлаб фаолият юритмоқда. Бугунги кунда мазкур тизимнинг маълумотлар базасида ҳокимларнинг 70 мингга яқин қарор ва фармойишлари, халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари жамланган.

Соҳада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларининг электрон тизими яратилганлиги туфайли фуқаролар уларнинг мазмун-моҳияти билан танишиш, ўз фикр ва тавсияларини билдириш имкониятига эга бўлди. Бу амалиёт маҳаллий органлар устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизmlарини яратди.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш портали (<https://regulation.gov.uz/>) ҳам ўзини ижобий томондан кўрсатди. Ўтган давр мобайнида 11 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Фойдаланувчилар томонидан порталга 39 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган бўлиб, улардан 500 дан ортиғи қабул қилинган.**

**Тўртинчидан**, адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилишда “очиқ адлия” тизими жорий этилди.

Ишга қабул қилиш, шу жумладан ходимларни аттестациядан ўтказиш, уларни лавозимга тайинлаш бўйича танловларни реал вақт режимида интернет орқали трансляция қилишнинг жорий этилганлиги кадрлар сиёсатининг шаффофлигини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Адлия органлари ва муассасаларига номзодларни ишга қабул қилишда ўтказиладиган танловлар вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эфирга узатилмоқда.

Адлия органлари ва муассасаларидаги бўш иш ўринлари учун онлайн платформа (<https://vacansy.adliya.uz/>) яратилди, унда бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида янгиланиб, тақдим этилади.

Аризалар ушбу сайт орқали онлайн равишда қолдирилиши, имтиҳон куни ва вақти тўғрисида <https://vacansy.adliya.uz> сайтидаги шахсий кабинет ҳамда СМС хабарнома орқали маълум қилиниш тартиби амалиётга жорий қилинган.

Вазирлик ҳайъати йиғилишлари оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида видеоконференцалоқа форматида ўтказилмоқда. Ҳайъатнинг очиқ мажлисларини ўтказиш режалари, жумладан, мажлислар кун тартибининг лойиҳалари, мажлис ўтказиладиган сана, жой ва вақт, иштирок этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайтда мунтазам равишда жойлаштирилади.

Жамоатчилик назорати ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, бу фуқароларнинг давлат органларига ишончининг асосий мезонларидан биридир.

Адлия вазирлиги фаолиятининг очиқлиги халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шундай қилиб, 2020 йилда вазирлик Ўзбекистон давлат органлари орасида биринчи бўлиб “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” ISO 37001:2016 коррупцияга қарши бошқарув халқаро стандарти сертификатига эга бўлди. 2021 йилда эса Адлия вазирлиги нафақат республикада, балки Марказий Осиё давлат идоралари орасида биринчилардан бўлиб “сифат менежмен-

ти тизими” ISO 9001 халқаро стандартига мувофиқлик сертификатига эга бўлди.

**Бешинчидан**, электрон ҳужжат айланиш тизими яратилди ҳамда ижро интизомини назорат қилиш тўлиқ рақамлаштирилди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан 2021 йилдан бошлаб қонун ҳужжатлари ва кўрсатмаларни пухта ўрганиш ва қабул қилиш, уларни амалга ошириш борасида самарали амалиётни шакллантириш бўйича шошилинч ва тезкор чора-тадбирларни кўриш мақсадида ташкилий-ижроия ва назорат фаолиятининг ягона тизими аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкорлик билан етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва узоқ муддатли вазифаларни самарали амалга ошириш (“[jro.gov.uz](http://jro.gov.uz)”) йўлга қўйилди.

Ушбу тизимни жорий этиш:


“Президент қарорлари – ижро ва назорат” рукнидаги қонун ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ва муҳокама қилиш ишларини ташкил этиш ҳамда жадаллаштириш, шу жумладан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази иштирокида қонун ҳужжатлари ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни “[jro.gov.uz](http://jro.gov.uz)” тизими орқали амалга ошириш, қонун ҳужжатлари ва кўрсатмаларни бажариш учун масъул ижрочиларни ҳамда муддатларини аниқлашнинг самарали тартибини жорий этиш имконини берди.

**Олтинчидан**, нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари фаолияти рақамлаштирилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан <https://e-notarius.uz> тизими ишга туширилган бўлиб, ушбу тизим орқали фуқаролар айрим нотариал ҳаракатни онлайн ёки нотариус билан шахсан учрашиб расмийлаштириши, ўзига қулай вақтда ва ўзи истаган нотариус қабулига ёзилиши, харитадан энг яқин нотариал идорани қидириши, олди-сотди, айирбошлаш ёки ҳадя этиш учун электрон ариза бериши, хизматлар бўйича маълумот олиши, ишончномаларни қидириш, берилган ишончномаларнинг ҳолатини текшириши мумкин.

16 ёшга тўлмаган ва биометрик паспорти бўлмаган вояга етмаганларга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бириктиришни таъминловчи “ФХДЁ ягона электрон архиви” тизими фаолият кўрсатмоқда. Бу орқали аризачининг оила аъзоларидан, ФХДЁ томонидан боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини бериш бўйича комплекс давлат хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Ушбу тизим бир вақтнинг ўзида туғилганликни қайд этиш, яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш ва боланинг туғилиши муносабати билан бир марталик нафақа олиш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятини назарда тутди.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, адлия органлари бутун давлат ҳокимиятини рақамлаштиришни ривожлантиришнинг фламанла-



ри ҳисобланади. Масалан, БАА Адлия вазирлиги ҳафтасига 24 соат, етти кунлик “Виртуал рақамли ариза” тизимини ишга туширди, бу эса судланувчиларга БАА мақсадларига эришиш доирасида судларга ўз аризалари ва сўровларини рақамли шаклда юбориш имконини беради. Давлат хизматлари стратегияси тизими иштирокчиларга синовдан исталган жойда ва исталган вақтда ҳеч қандай чекловларсиз ва рақамли каналлар орқали тезкор кириш имконини беради.

Исроил Адлия вазирлиги ўз тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқот олиб бормоқда. 2019 йилда вазирлик Исроил Патент идораси билан биргаликда интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш доирасида сунъий интеллектга асосланган қидирув тизимидан фойдаланиш бўйича тажриба дастурини ишга туширди.

Умуман олганда, ривожланган давлатлар тажрибаси рақамли технологиялардан фойдаланиш адлия органлари ва муассасаларининг иш самарадорлигини оширганлигини кўрсатмоқда.

**Еттинчидан**, вазирлик тизимида ички (таркибий бўлинма, ҳудудий орган ва муассасалар) ва ташқи (бошқа вазирлик ва идоралар билан) ҳужжат айланиши электрон форматга ўтказилди.

Вазирлик буюртмасига асосан [virtual.adliya.uz](http://virtual.adliya.uz) портали ишлаб чиқилган. Унда ҳужжатларни онлайн яратиш, ўзаро келишиш ва раҳбар томонидан имзоланиш имконияти мавжуд. Бу ҳужжатни ижрочилар билан ўзаро келишиш ҳамда раҳбардан имзоланиш учун кетадиган вақтнинг, қолаверса қоғоз ҳажмининг максимал даражада тежалишига олиб келади. Электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳужжат электрон (PDF) форматда е-хат тизими орқали ташкилот ва идораларга юборилади.

Яна бир портал – [hr.adliya.uz](http://hr.adliya.uz) тизими вазирлик тизимида ишловчи барча ходимлар ва кадрлар бошқармалари ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради.

[hr.adliya.uz](http://hr.adliya.uz) тизими орқали ходим таътилга чиқиш, моддий ёрдам, ишдан бўшаш ва шу каби кўплаб ҳужжатларни онлайн шакллантириши ва ижрога киритиши мумкин. Ходим томонидан киритилган ҳужжатлар тизимда автоматик равишда рўйхатдан ўтказилади. Бу вазирлик кадрлар хизматлари томонидан ходимларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган турли таъсир кўрсатиш механизмларининг олдини олади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, адлия органлари ва муассасалари тизимини рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш бу борада қуйидаги истиқболли йўналишларни аниқлаш имконини беради:

биринчидан, давлат хизматларини янада рақамлаштириш лозим. Ҳозирги вақтда хизматларнинг атиги 11 фоизи электрон кўринишда тақдим этилмоқда, чунки керакли маълумотлар мажмуаси рақамлаштирилмаган. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловасида атиги 30 турдаги хизматлар мавжуд. Улардан фақат 11 таси интерактивдир. Электрон идентификация ва электрон рақамли

имзо тизимидан кенг фойдаланилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини инобатга олган ҳолда электрон давлат хизматлари соинини кўпайтириш, шунингдек, барча 716 та давлат хизматларини инвентаризациядан ўтказиш, муддатларни қисқартириш, харажатларни камайитириш, давлат хизматларини кўрсатиш шартлари ва талабларини соддалаштириш зарур.

Иккинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали “виртуал адолат” тизимини янада амалий татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бу йўналишда жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш сифатини ошириш учун адлия органлари ва муассасаларининг маълумотлар базаларини рақамлаштириш зарур. Шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштириш, қоғозсиз электрон ҳужжат айланиши ва иш юритишни ташкил этган ҳолда барча маъмурий тартиб-қоидалар ва оператив жараёнларни рақамлаштиришни таъминлаш яхши натижа бериши мумкин.

Учинчидан, нотариат ва ФХДЁ органлари тизимида рақамлаштиришни давом эттириш керак. Эндиликда ягона электрон нотариал архив фондини шакллантириш ва идоравий нотариал архивларда сақланаётган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ пайдо бўлганлигини тасдиқловчи битимларни рақамлаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Шунингдек, электрон рақамли имзо ёрдамида, жумладан, видеоконференция орқали амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, адлия органлари томонидан рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилди, десак хато бўлмайди. Рақамлаштириш аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратди, фуқаролар санокли дақиқаларда турли хизматлардан фойдалана бошлади. Коррупция хавфи кескин камайди, очиқлик ва ошкоралик кучайди, бу ҳам оддий халқнинг ҳукуматга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

**Отабек ТОШЕВ,**  
ТДНУУ ўқитувчиси.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кристальный Б.В., Травкин Ю.В. Электронное правительство. Опыт США/ Под ред. В.И. Дрожжинова. - М.: Эко-Трендз, 2003;
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/09/11/anticorruption/>
3. <https://davxizmat.uz/uz/reports/davlat-xizmatlari-agentligiva-uning-hududiy-tuzilmalari-tomonidan-2020-yilda-amalga-oshirilgan-ishlar-haqida-tahliliy-malumat>
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/05/11/dxa/>
5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3454462>
6. Ягона интерактив давлат хизматлари портали – <https://my.gov.uz/uz>
7. [https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip\\_21\\_6387](https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip_21_6387)
8. <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-podnyalsya-na-13-pozitsiy-v-reytinge-doing-business/>
9. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4820060>
10. <https://e-notarius.uz>

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАМЗИЙ БЕЛГИЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзий белгилари, уларнинг турлари, ҳар бир рамзий белгининг моҳияти ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан логотиплардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек мадҳия ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзи сифатида эътироф этилиши мумкинлиги, рамзларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва бу жараёнда талаб этиладиган ортиқча ҳужжатларни қисқартириш масалалари таҳлил этилган ҳамда мавзуга оид муаллифлик таклифлари берилган.

**Калит сўзлар:** нодавлат нотижорат ташкилотлари, рамз, тасвир, қонун, эмблема, вимпел, логотип, мадҳия, давлат рўйхати, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва номоддий эҳтиёжларни қондириш ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади. Улар ўзларининг асосий фаолиятини жамоатчилик орасида олиб боришади, жамият аъзоларини ўз мақсадлари сари даъват этишади. Шу боис, улар ўзларини танитиб турувчи ва ўз гояларини тарғиб этувчи муайян рамзий белгиларга эҳтиёж сезишади.**

Рамз сўзи арабча “ишора қилмоқ” сўзидан олинган бўлиб, воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули ҳисобланади.

И.В.Мальцевнинг фикрича юридик фанда рамз тушунчасига “тасвир” сифатида эмас, балки кўпроқ “белги” ва “эмблема” тушунчасининг синоними сифатида қаралади.

Гарчанд нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгиларига ҳуқуқий таъриф келтирилмаган бўлсада миллий қонунчиликда рамзий белгиларнинг айрим турлари очиб берилиб, бунда нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, ушбу ҳар бир рамзий белгиларнинг тушунчаси ва бир-биридан фарқи миллий қонунчиликда очиб берилмаган.

Авваламбор эмблемага тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон миллий қонунчилигида “эмблема” сўзи 68 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлатилган. Бироқ, бирорта ҳужжатда эмблеманинг таърифи келтирилмаган.

Энциклопедик ва изоҳли луғатларда “эмблема” атамасига турлича изоҳ берилган.

Ҳуқуқшунос О.М.Кокореванинг фикрига кўра, “эмблема тушунчаси анча мураккаб бўлиб, қатор мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Баъзи ҳужжатлар маъносидан келиб чиқадики, эмблема бу нотижорат ташкилоти фаолиятининг пред-

мети ва мақсадларини акс эттирувчи маълум бир тасвирдир. Бунда, улар конкрет (масалан, чизилган дарахт – экологик ташкилот маъносида) ёки мавҳум (масалан, кўк ранг – қувонч ёки умид маъносида) бўлиши мумкин.

Бу тасвир, муайян мутаносибликлар ва рангларга эга бўлган алоҳида элементларнинг маъмуни ташкил этади (масалан, китоб ва қалам таълим муассасаси эмблемасини, кимонодаги иккита спортчи эса яққаурашни ривожлантирувчи ташкилот эмблемасини ўзида мужассам этади) ҳамда уларнинг мазмуни эмблеманинг тавсифида келтирилади”.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эмблемаси – уларнинг гоялари, мақсадлари, қарашларини рамзий ифода қилиш турувчи тасвир ёки ҳажмли шакллардир,– деган фикрга келиш мумкин.**

Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларидан бири сифатида “вимпел” кўрсатилган. Бироқ, қонунчиликда “вимпел” сўзининг ҳам маъноси очиб берилмаган.

Айрим изоҳли луғатларда “вимпел” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. “Вимпел – бирор нарсанинг белгиси сифатида хизмат қилувчи тор учбурчак шаклдаги байроқча ёки мато. Яна бир бошқа маъноси сифатида кемалар устунидан ўрнатиладиган уч қисми икки бурчакка бўлинган тор узун байроқ”.

Демак, вимпел ҳам аслида байроқ. Фақат у стандарт тўртбурчак байроқлардан фарқли равишда эркин шаклда бўлиши, ҳажми жиҳатдан кичикроқ бўлиши, турли тасмаларга эга бўлиши, турли эмблема ва логотипларни ўзида акс эттириши мумкин.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзларининг турлари қонун билан қатъий чеклаб қўйилмаган, балки улар “бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкинлиги” ҳақида ҳаволаки норма киритилган. Бу билан

нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари чексиз бўлишига ҳуқуқий шароит яратилган.

Хўш, нодавлат нотижорат ташкилотлари байроқ, эмблема ва вимпелдан ташқари яна қандай рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин?

Айрим олимлар “логотип”ни индивидуаллаштириш воситаси деб ҳисоблашади. Масалан, М.А.Селюкова логотипга юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаси сифатида қарайди ҳамда уни “товар белгисига яқин бўлган рамз” деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида “логотип” сўзи 75 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлатилган. Аксарият ҳолларда логотипдан муайян ташкилий тадбирларни тартибга солиш жараёнида фойдаланилган (Масалан: фестивал ва бошқа тадбирлар логотипини тайёрлаш, турли хил сертификатлар тавсифида логотипни акс эттириш, айрим ташкилотларни таъсис этишда уларнинг логотипга эга бўлиш ҳуқуқини кўрсатиш ва ҳоказо).

Айрим луғатларда логотипга “муайян фирманинг тўлиқ ёки қисқартирилган номини оригинал услубда махсус ишлаб чиқишдир” дея таъриф берилади.

Логотип – юнунча “из, тамға” маъносини билдириб, турли маъмурий ҳудудий тузилмалар, корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ўзини жамиятда танитиб туриш учун фойдаланадиган график белги, эмблема ёки рамзидир. Логотип ўзи ўхшатаётган, аниқлик киритаётган объектнинг моҳиятини муайян нақшга эга бўлган ҳарфлар кўринишида намоён этади.

Хўш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз логотипларини рўйхатдан ўтказишга мажбурми? “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг номи кўрсатилади. Амалиётда, кўпгина нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставида унинг ҳам тўлиқ ҳам қисқартирилган номи кўрсатилади.

Масалан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг

уставида ташкилотнинг қисқартирилган номи “O`zNNTMA” сифатида кўрсатилган.

Бироқ, Ассоциация ўзининг қисқартирилган номи туширилган тасвирга “япроқ” ва “қуёш”-нинг график кўринишидан фойдаланган ҳолда алоҳида ишлов берган ҳамда уни ташкилотнинг рамзий белгиси сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказган. Бундай ҳолатда Ассоциация тўғри йўл тутган. Чунки, эндиликда “O`zNNTMA” сўзлари шунчаки қисқартирилган ном эмас, балки ташкилотнинг рамзий белгисига айланган. Агар ташкилот ушбу рамзий белгисидан уни рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланганда эди, қонунга мувофиқ Ассоциация мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилишига сабаб бўлар эди.

Кўриниб турганидек, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан логотип сифатида қисқартирилган номдан фойдаланишнинг алоҳида эътиборли жиҳатлари мавжуд.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилоти уставида мувофиқ ўзининг номидан хоҳ у тўлиқ бўлсин, хоҳ у қисқартирилган бўлсин эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бунда номни алоҳида рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.**

**Бироқ, агар нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг номи туширилган сўзларга график ишлов бериш орқали ёки бошқача шаклда ушбу сўзлардан ўзини танитиб турувчи ва ўз гоёларини тарғиб этувчи белги сифатида фойдаланмоқчи бўлса, унда уни нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгиси сифатида эътироф этиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши лозим бўлади.**

Навбатдаги рамз сифатида мадҳияни кўрсатиш мумкин. Дунёда қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг мадҳияларига эга бўлиб, ундан ташкилотнинг гоёларини тарғиб этишда фойдаланишади. Масалан, кўпгина футбол клублари ва ассоциациялари уларни танитиб турувчи мадҳияларига эга.

Ўзбекистон қонунчилиги эса нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг рамзи сифатида мадҳиясига эга бўлиши мумкинлигини назарда тутмайди.

Баъзи луғат ва энциклопедияларда “мадҳия” сўзига турлича шарҳлар берилган.

Мадҳия – давлат ёки ижтимоий тузилманинг рамзи сифатида қабул қилинган тантанали кўшиқ. Умуман олганда, мадҳия бу мақтов кўшиғи, мусиқий ижро ҳисобланади.

Амалиётчи-мутахассис И.Дмитриевнинг фикрича мадҳия бу тантанали кўшиқ бўлиб, у кўпинча мусиқий тимсол сифатида ишлатилади.



А.С.Рябчикова ҳам нотижорат ташкилоти ўз мадҳиясига эга бўлиши мумкин ва у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак деган фикрни билдиради. Бизнингча, А.С.Рябчикова ушбу ҳолатда жуда тўғри хулосага келган. Мадҳия нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгиси сифатида эътироф этилар экан, албатта у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Худди шундай, Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзий белгилари сифатида ўз мадҳияларига эга бўлишлари мумкин деб ҳисоблаймиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгиларига аниқлик киритиш масаланинг бир томони бўлса, ушбу рамзий белгиларни расмийлаштириш асосий масала ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш шартми ва бундан мақсад нима? Таъкидлаш жоизки, “нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Яъни, Қонун рамзини албатта рўйхатдан ўтказиш шартлигини белгилайди. Бизнингча, бундан асосий мақсад соҳада давлат назоратини ўрнатишдир. Чунончи, рамзий белги жамиятнинг ахлоқий негизларини, умуминсоний қадриятларни емиришни, конституциявий тузумни қонунга зид равишда ўзгартиришни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг яхлитлигини бузишни, уруш ҳолатини, зўравонлик ва ёвузликни, ижтимоий, синфий, irqий, миллий ва диний душманликни авж олдиришни, қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа қилмишларни содир этишни тарғиб қилмаслиги лозим.

Қолаверса, рўйхатдан ўтказиш муайян нодавлат нотижорат ташкилоти рамзий белгисининг расман мавжудлиги фактини тасдиқлаш, рамзий белгиларнинг статистик ҳисобини юритиш ҳамда рамзий белгининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашни ҳам мақсад қилиб олган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини рўйхатдан ўтказиш учун нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ҳам талаб этилади. Маълумки, ушбу рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома муайян нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестрига киритилади.

Шундай экан, муайян нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳақиқатан давлат рўйхатидан

ўтганлиги ҳақидаги тўлиқ маълумот рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзида (Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестрида) мавжуд бўлиб, ушбу фактни текшириш учун ташкилот гувоҳномаси нусхасини талаб қилиш ортиқча ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунчиликдаги рўйхатга эътибор қаратадиган бўлсак, унда асосан нодавлат нотижорат ташкилотларининг визуал (қўзга кўринадиган) рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Ваҳоланки, юқорида нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзий белги сифатида ўз мадҳияларига ҳам эга бўлишлари мумкинлиги ҳақида хулосага келган эдик.

Шу сабабли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини:

**“...тантанали қўшиқ матни (агар мавжуд бўлса), мусиқий ижронинг нотали ёзуви ва фонограммасини ўз ичига олган CD, DVD дисклари ёки флеш-карта ёхуд бошқа ҳажмли қаттиқ диск — нодавлат нотижорат ташкилотининг мадҳиясини давлат рўйхатидан ўтказиш учун”** каби хат боши билан тўлдириш таклиф этилади. Қонунчиликдаги шу каби камчиликларнинг ўз вақтида тўғриланиши келажакда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

**Джаҳонгир ШИРИНОВ,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
қўмита раиси, мустақил тадқиқотчи.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни/ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда.
2. Селюков, М. А. Индивидуализация юридических лиц : дис. канд. юрид. наук : 12.00.03 / Селюков Михаил Алексеевич. – Белгород, 2006. С.114
3. Рябчикова А.С. Правовое регулирование средств индивидуализации некоммерческих организаций, Автореф. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. Москва – 2013, С.17
4. Мальцев И.В. Символы в праве и в юридической науке/ дисс. на соиск.канд. юр. наук – М.:2021. – С.28.
5. QOMUS.INFO onlayn ensiklopediya // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-r/ramz-uz/>
6. Толковый словарь Ожегова онлайн / <https://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=36255>
7. Кокорева О.М. “Государственная регистрация символики некоммерческих организаций: правоприменительная практика” / [https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/97/kokoreva\\_97\\_240\\_244.pdf](https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/97/kokoreva_97_240_244.pdf)
8. Большой юридический словарь / <https://juridical.slovaronline.com/>
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
10. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси устави (янги таҳрирда) / <http://ngo.uz/old/index.php/12-biz-a-imizda/108-znntmaning-ustavi>
11. Толковый словарь русского языка. С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведова / <http://ozhegov.info/slovar>
12. Дмитриев И. / [https://reg-nko.ru/article/Simvolika\\_NKO](https://reg-nko.ru/article/Simvolika_NKO)

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТАРАФЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАРГА КЎРА БЕКОР ҚИЛИШ

*Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатларининг Меҳнат кодексидagi тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, бу масалада Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексидagi нормаларни илмий жиҳатдан ўрганиш таҳлилнинг хронологик тарзда кечишига замин яратади.*

Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 39-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий асослари ўз аксини топган бўлиб, унга кўра меҳнат шартномаси тарафлар келишуви, ходим ёки иш берувчининг ташаббуси, муддатнинг тугаши билан ва тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш асослари эса Тожикистон Меҳнат кодексининг 48-моддасида кўрсатилган. Мазкур ҳужжатга биноан:

- ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши ёки ўташи;
- ваколат муддатининг тугаши;
- шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши;

- суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлса, унга асосан ходим ёки иш берувчи – жисмоний шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, суднинг шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги қарори меҳнат муносабатларини давом эттиришни истисно қилган ҳолларда;

- ходим ёки иш берувчи - жисмоний шахс вафот этганлиги, шунингдек суд томонидан ходим ёки иш берувчи - жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинган ёки суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганлиги муносабати билан;

- ишга қабул қилишнинг белгиланган қоидалари бузилган тақдирда;

- Тожикистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда меҳнат шартномаси тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Ушбу асослар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексидagi асослар билан бир хил бўлса-да, камчиликлардан холи эмас. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 168-моддасида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари аниқ белгиланибгина қолмай, ушбу асосларни истисно қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам ёритиб берилган. Яъни, ишга қабул қилишда белгиланган қоидаларнинг бузилиши агар ходим томонидан ишни давом эттиришга тўсқинлик қилсагина у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади. Тожикистон Меҳнат кодексида бу ҳол назарда тутилмаганлиги ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини чеклаши табиий ҳол.

Шу билан бирга, айтиб ўтишимиз жоизки, Тожикистон Меҳнат кодексида ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши ёки ҳарбий хизматни ўташи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади дейилган. Бундан келиб чиқадики, ҳарбий хизматга чақирилиш билан уни ўташ бевосита фарқланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида эса ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилишигина асос сифатида келтириб ўтилган. Муаммо шундаки, ҳарбий хизматга чақирилган ҳар бир фуқаро ҳарбий хизматни ўтамаслиги ҳам мумкин.

Белорусь Меҳнат кодексининг 44-моддаси бевосита меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш асосларига бағишланган бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд бўлиши ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор бўлишига олиб келади, булар:

1) ходимни ҳарбий хизматга чақириш, ходимни муқобил хизматга юбориш;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши;

3) ишга қабул қилишнинг белгиланган қоидалари бузилганлиги;

4) лавозимга сайланмаслик (шу жумладан, танлов асосида ҳам);

5) ходимни жазога маҳкум қилувчи суд ҳукмининг ёки давлат ҳимоясида бўлган болаларни моддий таъминлаш учун давлат томонидан қилинган харажатларни қоплаш мақсадида ходимни ишга жойлаштириш тўғрисидаги суд қарорининг кучга кириши, агар бу ходимнинг ўз ишини давом эттиришга тўсқинлик қилса;

6) ходимнинг вафоти, уни суд томонидан бедарак йўқолган деб тан олинishi ёки вафот этган деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, жисмоний шахс бўлган иш берувчи (ишга ёлловчи)нинг вафот этиши.

Кўриниб турибдики, Беларусь Меҳнат кодексида ҳам берилган асослар ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ушбу давлат меҳнат қонунчилигига асосан, лавозимга сайланмаслик ёки тайинланмаслик меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида эса ушбу асос 169-моддада белгиланган бўлиб, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий асосларидан биридир. Демак, мазкур масалани таҳлил қилиш

ва амалдаги Меҳнат кодексидаги шундай ҳолатларни янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади.

Шу билан бирга, Белорусь Меҳнат кодексида ходимнинг фақатгина вафот этиши эмас, балки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши, бедарак йўқолган деб топилиши ҳам у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келар экан.

Шунингдек, агар иш берувчи жисмоний шахс бўлса ҳам унинг вафот этиши ходимлар билан меҳнат муносабатларини тугатилишига олиб келиши назарда тутилган. Аммо ворислик масаласи бўлиши мумкинлиги кодексда аниқлаштирилмаган.

Айрим хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Испания)да ходим ва иш берувчининг (агар у жисмоний шахс бўлса) вафоти меҳнат шартномасининг умумий асосларда бекор бўлишига сабаб бўлади.

Озарбайжон Меҳнат кодексида эса меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш асослари 74-моддада ўз аксини топган бўлиб, унга кўра меҳнат шартномаси тарафларнинг ихтиёри ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1. Ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилиши;

2. Шу ишда (лавозимда) илгари ишлаган ходимни ишга (лавозимга) тиклаш тўғрисидаги суд қарорининг кучга кириши муносабати билан;

3. Ходимнинг узлуксиз олти ойдан ортиқ муддатгача меҳнат қилишга бутунлай лаёқатсиз бўлиб қолганлиги сабабли меҳнат вазибаларини бажариш имконининг йўқлиги, агар қонунчиликда бундан узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса;

4. Ходимни транспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазо-ларига маҳкум қилувчи суд ҳукмининг кучга кириши;

5. Ходимнинг муомалага лаёқатсизлиги кучга кирган суд қарори билан тасдиқланиши;

6. Ходимнинг вафот этиши, қонуний кучга кирган суд қарори билан уни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилиш;

7. Агар ушбу ташкилотда илгари ишлаган ходим муддатли ҳарбий хизматдан заҳирадан бўшатилиши муносабати билан илгариги ишлаган иш жойини қайтариш ҳуқуқидан фойдаланса;

8. Қонун ҳужжатларида бундай фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахс билан педагогик фаолият учун меҳнат шартномасини тузиш факти аниқланганда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатирилган ходимни ишга тиклаш масаласи ва у суд қарори билан ишга тикланганда унга олдинги иш жойи (лавозими) ёки шунга тенг иш жойи (лавозими) берилиши лозимлиги қонуний тарзда белгилаб қўйилган. Бунда унинг иш жойини банд қилган

ходимни ишдан бўшатишда унга бериладиган кафолатлар ушбу қисмда ёритилмаган. Шунингдек, Озарбайжон Меҳнат кодексидаги бу асослар кенгайтирилган шаклга эга эканлиги ҳам диққатга сазовор.

Эътибор қаратадиган бўлсак, ходимнинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши, муомала лаёқатини йўқотиши ва шу билан бирга транспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ҳам у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишига олиб келиши бевосита ўз аксини топган. Бунда юқоридаги ҳолатлар юзасидан тиббий хулоса, шунингдек суд қарори бўлиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш – бу учинчи шахсларнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир.

Ҳуқуқшунос С.Й.Филчакова эса ўзининг илмий ишида учинчи шахс сифатида давлатни ҳам тушуниш керак дейди, бунда давлат ўзининг ваколатли органлари: ҳарбий комиссариат, меҳнат инспекцияси ёки суд орқали иштирок этади.

Бундан ташқари, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асослар билан бекор қилиш ҳар доим ҳам учинчи шахсларнинг ташаббуси билан бўлмайди. Бунда ҳатто давлат органлари ҳам ташаббускор бўлмалиги мумкин. Масалан, ходимнинг вафот этиши ва унинг вафотини тасдиқловчи гувоҳноманинг мавжудлиги у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи юридик факт ҳисобланиб, ҳеч қандай учинчи тарафнинг ташаббуси ҳам, иродаси ҳам аҳамиятга эга эмас.

**Достонжон МУРОДУЛЛАЕВ,**

*Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник для вузов. М.: Дело, 1999. С. 370-371;
2. Фильчакова С.Ю. Прекращение трудового договора по обстоятельствам, не зависящим от воли сторон. Дисс. канд. юр. наук. – М., 2003. – С. 12;
3. Киселев И.Я. Трудовое право России и зарубежных стран. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2005. – С. 353;
4. Л.А.Андреева, К.Н.Гусов, О.М.Медведев. Незаконное увольнение. Научно-практическое пособие. – М.: 2014. – С. 13. //www.juristlib.ru.
5. Stephan Hardly, Mark Butler. European Employment Laws: A comparative guide (3rd edition). Great Britain. Ltd by: Short Run Press, 2016. – P. 113-142;
6. Национальный центр законодательства при Президенте Республики Таджикистан – <http://ncz.tj/legislation>.
7. Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь – <https://pravo.by/>.
8. Национальный правовой Интернет-портал Республики Азербайджан – <https://republic.preslib.az>.
9. Научный центр правовой информации при Министерстве юстиции Российской Федерации – <http://www.scli.ru>.
10. Официальный сайт Парламент Республики Молдова – <https://www.parlament.md>.
11. Информационно-правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан – <https://adilet.zan.kz>.

# ЖИНОЯТ ИШИГА ЖАЛЬ ЭТИЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ва гумонланувчи ёки айбланувчининг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар ёки жавобгар бўлмаган бошқа шахсларнинг мол-мулкни хатлаш бўйича процессуал фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** хатлаш, терговчи, суриштирувчи, айбланувчи, зарар, мол-мулк, баённома, далиллар, миқдор

## АННОТАЦИЯ:

в статье изложен авторский взгляд на правоотношения, возникающие при производстве процессуальных действий по наложению ареста на имущество подозреваемого, обвиняемого или лиц, виновных в своих действиях, а также подозреваемого, обвиняемого или лиц, не несущих юридическую ответственность за своих действий. Также, разрабатываются предложения и рекомендации чтобы заполнить существующие пробелы в уголовно-процессуальном законодательстве.

**Ключевые слова:** арест на имущество, следователь, дознаватель, обвиняемый, ущерб, имущество, протокол, доказательства, размер

**Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида аслида гумонланувчи ёки айбланувчига тегишлилиги бўйича етарли асос бўлиб, аммо бошқа шахслар ихтиёрида бўлган мол-мулклар ҳам хатланиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бунда, мазкур мулкнинг жиноий йўл билан топилган ёки топилмаганлиги муҳим эмас. Муҳими учинчи шахслар тасарруфида бўлган мулкнинг гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли эканлиги. Эътиборга олиниши керак бўлган битта жиҳати, агарда учинчи шахсларда бўлган мол-мулк гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида қўлга киритилган бўлса, мулк мазкур учинчи шахслардан тортиб олинади ва тегишлилигига қараб ҳақиқий эгасига қайтарилди. Мол-мулкни инсофли эгалловчига эса кўрган зиёни унидириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади.**

Шу ўринда таъкидлаш керакки, “етарли асос” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ёки асоснинг етарли эканлигини белгилловчи мезонлар юзасидан жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ меъёр ёки бошқача тушунтириш келтирилмаган. Одатда, мол-мулк амалда гумон қилинувчи ёки айбланувчига тегишли бўлсада, мулк ҳуқуқи қонуний, лекин сунъий равишда учинчи шахсларга ўтади. Буни аниқлаш механизми қонунчилигимизда белгиланмаган. Жиноят иши ҳолатлари, исботлаш предметдан келиб чиқиб, ишни юритаётган шахснинг ўзи далилларга баҳо беради. Суриштирувчи, терговчи биринчи навбатда гумон қилинувчи, айбланувчи ва учинчи шахслар ўртасидаги битимнинг сохталлигини исботлаши керак бўлади.

Суриштирувчи ёки терговчи мол-мулкнинг гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида топилганлигини, жиноят содир этиш қуроли сифатида мўлжалланганлиги ёки терроризм, экстремистик фаолият, уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшмани молиялаштиришда фойдаланилганлиги тўғрисида етарли маълумотларни тўплай олиши керак. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пле-

нумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида гумонланувчи ва айбланувчига тегишли, лекин бошқа шахсларда бўлган мол-мулкка ҳам ушбу мулк амалда гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, тақиб солиниши мумкинлиги белгиланган.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, учинчи шахслардаги гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мол-мулки айнан унинг содир этган жинояти натижасида қўлга киритилган бўлиши шарт эмаслиги, балки ҳар қандай унга тегишли бўлган мулк назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида ўрнатилган мазкур қоида гумон қилинувчи, айбланувчининг мулк ҳуқуқини тўғридан тўғри поймол қилади. Негаки, нафақат бошқа шахслар ихтиёрига ўтиб кетган, балки гумон қилинувчи, айбланувчининг тасарруфида бўлган мол-мулки ҳам агарда унинг содир этилган жиноятига алоқадор бўлсагина хатланиши керак.

Аксарият хорижий давлатларда, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ҳамда Россия Федерацияси қонунчилигида гумон қилинувчи ва айбланувчи бўлмаган бошқа учинчи шахслар ихтиёридаги мол-мулклар, агарда ушбу мол-мулклар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноий қилмишлари натижасида қўлга киритилган бўлса ёки жиноят қуроли сифатида фойдаланилган бўлса, хатланади.

Жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилмаган, умуман қонуний йўл билан топилган мол-мулк дахлсиз бўлиши керак. Бизнингча, бошқа шахслар ихтиёрида бўлган ва гумон қилинувчи ёки айбланувчига тегишли бўлган мол-мулк гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноий фаолияти натижасида қўлга киритилганлиги тўғрисида етарли асослар бўлган тақдирдагина хатланиши зарур. Айнан шу масала бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий жиноятларни тергов қилишда шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноят процессида мол-мулкни хатлаш мажбурлов ҳусусиятига эга жиноят натижасида бузилган мулккий ҳуқуқларни тиклашда асосий процессуал восита

ҳисобланади. Хатлаш тартибини белгилашда процессуал қонунчилик етарли даражада бу масалани тартибга солган бўлсада ҳуқуқни қўлловчи ходимлар бир қатор долзарб муаммоларга, хусусан бошқа шахслар ихтиёрига ўтиб кетган мулкни хатлашда, шунингдек "ҳукмнинг бошқа мулкий ундиришларга доир қисми" юзасидан аниқ тушунтириш берилмаганлиги учун баъзи қийинчиликларга учрашмоқда.

Бундан ташқари, тергов амалиётида юқорида таъкидланганидек гумон қилинувчи ёки айбланувчига тегишли бўлган барча мол-мулк хатланади. Бунинг учун мазкур мол-мулклар содир этилган жиноятга дахлдор бўлиши шарт эмас. ЖПКнинг 293-моддасида мол-мулкни хатлашда баённомага қиймати зиёни қоплаш учун етарли мол-мулк киритилган бўлсада, терговчилар ўз ваколат доирасидан ташқарига чиқиб, зарар қийматини тўлиқ ҳисобламасдан туриб айбланувчининг мулкни хатлайди. Айбланувчи томонидан мулкнинг олинис вақти ва усуллари (мерос, совға ва б.) ўрганилмасдан хатлов ўтказиш ҳоллари кўп учрайди.

Бизнингча, жиноят ишига жалб этилмаган, лекин пул маблағлари ёки бошқа мулкларни хатланган учинчи шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини чеклаш бўйича терговчиларнинг фаолиятини тартибга солиш зарур. Терговчи бундай ҳолларда мулкни хатланаётган бошқа шахсларни оғохлантириши ва уларни жиноят иши бўйича фуқаровий жавобгар сифатида эътироф этиши керак. Чунки у ЖПК 58-моддасига мувофиқ, айбланувчи томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс ҳисобланади.

Бизнингча, мол-мулкни хатлашда гумон қилинувчи, айбланувчининг ота-онаси, фарзандлари ёки бошқа шахслар билан биргаликда эгалик қиладиган улуши инobatта олинис керак. Аммо, айнан шу масалада суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судларга нисбатан қонунчилигимизда бирор мажбурият юклатилмаган. Хатлашдан олдин мулкнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш, масалан мулк ҳақиқатда турмуш ўртоғига тегишли ёки турмуш ўртоғининг маблағлари эвазига сотиб олинганлиги аниқланадиган бўлса уни хатламаслик мақсадга мувофиқ. Грузияда агарда мол-мулк жиноий йўл билан топилган маблағлар эвазига тўлиқ ёки қисман қўлга киритилган бўлса, мазкур мулкнинг шунга мос равишда тўлиқ ёки тегишли қисми хатланади. Молдовада хатланиши керак бўлган мулк умумий мулкнинг маълум миқдордаги улушини ташкил этадиган бўлса, фақат шу улушгина хатланади ёки Арманистон Республикасида агарда мулк оиладаги ёки эр-хотин ўртасидаги умумий мулк бўлса, фақат айбланувчининг улуши мавжуд бўлган қисмигагина хатлов қўйилади. Умумий мулкнинг жиноий йўл билан топилган маблағлар эвазига қўлга киритилганлиги ёки кўпайтирилганлиги тўғрисида етарлича маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда оиланинг ёки эр-хотиннинг бутун мулкни ёки унинг муайян қисми хатланади (ЖПК 232-модда). Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 248-моддасида бошқа шахслар билан биргаликда умумий бўлган мулкнинг айбланувчига тегишли улуши хатланиши белгиланган.

Халқаро стандартларда ҳам жиноий даромадлар қонуний манбалардан олинган мол-мулкка қўшиб олинган бўлса, у ҳолда мол-мулкнинг қўшиб олинган даромадларнинг баҳоланган қийматига мувофиқ бўлган қисми зарар етказилмаган ҳолда мусодара қилиниши кераклиги назарда тутилган. Суриштирувчи, терговчилар томонидан эр-хотиннинг икка-

ласи томонидан топилган мол-мулкка ҳам хатлов қўйилади. Аммо, турмуш ўртоғи ўртадаги мулкдаги улушини никоҳгача бўлган даврда орттирган бўлиши, никоҳгача бўлган даврда совға қилинган ёки мерос сифатида қолдирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда гумон қилинувчи, айбланувчи (фуқаровий жавобгар)нинг хатланаётган мулкда никоҳдан кейинги улуши борлигини аниқлаш жуда қийин масала.

Эр-хотиннинг биргаликдаги мулкни хатлашдан олдин унда гумон қилинувчи, айбланувчининг улушини аниқлаш зарур бўлади. Мазкур масала жиноят-процессуал қонунчиликда аниқ тартибга солилмаганлиги сабабли суриштирувчи, терговчиларда ҳам умумий мулкни бўлиш имконияти белгиланмаган. Фикримизча, мол-мулкни хатлаш жараёнида мазкур масалалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан инobatта олинис керак.

Шуни қайд этиш жоизки, тергов амалиётида жиноят ишини юриштишга масъул шахслар томонидан мулкнинг ўғирланганлиги ва унинг сақланишини таъминлаш етарли даражада ташкил этилмайди. Ҳар доим ҳам жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк, пул маблағлари, қимматли қоғозларни тасарруф қилиш йўллари аниқланмайди ёки жиноий даромадларни легаллаштириш бўйича хатти-ҳаракатларнинг олди олинмайди, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар, уларнинг қариндошлари ва яқин танишларининг мол-мулкнинг келиб чиқиши юзаки ўрганилади.

Бундай камчиликлар эса, ўз навбатида тергов давомида маълумот олиш муддатининг узайишига, бу вақт давомида эса гумон қилинувчи, айбланувчиларда мулкни яшириш ёки ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини тасарруф қилиш имкониятини кенгайтиради.

Суриштирувчи, терговчи хатловни амалга ошириш жараёнида сўралаётган даъво ёки етказилган мулкнинг зиёнининг миқдоридан келиб чиқиши керак бўлади, яъни фуқаровий жавобгарнинг барча мол-мулкни хатлаш шарт эмас, зарарни қоплаш учун етарли бўлган мулкни хатлашнинг ўзи кифоя қилади. Агарда фуқаровий жавобгарнинг мулкларни қиймати, миқдори етказилган зарар қиймати, миқдоридан сезиларли даражада юқори бўладиган бўлса, фуқаровий жавобгарда айнан қайси мулкларни хатлаш масаласида танлов бўлиши керак.

Бундан ташқари, мазкур нормадаги "етарли" сўзини турлича талқин қилиш мумкин: етказилган зарарга тенг қийматдаги мулк хатланиши керакми ёки зарарни қоплаш учун етарлича (ошиқча) миқдорда хатланиши керакми? Умуман олганда, моддий қимматликларни хатлаш тартиби бўйича суриштирувчи, терговчининг ўзи сўнгги қарорни қабул қилади.

**Лайло НАЗАРОВА,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мойоров С. управляющий партнер адвокатской фирмы "SIMAY KOM". <http://advokatnews.uz/xabar/1714.html>
2. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852&pos=3195;-54#pos=3195;-54](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=3195;-54#pos=3195;-54)
3. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112308>
4. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_docLAW34481/b3c428e72da1062272e88f898f6d26b9c2469e4d/](http://www.consultant.ru/document/cons_docLAW34481/b3c428e72da1062272e88f898f6d26b9c2469e4d/)
5. <https://www.matsne.gov.ge/ru/document/download/90034/37/ru/pdf>
6. [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397729#pos=2708;-23](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=2708;-23)
7. [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420280#pos=3576;-60](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280#pos=3576;-60)
8. Полвонов, Н. (2023). Мусодара институтини қўллашда исбот қилиш масалалари. Цифровизация деятельности судов: текущие и перспективные задачи, 1(1), 175–179. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/digitalization-activity-courts/article/view/16615>

# КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада суғурта жисмоний шахслар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш тизими сифатида бозор иқтисодиётининг муҳим элементи эканлиги борасида фикр юритилади. Негаки, суғурта муайян ҳолатлар натижасида етказилган зарарни қоплашнинг энг мослашувчан механизми ҳисобланади, чунки суғурта тўловлари қисқа вақт ичида ва суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасидаги шартномада белгиланган миқдорда амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** касбий жавобгарлик, суғурта, зарар, шартнома, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, мол-мулк, мулкӣ манфаат, профессионаллик.

**Мамлакатимизда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳали иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланмаган, аммо аста-секин бундай ролга яқинлашмоқда. Бунинг сабаби мамлакат аҳолиси асосий қисми ҳуқуқий маданиятининг етишмаслиги, маҳаллий суғурта ташкилотларининг тажрибаси камлиги, касбий ўқитилган кадрлар билан таъминлашдаги қийинчиликлар, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда хатоликларнинг мавжудлиги, аҳолини ва юридик шахсларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишни рағбатлантиришнинг хусусан, суғурта имкониятларидан ва айниқса фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдан кенгроқ фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.**

Адабиётларда хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда таъкидланганидек, касбий жавобгарликни суғурталаш иккита мақсадни кўзлайди: миждозни зарар етказган касбий фаолият субъектининг тўловга лаёқатсизлигидан ҳимоя қилиш ва касбий хато юзага келган тақдирда ушбу субъектни ҳалокатдан ҳимоя қилиш.

Бугунги кунга келиб касбий жавобгарликни мажбурий суғурталашнинг хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг жавобгарлигини суғурталаш; туристик маҳсулотни сотиш шартномаси бўйича туроператорнинг жавобгарлигини суғурталаш; кадастр муҳандисининг кадастр иши буюртмачисига жавобгарлигини суғурталаш; баҳоловчининг касбий жавобгарликни суғурталаш; суд бошқарувчисининг жавобгарлигини суғурталаш каби турлари қонуний равишда белгиланди. Шунингдек, адвокатлар ва аудиторлар тегишли хизматларини кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ўз жавобгарлигини ихтиёрий равишда суғурталашлари ҳам мумкин. Шундай бўлсада, мамлакатимизда касбий жавобгарликни суғурталаш институтини тўлиқ шаклланган ва ҳар томонлама амал қилади, деб бўлмайди. Касбий жавобгарлик суғуртасини фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг бир тури сифатида ажратиш зарурлиги ҳақидаги савол доктринада ҳали ўз ечимини топмаган.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг умумий жиҳатларини аниқлайдиган меъёрий чегара-

лар мавжуд эмас. Айрим қонунчилик ҳужжатлари тизимсизлик ва касбий жавобгарликни белгилашда фрагментарлик билан ажралиб туради. Муайян касб эгаларининг контрагентлар олдидagi мажбуриятларини кафолатлаш зарурати ва қонунда назарда тутилмаган ҳолларда шартнома бўйича жавобгарликни суғурталашни тақиқлаш амалда деликт жавобгарлигини суғурталаш (қонунни четлаб ўтиш), бизнес хатарлари ёки мол-мулкни суғурталаш бўйича шартномалар тузишга олиб келади. Ушбу масала бўйича суд амалиётида ягона ва умумий ёндашув шаклланмаган.

Бир қатор судлар деликт жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларини қонунчиликда мавжуд тақиқ бўлишига қарамасдан шартномавий жавобгарликни суғурталаш сифатида тан олиб, уларни ҳақиқий битим сифатида талқин этишмоқда, бошқа судлар эса деликт жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тарафлар назарда тутган касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини яшириш учун қилинган қалбаки битимлар деб билишади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқни қўллаш муаммолари касбий жавобгарликни суғурталаш учун асосий бўлган қуйидаги масалаларнинг тўлиқ рўйхати бўйича қонунчилик томонидан тартибга солилмаганлиги ва доктринавий яқдилликнинг мавжуд эмаслиги натижасидир.

**1. Касбий фаолиятнинг таърифи.** Ташувчи, депозитарий, ипотека билан таъминланган облигациялар эмитенти, клиринг ва микромолия ташкилотлари, оммавий аукционлар ташкилотчиси ёки қурилишда улушли иштирок этиш шартномаси бўйича ишлаб чиқувчи каби ташкилотлар касбий фаолиятга тегишлими ёки тегишли эмасми?, – деган саволнинг жавоби мавжуд эмас. Ҳатто, доктринада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни профессионал субъектлар сифатида таснифлаш зарурлиги тўғрисида мунозарали фикрлар ҳам мавжуд.

Баъзилар касбий субъектларни шартнома бўйича жавобгарликни суғурталаш имконияти мезони бўйича ажратадилар. Бундай субъектларга (юқорида санаб ўтилганлардан ташқари) қуйидагилар киради: ипотека таъминоти бўйича бошқарувчи, ипотека қимматли қоғозлари эгаларига ихтисослаштирилган депозита-

рий ва рўйхатга олувчи, ихтисослаштирилган депозитарий ва ҳарбий хизматчилар учун уй-жойларнинг жамғариб бориладиган ипотека тизимини бошқариш компанияси, туроператор, жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш оператори ва бошқалар.

Бироқ, ушбу мезонни қўллаш асосли эмас, чунки касбий фаолият билан шуғулланадиган субъектнинг жавобгарлиги мижозга (хизмат буюртмачисига) ҳам, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин, энг муҳими, касбий фаолиятни амалга ошириш шартнома муносабатларини ўрнатиш орқали ҳам, уларсиз ҳам содир бўлади (масалан, тиббиёт мутахассислари томонидан фаолиятни амалга ошириш). "Истеъмом кредити тўғрисида"ги қонун истеъмом кредитларини тақдим этиш бўйича касбий фаолият таърифини ўз ичига олади. "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги модел қонунда қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг таърифи мавжуд. Ушбу тушунчалар фақат юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсадлари учун ўрнатилганлиги сабабли, улар асосида касбий фаолиятнинг тармоқлараро таърифини шакллантириш мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар қандай касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини ёдда тутиш керак, бу эса ҳар қандай касбий фаолиятга хос бўлган умумий хусусиятларни тушунишни қийинлаштиради. Доктринада касбий фаолиятнинг қуйидаги таърифини топиш мумкин: "бу субъектнинг компетенциясини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи асосида маълум бир касбий соҳада амалга ошириладиган инсон фаолиятининг бир тури бўлиб, режалаштирилган натижаларга эришишга қаратилган ва қоида тариқасида, касбий фаолият субъектининг асосий даромад манбаи ҳисобланади".

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқий муносабатлардаги заиф томоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Адабиётларда ҳамма ҳам бу фикрни қўллаб-қувватламайди, чунки "касбий жавобгарликни суғурталаш орқали зарар етказувчининг мулкий манфаатлари ҳимоя қилинади". Юқоридаги баёнот муаллифи суғурта фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули деган позицияни ҳимоя қилади. Ушбу суғурта тури суғурталанган шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилган тақдирда амалга оширилишини ҳисобга олиб, биз суғурта ҳақида фақат профессионал шахс контрагентининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида гапиришимиз мумкин.

**2. Касбий фаолият субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш.** Юридик шахсларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш имконияти мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Фақатгина жисмоний шахслар ўзларининг касбий жавобгарлигини суғурталашлари мумкин, чунки ташкилотлар касб эгалари ҳисобланмайдилар.

ФКнинг 989-моддасига мувофиқ, юридик шахс ходимига меҳнат (расмий) мажбуриятларини бажаришда етказилган зарар юридик шахс томонидан

қопланади. Шунга асосланиб, юридик шахс ўз ходимининг меҳнат (хизмат) вазифаларини бажаришда етказилган зарар учун учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга ҳақлидир. Ушбу суғурта тури, таснифга мувофиқ, жавобгарликнинг бошқа турларини суғурталашни англатади. Ходимнинг касбий хатоси учинчи шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо у ушбу шахслар олдида жавобгар бўлмайди, чунки қонун бўйича у иш берувчига юклатилган.

Қонунчиликда касбий жавобгарлик субъектлари тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Суғуртанинг ушбу турида суғурта қилдирувчи томонидан субъект таркибини чеклашнинг исталмаганлиги позициялари кўпинча фақат жисмоний шахслар томонидан ифодаланади. Далил сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- *ФК ва "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунда юридик шахсларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашга тақиқ йўқ;*

- *амалдаги қонунчилик юридик шахсларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш имконияти бўйича позицияни амалга оширади. Масалан, "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддаси учинчи қисмига мувофиқ туроператорлар ўзларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашлари шарт, айни пайтда ушбу қонуннинг 20-моддаси иккинчи қисмига кўра туроператорлик фаолияти-бу юридик шахс томонидан амалга ошириладиган туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб қилиш ва сотиш фаолиятидир;*

- *юридик шахс уйдирма субъект бўлганлиги сабабли, ҳар қандай иқтисодий фаолият тури ташкилот ходимлари томонидан амалга оширилади. ФКнинг 241-242-моддаларига биноан қарздор ходимларининг ўз мажбуриятларини бажариш бўйича ҳаракатлари қарздорнинг ҳаракатлари ҳисобланади. ФКнинг 241-моддасига мувофиқ, қарздор, агар қонун билан тўғридан-тўғри ижрочи бўлган учинчи шахс жавобгар эканлиги белгиланмаган бўлса, ижро этиш топширилган учинчи шахслар томонидан мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгардир;*

- *юридик шахсларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш манфаатлар мувозанатини сақлаш ва заиф томон сифатида бенефициарнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш учун зарурдир.*

Айнан жавобгарлик вужудга келишининг сабаблари бизни фақат жисмоний шахсларга касбий жавобгарлик суғуртасини қўллаш зарурлиги тўғрисида келишишга ундайди. Муайян касб эгаларининг (масалан, баҳоловчилар, суд бошқарувчилари) ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларнинг аъзолари сифатида мажбурий иштирок этиш ташкилотларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш учун зарур шарт-шароитларни яратмайди.

**3. Касбий жавобгарлик суғуртасини жавобгарликни суғурталашнинг тури сифатида тақсимлаш.** Касбий жавобгарлик-бу касбий субъект томонидан ўз касбий вазифаларини лозим даражада

бажармаганлиги сабабли юзага келадиган юридик жавобгарликдир.

Касбий жавобгарлик ўз табиатига кўра маъмурий, жинойий, фуқаролик ва интизомий бўлиши мумкин.

Лицензияни бекор қилиш, касбий фаолиятни тақиқлаш, адвокат мақомини бекор қилиш – бу профессионал субъект томонидан ўз вазифаларини нотўғри бажариш оқибатларининг баъзи рўйхати ҳисобланади.

Шу билан бирга, касбий жавобгарлик мижозга етказилган мулкий зарар бўлмаган ҳолларда ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, пуллик тиббий хизматларни кўрсатиш қоидаларини бузган ҳолда тиббий хизмат амалга оширилган ва тиббий ташкилотлар моддий ёки инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмаган бўлса, интизомий жавобгарлик ёки маънавий зарарни қоплаш кўринишидаги жавобгарлик кузатилиши мумкин.

ФКнинг 916-моддаси биринчи қисми қоидаларидан англашилишича жинойий ёки маъмурий жавобгарлик хавфини суғурта қилиш, интизомий-моддий бўлмаган оқибатларнинг катта миқдори туфайли мумкин эмас. Бундай ҳолларда билвосита салбий мулкий таъсир беҳисоб ва шунга мос равишда суғуртага ўтказиб бўлмайди. Шунинг учун, касбий жавобгарликни суғурталаш ҳақида гап кетганда, бу фуқаролик-ҳуқуқий касбий жавобгарликни англатади.

Ўз навбатида, фуқаролик жавобгарлиги шартнома ва деликт жавобгарлигига бўлинади. Зарарни қоплаш ФКнинг 24-боби нормаларига мувофиқ ёки ФКнинг 57-бобига мувофиқ ҳисобланиши мумкин. Кўпинча жавобгарлик аралаш характерга эга: шартнома характери — шартнома бўйича контрагентга, деликт — профессионал хато туфайли зарар кўриши мумкин бўлган учинчи шахсларга қаратилади. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, доктринада кўпинча ушбу суғурта турига нисбатан мураккаб-мажмуавий шартнома тушунчаси қўлланилади.

“Аралаш шартнома” ва “мураккаб шартнома” тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик борасида Д.В. Огородов ва М.Ю. Челышевларнинг нуқтаи назарича аралаш шартномани мураккаб шартномалардан ажратиш керак. “Мураккаб шартнома-бу фуқаролик ҳуқуқи нормаларида бевосита назарда тутилган ва улар томонидан тартибга солинадиган мураккаб, кўп компонентли шартнома (масалан, лизинг шартномаси). Гарчи у оддий анъанавий шартномалар элементларига асосланиши мумкин бўлса-да, лекин шунга қарамай, у қонун чиқарувчи томонидан қатъий расмий равишда мустақил шартнома турига киритилган. Аралаш шартнома фақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ўзлари келишилган иродаси билан норматив шартномалар элементларидан, шу жумладан комплексдан фойдаланган ҳолда шартнома шартларини аралаштирганда (тузганда) амалга оширилади”.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида Фуқаролик кодексига ёки бошқа қонун ҳужжатла-

рига киритилган ва муайян ном билан жойлаштирилган шартномалар билан бирга, ФКнинг 8 ва 354-моддалари талабидан келиб чиқиб номланмаган шартномалар ҳам мавжуд. Ҳуқуқшунос Р.Д.Рўзиев лизинг шартномасини таҳлил қилар экан, ушбу шартномада мулкни сотиб олишдаги ижарага берувчи ва ижарага олувчининг иштирокидан ташқари кодексда тартибга солинган ижара шартнома муносабатлари, яъни мулкни ҳақ эвазига топшириш шартномаси муносабатлари ҳам акс этганлигини, шартноманинг йўналтирилганлик мақсади ва мазмуни “лизинг” тушунчасидан кенгроқ бўлганлиги боис қонун чиқарувчи лизинг шартномасини ижара шартнома муносабатларига асосли равишда киритган ва ушбу шартнома ФКнинг 354-моддасига риоя қилинган ҳолда тузилган деган хулосага келган. Албатта, Р. Рўзиевнинг фикрини тасдиқлаган ҳолда лизинг шартномасини аралаш шартномалар қаторига киритиш мумкин.

Бошқа мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилиги ва олимларнинг фикрларида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатишимиз мумкин. Мисол учун, Н.И. Клейн қайд қилганидек, “Россия Федерацияси ФК кўзда тутилмаган шартномалардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Тегишли меъёр РФ ФК 8-моддасига киритилган бўлиб, номланмаган шартнома қўлланилган ҳолатда мажбурий талаб сифатида унинг қонунга зид бўлмаслигини белгилайди”.

М.В. Телюкина ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суриб: амалда барча олимлар шартнома эркинлиги тамойилини ёритиш билан ушбу эркинлик кўринишининг бири сифатида қонунда номланмаган битимларни тузиш имкониятини кўрсатишади. Шунга қарамадан, назария ҳам, амалиёт ҳам РФ ФКда қайд этилмаган шартномаларни тузишга кўпинча салбий муносабатда бўлади.

ЎР ФК 354-моддаси 3-банди мазмуни бўйича аниқ шартнома шакллари тартибга солувчи қонунлар деганда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан ташқари мамлакатимизда қонун билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган, қонун кучига эга бўлган ва уларни турлича талқин қилиш ҳолати пайдо бўлганида миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунликка эга халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниш керак. Шу сабабли мавзуси ва мазмуни халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган, миллий ҳуқуқ тартибнинг бир қисми бўлмаган шартнома моделлари номланмаган шартномалар сифатида таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси қонун ҳужжатларида суғурта фоизлари, суғурта хавфи, суғурта объектлари, суғурта ҳуқуқий муносабатлари субъектлари каби индивидуаллаштирувчи элементларга эга бўлган мустақил комплекс шартнома сифатида белгиланиши лозим, деган хулосага келиш мумкин.

Касбий жавобгарликни суғурталаш бугунги кунда зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурталаш

моделли бўйича ҳам, шартномавий жавобгарликни суғурталаш модели бўйича ҳам амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш керакки, мазкур иккала модел касбий жавобгарликни суғурталаш эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирмайди. Гарчи шартномавий жавобгарликни суғурталаш модели суғурта қилдирувчининг манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилсада, жарималарни тўлаш ва зарарни қоплаш учун суғурта хатарларини зарарга эмас, балки йўқотишларга киритиш имконини беради:

– касбий жавобгарликни суғурталаш шартнома бўйича касбий фаолиятни амалга оширишида ҳам, шартнома тузмасдан ҳам амал қилиши мумкин (тиббиёт ходимлари, бепул асосда мижозлар манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатлар, ҳакамлик раҳбарлари ва бошқалар). Ҳар бир алоҳида ҳолатда суғурта моделини танлаш, жавобгарликни суғурта қилиш бўйича шартномавий рухсатноманинг мавжудлиги ёки йўқлигига қараб, барчанинг қонун олдида тенглиги принцигига жавоб бермайди. Суғурта хатарлари, компенсация миқдори, даъво муддатлари турличадир;

– касбий жавобгарликни суғурталаш шартномалари бўйича суғурта хатарлари касбий фаолият амалга оширилган шахсга зарар етказиш муносабати билан ҳам, учинчи шахсларга зарар етказиш муносабати билан ҳам жавобгарлик хавфини ўз ичига олади. Бундай жавобгарлик деликт жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича суғурта қилиниши мумкин, аммо шартномавий жавобгарликни суғурталаш бўйича эмас;

– касбий жавобгарлик ҳолатларида компенсация миқдори ҳақиқий зарарни ҳам, йўқотилган фойдани ҳам, маънавий зарарни қоплашгача бўлган бошқа зарарларни ҳам, шу жумладан тўғридан-тўғри мулкӣ зарар бўлмаган ҳолларда (ҳуқуқий муносабатларда истеъмолчилар иштирокида) ва шартномани лозим даражада бажармаганлик учун жарималар, шунингдек, контрагент зарар кўрмаган ҳоллардаги йўқотишларни ҳам қоплаши керак. Деликт ва шартномавий жавобгарликни суғурталаш моделлари санаб ўтилган хавфларни тўлиқ қопламайди;

– шунинг тан олиш керакки, касбий жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича фойзалар суғурта қилдирувчи томонидан эмас, балки ушбу суғурта турининг ижтимоий аҳамияти туфайли бенефициар томонидан суғурта қилинади. Касбий жавобгарликни ихтиёрий суғурталаш суғурталанган шахсининг манфаатларини суғурталашдан ташқари га чиқмайди.

Бугунги кунда профессионал фаолиятнинг кўплаб соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда янги Конституциянинг қабул қилиниши ўз навбатида адвокатура институти янги босқичга олиб чиқди. Адвокатлик фаолиятига берилаётган бу кафолатлар эса улар фаолиятидан келиб чиқадиган касбий жавобгарликни суғурталашга бўлган эътибор-

нинг ортишини ҳам талаб қилади. Шу сабабли амалдаги қонунчиликни касбий фаолият турларидан келиб чиқиб такомиллаштириш лозим бўлади.

Суғурта ҳодисаларининг содир бўлиш частотаси ва мижозга етказилган зарар миқдори субъектнинг касбий малакаси даражасига; унинг шахсий фазилатлари; шунингдек, касбий ваколатлар доирасига боғлиқ. Масалан, аудитор текширилаётган ташкилотлар профилида ихтисосликка эга бўлиши мумкин, бу суғурта ставкасини ҳисоблашда иноватга олиниши керак. Шу муносабат билан нафақат касбий жавобгарликни суғурталашнинг умумий тушунчасини шакллантириш, балки бундай фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбий фаолиятнинг айрим турлари учун касбий жавобгарликни суғурталашнинг аниқ қоидаларини белгилаш самаралироқ кўринади.

**Иzzат ПАЛВАНОВ,**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жалинский А., Рерихт А. Введение в немецкое право. М., 2001. С. 280—281.
2. Телюкина М.В. Понятие сделки: теоретический и практический аспекты. Консультант; Колпаков И., Тутыхин В. Как составить договор толлинга. Финансовый директор №12, 2003. www.fd.ru
3. Дедиков С. В. Научно-практический комментарий к гл. 48 “Страхование” ГК РФ. Статья 932 // Юридическая и правовая работа в страховании. 2010. № 3. С. 51—58; Самохвалов А. С. Страхование профессиональной ответственности : автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2004.
4. Н.И. Клейн Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). тўлдирилган нашр, О.Н. Садиқов муҳарр. остида - М.: “Контракт” юридик фирмаси : ИНФРА-М,-2005.-Б. 945.
5. Мохов А.А., Капранова С.Ю., Акишева Г.Р. Страхование профессиональной ответственности и компенсация морального вреда // Юрист. 2006. № 6.
6. Л.В. Балашова Гражданско-правовое регулирование договора страхования профессиональной ответственности в российском законодательстве : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 45.
7. Михайлова А. С. Гражданско-правовое регулирование страхования профессиональной ответственности адвокатов по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. 71 с; Михайлова А. С. Страхование профессиональной ответственности адвокатов по законодательству РФ: монография / науч. ред. А. В. Барков. – М.: Юрист, 2012. – 184 с.
8. Р.Ж. Рўзиев Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари. Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. 2013. N2-T: “ТДҶИИ”- Б. 80-81.
9. Луговец В. Я. Защита имущественных интересов субъектов посредством страхования профессиональной ответственности // Власть Закона. 2015. № 2. С. 92.
10. Романова И. Н. К вопросу о страховании ответственности за вред, причиненный окружающей природной среде при осуществлении предпринимательской деятельности // Юрист. 2016. № 9. С. 30—32.
11. Козачкова Д. С. О понятии профессиональной деятельности // Труды Оренбургского института (филиала) МГЮА. 2016. Вып. 24. С. 55.
12. Василенко Н.В. Страхование профессиональной ответственности: новые горизонты // Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). – 2019. - №2. – С. 33-44.
13. Аскарлов Н.И. Номланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари: юрид. фан. фалс. док (PhD). дис. ... – Тошкент: 2020. – 15 б.
14. Чан П. Страхование профессиональной ответственности подрядчиков: как это работает? // <https://advisorsmith.com/contractors/professional-liability-insurance-for-contractors/>

# ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НОМУВОФИҚЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Жиноят-процессуал кодексда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ минимал талаблар ва амалиётда кузатилаётган ноқулайликлар, мазкур режимида суриштирув ва тергов органлари томонидан оммалашмаётганлиги сабаблари, бу борада илгор хорижий давлатларнинг қонунчилиги ютуқлари, ишлаш механизмларини такомиллаштириш борасида чет эл олимларининг мулоҳазалари ҳар томонлама таҳлил этилиб, қонунчиликка энг мақбул келадиган таклифлар илгари сурилган ҳамда амалиёт нуқтаи назаридан асослантирилган.

**Калит сўзлар:** видеоконференцалоқа, масофавий тергов ҳаракатлари, видеоалоқа, минимум талаблар, тасвир сифати, овоз сифати, VPN ҳимояланган алоқа каналли.

**Қонунчилик ўзининг узоқ йиллик тарихи давомида ўзгариш ва қўшимчаларга учраб такомиллашиб боради ва ҳар бир қонун ўзининг муайян эволюциясига эга. Жумладан, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тартиб ҳам шулар жумласидандир. Ушбу мақолада масофавий тергов ҳаракати ўтказиш билан боғлиқ айрим тафовутлар ва номуносивликлар ҳақида батафсил тўхталамиз.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 91<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида қатъий қилиб тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналарга қўйиладиган талаблар кўрсатиб берилган. Унга кўра тасвир сифати – ўлчами 1920×1080, секундига 50 та кадр, овоз сифати – частота[1.6.463], диапазони[2.6.605] 100-12000 Гц, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича – VPN ҳимояланган алоқа каналидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши кераклиги ҳақида минимал талабларга жавоб бериши зарур.

Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 52-2-моддасида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда жиноий иш юритишни амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиб, мазкур кодексда ҳам айнан видеоконференцалоқа режимидан фойдаланишда минимал талабларга жавоб бериши ҳақида чегара мавжуд бўлмасдан, умумий қоидалар киритилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 51-2.7-моддасида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган техник воситалар, овоз ва тасвирларнинг сифати ва уларнинг реал вақт режимида узатилиши, ошкоралик ва жиноят процессининг бошқа асосий принциплари ва шартларига мувофиқлиги, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаши кераклиги назарда тутилган.

Қонун чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник қурилма-

ларга минимал талаблар қўйилган бўлсада, тадқиқот иши доирасида ўрганилган жиноят ишларида жабрланувчилар томонидан шахсий уяли алоқа телефон аппаратига айбланувчининг овозлари ёзиб олинган аудиоёзувлар ҳам ишда ашёвий далил деб эътироф этилганлиги ва мазкур далилга асосан айблов ҳукми чиқарилганлиги ҳолатларига дуч келинди. Ваҳоланки, ушбу ёзувлар овоз сифати бўйича частота диапазони 100 - 12 000 Гц талабларига жавоб беради дея олмаймиз.

Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 224<sup>1</sup>-моддасида видеоконференцалоқа тизими (веб-конференция) ёрдамида сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби белгиланган. Мазкур модданин 4-қисмида ҳам тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун қўлланиладиган техник воситаларга қўйиладиган талаблар келтирилган бўлиб, унда мазкур жараёнда тергов ҳаракати иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши ва ушбу Кодексда назарда тутилган мажбуриятларни бажариши, шу билан бирга, тўғри тасвир ва овоз сифати таъминлиши кераклиги кўрсатилган. Ушбу давлатнинг ҳам жиноят-процессуал қонунчилигида минимал талаблар кўзга ташланмайди.

Грузия Республикасининг Жиноят-процессуал кодексда ҳам масофавий сўроқ (243-модда. Сухбат протоколи ва тергов давомида берилган кўрсатувларни ўрганиш, гувоҳни масофадан сўроқ қилиш) ҳамда техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ва суд жараёнлари ҳақида умумий қоидалар белгиланган бўлиб, айнан масофавий тергов ва суд ҳаракатларида қўлланиладиган техник воситалар учун муайян талаблар қўйилмаган ҳамда чекловлар мавжуд эмас.

Қозғистон ва Қирғизистон Республикалари Жиноят-процессуал кодексларида ҳам видеоалоқа тушунчаси мавжуд бўлиб, ушбу тушунча бизнинг қонунчилигимиздаги видеоконференцалоқа тушунчаси ўрнида қўлланилган. Иккала давлат қонунчилигида ҳам исботлаш жараёнида қўлланиладиган илмий-техник воситалар учун умумий қоидалар белгиланган. Жумладан, исботлаш жараёнида

илмий-техник воситалар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) қонунда бевосита назарда тутилган ёки унинг нормалари ва тамойилларига зид келмаслиги;

2) илмий асосланган бўлиши;

3) жиноят процессининг самарадорлигини таъминлаш кераклиги;

4) қўллаш хавфсиз бўлиши кераклиги ҳақида тергов ҳаракатлари ва суд жараёнлари қўлланиладиган умумий қоидалар белгиланган бўлиб, айнан тергов ва суд ҳаракатларида қўлланиладиган видеоалоқа қурилмаси учун минимал талаблар кўзга ташланмайди.

Латвия Республикасининг Жиноят-процессуал кодексда процессуал ҳаракатларни техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширишга рухсат этилган ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш вақтида фойдаланиладиган техник воситаларга алоҳида талаблар ўрнатилмаган. Латвия ЖПКнинг 140-моддасида жараёни бошқарадиган шахс (ишни судга қадар юритувчи мансабдор шахс назарда тутилмоқда) агар жиноят процессининг манфаатлари талаб қилса, техник воситалар (телеконференция, видео-конференция) ёрдамида процессуал ҳаракатни амалга ошириши мумкинлиги, турли хоналар ёки биноларда бўлган процессуал ҳаракат иштирокчилари бу орқали бир-бирларини эшитишлари ва кўришларини таъминлаш кераклиги ҳақидаги қоидалар белгиланган бўлиб, айнан тергов ва суд ҳаракатларида қўлланиладиган видеоконференция қурилмаси учун минимал талаблар мавжуд эмаслиги яққол кўзга ташланади.

Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексда ҳам видеоконференцалоқадан фойдаланиш тартиби юзасидан бир нечта моддалар бўлиб, мазкур кодексда ҳам ушбу техник қурилмага нисбатан муайян минимал талаблар учрамайди.

Тожикистон Республикасида ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида масофавий тергов ҳаракатларидан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланган. Тожикистон Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида, агар гувоҳ ёки жабрланувчи республикадан ташқарида жойлашган бўлса, сўроқ электрон рақамли имзо билан тасдиқланган протокол тайёрланган ҳолда телекоммуникация тизимлари ва электрон почта орқали масофадан туриб амалга оширилиши мумкинлиги, терговчига гувоҳлар иштирокида масофадан туриб сўроқ қилишига рухсат берилганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот иши юзасидан юқоридаги минимал талаблар Эстония Жиноят-процессуал кодексда ҳам мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Мазкур кодекснинг 69-моддасида масофавий сўроқ – тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби акс этган бўлиб, унда ишни олиб бораётган шахс, агар техник имкониятлар мавжуд бўлса масофадан сўроқ қилиши мумкинлиги, бунда шахсни сўроқ қилиш учун келишида қийинчиликлар бўлса ёки ортиқча харажатларга олиб келиши ёхуд инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳолларда ўтказилиши кераклиги ҳақида қоидалар киритилган. Шу каби тартиб қоидаларни Украина Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин.

Юқорида кўриб чиқилган хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги тажрибасини мамлакатимиз қонунчилигига ҳам киритиш тергов амалиётида вужудга келаётган таҳлил этиб ўтилган масалаларга ечим бўлади.

Ўрганишлар натижасида қонунчилигимизда мавжуд бўлган тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича ўрнатилган минимал талабларнинг мавжудлиги ушбу усулнинг ишни судга қадар юритувчи органлар томонидан оммалашмаганлигининг асосий омилларидан бири эканлиги хорижий давлатлар тажрибаси билан асосланди. Юқорида тилга олинган давлатлар қонунчилигида минимал талабларнинг ўрнатилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 91<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмидаги минимал талабларни **“Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар тергов ҳаракати мақсадига эришиш учун етарли бўлиши керак”** деб ўзгартирилиши таклиф этилади. ЖПКнинг 91<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида ўрнатилган минимал талабларнинг бекор қилиниши натижасида суриштирув ва дастлабки тергов органлари вакилларининг ушбу тергов ҳаракатини ўзларининг компьютерларига ўрнатилган камералар орқали ҳам амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Натижада эса масофадан туриб, тергов ҳаракатларини ўтказиш механизми соддалашади ҳамда номақбул далил йиғиш эҳтимоллари камаяди.

**Шавкат ФАЙЗУЛЛАЕВ,**

*Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ИИБ ходими.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Крымінальна-Працэсуальны Кодекс Рэспублікі Беларусь 16 ліпеня 1999 г. № 295-З. (мурожаат вақти 17.04.2023 йил). <https://ssrlab.by/9258>
2. Code of Criminal Procedure of the Azerbaijan Republic Adopted on 14 July.2000.<https://migration.gov.az/content/pdf/bcddb6936d940a5d8be5672d0b6de90e.pdf>
3. Code of Criminal Procedure of the Republic of Estonia, Passed 12.02.2003, RT I 2003, 27, 166, Entry into force 01.07.2004. (мурожаат вақти 26.04.2023 йил). <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/ee/Riigikogu/act/504042023004/consolidate>
4. Code of penal procedure of Turkmenistan of April 18, 2009 (as amended on 20-11-2022) <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=27706>
5. Уголовно-процессуальный кодекс республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.01.2023 г.). (мурожаат вақти 18.04.2023 йил) Законодательной базы данных. [https://sherloc.unodc.org/cld//legislation/kaz/criminal\\_procedure\\_code\\_of\\_the\\_republic\\_of\\_kazakhstan/chapter\\_56/article\\_537-541/chapter\\_56.html?lng=ru&tmpl=sherloc](https://sherloc.unodc.org/cld//legislation/kaz/criminal_procedure_code_of_the_republic_of_kazakhstan/chapter_56/article_537-541/chapter_56.html?lng=ru&tmpl=sherloc)
6. Code of penal procedure of the Kyrgyz republic of October 28, 2021 No. 129 (as amended on 30-03-2023). Законодательной базы данных. <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=136101>
7. Wipo lex, Latvia, criminal procedure law (as amended up to March 6, 2021). (мурожаат вақти 24.04.2023 йил) Законодательной базы данных. [https://Kriminalprocesa\\_likums\\_\(likumi.lv\)](https://Kriminalprocesa_likums_(likumi.lv))
8. Criminal-procedural code of the Pussian federation no. 174-fz of december 18, 2001. (with amendments and additions as of 11.01.2023) <https://docs.wto.org/dol2fe/Pages/SS/directdoc.aspx?filename=T/IP/N/1RUSE6-02.pdf&Open=True>
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
10. Criminal procedure code of georgia. <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90034/151/en/pdf>
11. Criminal procedure code of Ukraine. <https://rm.coe.int/16802f6016>

# МАҲБУСНИНГ САДОҚАТИ

*Мурдос Хорижий Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг қамоқхонасида маҳбус эди. Қўриқчи унга айтди:*

*– Мен сени қўйиб юбормоқчиман. Агар ҳар ҳафтада бир мартаба уйингга бориб келишингга рухсат берсам, қамоқхонага қайтиб келасанми?*

*– Ҳа, – деди у.*

*Шундай қилиб ҳар ҳафта бир марта уйига бориб келар эди.*

*Хаворижлардан баъзилари ўлимга маҳкум бўлишди. Миршаб Ибн Зиёд билан маслаҳатлашди. Ибн Зиёд қамоқдаги хаворижларнинг ҳаммасини ўлдиришга буюрди. Бу пайтда Мурдос қамоқдан ташқарида эди. Уй аҳли:*

*– Жонингни эҳтиёт қил. Агар қамоқхонага борсанг, сени ўлдиришади, – дейишди.*

*– Мен Аллоҳга хиёнатчи ҳолатимда рўбарў келишни хоҳламайман! Зиёднинг ўгли золим киши, қўриқчини ўлдириб қўяди, – деб қамоқхонага қайтиб борди. Қўриқчига айтди:*

*– Сенга бирор озор етмасин деб қайтиб келдим. Хўжайининг бизнинг шерикларимизни нимага азм қилган бўлса, мени ўша жойга олиб туш!*

*– Хоҳлаган жойингга кетавер! Аллоҳ сенга нажот берди, – жавоб берди қўриқчи.*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада Конституцияни янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти, унда бош масала саналган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш, мавжудларини мазмунан бойитиш, ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатлари, давлат масъулиятининг кучайтирилганлиги фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи мисолида кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** янги конституция, фуқаролар мурожаатлари, конституциявий кафолатлар, мурожаат қилиш ҳуқуқи.

**Конституцияни янгилаш ва янги таҳрирда қабул қилишнинг бош мақсади унда инсон ҳуқуқларини кўпайтириш (янги ҳуқуқларни мустаҳкамлаш), мавжуд ҳуқуқларни мазмунан бойитиш, инсон ҳуқуқлари кафолатларини ва бу борада давлатнинг масъулиятини кучайтириш эди. Аввалги Конституциянинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлимида 35 та модда бўлган бўлса, янги таҳрирдаги Конституциянинг шу бўлими 46 та моддадан иборат бўлди. Шунингдек, моддалардаги нормалар миқдори ҳам бир неча марта кўпайтирилди.**

Янгиланган Конституциянинг 20-моддаси учинчи қисмидаги “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди” – деган қоида, тўртинчи банддаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”, шу модданинг охириги бандидаги “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади” – деган нормалар мутлақо янги конституциявий норма бўлиб, биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита ҳеч қандай қўшимча кўрсатмасиз амал қилишини, иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахсларнинг фаолияти мазмун-моҳиятини белгилайди. Бу – улар учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор масала эканлиги ва уларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликларига муносабатига қараб баҳо берилади, дегани.

Давлат органлари ва инсонлар муносабатида инсон манфаати устуворлиги белгиланган.

Конституциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таллуқли кўплаб моддаларида шу ҳуқуқни таъминлаш, рағбатлантириш, шароит яратиш масъулияти тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган. Бу давлатнинг инсон олдида масъулияти кучли белгиланганлигини кўрсатади. Булар Конституциянинг 54-моддасида мустаҳкамланган

“Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади” – деган тамойилдан келиб чиқади.

Бевосита инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқи янги таҳрирдаги Конституцияда ҳал қилинганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, унга нарсага эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, бундай ҳуқуқларнинг кенгайганлиги, иккинчидан кафолатларининг кучайтирилганлиги, учинчидан мурожаат қилинувчи органлар сони кўпайганлиги.

